

# СЕНАТ

ялпи мажлисида  
Танзила Нарбаева  
нималар деди?



# КОРРУПЦИЯга

қарши курашнинг  
бугунги тизими  
ўзини оқлаётими?



@mahalladoshuz @mahalladosh\_uz www.mahalladosh.uz

№ 16

(1892-1895) 2020 йил  
14 – 21 май

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

# Маҳалла

Ўқитимойи сиёсат маънавий-маърифий газ

**КАМБАҒАЛЛИКНИ  
ҚИСҚАРТИРИШ:**  
қишлоқдаги оддий  
одамлар ҳаёти  
ўзгаряптими?

7

**ОМБУДСМАН**  
халққа қандай  
хизмат  
қилиши керак?

8

**ХОРИЖДАГИ**  
юртдошларимиз  
аҳволдан консуллик  
беҳабарми?

9

**«НУМО»  
ТЎЛОВ ТИЗИМИ**  
фаолиятдан  
аҳоли нега  
норози  
бўлмокда?

13



**ҲУДУДЛАРНИ  
ИХТИСОСЛАШТИРИШ:**  
юқори ҳосилли ва экспортбоп экинлар  
**«БИР МАҲАЛЛА – БИР МАҲСУЛОТ»**  
тамойили асосида жойлаштирилади

5

**АҚШ ВА ХИТОЙ:  
КИМНИНГ  
ҚАДДИ  
БУКИЛАДИ?**



31

**ЎЗБЕК  
РАЗВЕДКАЧИЛАРИНИНГ  
ОЧИЛМАГАН  
ҚИРРАЛАРИ**

24-25



## Шавкат МИРЗИЁЕВ:

## Эпидемиологик вазият жilовини маҳкам ушлаган ҳолда карантин талабларини юмшатишни давом эттираемиз

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 13 май куни мамлакатимизда карантин талабларини ҳушёрликни оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодий тармоқларини босқичма-босқич ишлаштириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбари йиғилиш аввалида дунёда пандемия ҳали давом этаётгани, лекин қатор давлатлар карантин чекловларини аста-секин юмшата бошлаганини қайд этди.

– Дунё ҳамжамияти коронавирусга қарши вакцина ва даволайдиган дори воситаси ҳали топилмагани сабабли ушбу инфекция мавжуд бўлган шароитда яшаш ва ишлашга ўрганиш зарурлиги тўғрисида якуний ҳулосага келмоқда. Биз ҳам эпидемиологик вазият жilовини маҳкам ушлаган ҳолда, карантин талабларини юмшатишни бошлаганимиз ва буни босқичма-босқич давом эттираемиз.

Буни, энг аввало, иқтисодий фаолликни тиклаш орқали, аҳолининг ишлаши ва даромад олишини таъминлаш мақсадида амалга оширмаймиз.

Бу борада ўзимиздаги ҳақиқий аҳвол ва халқаро тажрибани кенг ўрганаямиз. Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қаерда ҳокимлар бутун масъулиятни ўзига олиб, чуқур ўйлаб, одамлар билан маслаҳатлашиб, иш олиб бораётган бўлса, уша жойда яхши натижа бермоқда.

Лекин баъзи жойларда берилган эркинликнинг нотўғри тушуниб, аҳоли, айниқса, ёшлар ҳеч қандай заруратсиз кўчаларни тўлдириб юргани кузатишмоқда. Бундай ҳолатлар ҳамда охириги кунларда инфекция юқтирилган сони яна ошаётгани ҳаммамизни ҳушёр бўлишга қақирмоқда.

Умуман, коронавирус хавфи йўқолганидан кейин ҳам халқимиз карантин пайтидаги айрим қоидаларни ўзининг одатий турмуш тарзига айлантириши керак. Жумладан, шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, кўлни тез-тез совунлаб ювиш, дезинфекция қилиш, турли тўй-маросимларни жуда чекланган таркибда ўтказиш, юқумли касал бўлса ниқоб тақиш одатий қоидага айлантириш зарур.

Бир ҳақиқатни барчамиз аниқ тушуниб олишимиз шарт: пандемия шароитида биз жорий этган янги тизимнинг қанчалик самара-

ли ишлаши фақат ва фақат ўзимизга боғлиқ, – деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда пандемияга қарши курашиш ҳамда карантин шароитида аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу мақсадларга Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 3 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, иқтисодий фаолликни таъминлаш учун умумий қиймати 1 триллион сўмдан зиёд бўлган янги инвестиция лойиҳалари бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, 87 мингта тадбиркорлик субъектининг жами 18 триллион сўм, қарийб 2 миллион фуқаромизнинг 5 триллион сўмдан зиёд банк кредитларини қайтариш муддати узайтирилди.

Ўтган ойнинг ўзида 250 мингта тадбиркор ва корхона, 83 мингта фермер хўжалигининг жами 400 миллиард сўмлик солиқ ва бошқа тўловларини тўлаш муддати кечиктирилди. Давлат мулкидан фойдаланаётган 11 мингдан ортиқ тадбиркор ижара тўловидан озод бўлди.

Эҳтиёт чоралари таъминланган ҳолда, карантин даврида ишламаган 14 мингта саноат корхонасидан ҳозирги кунда 10 мингтаси ўз фаолиятини қайтадан бошлади. Уларнинг 178 минг ходими ўз иш жойига қайтди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига вилоят ҳокимликлари билан биргаликда ҳозирги кунда ишламай турган 4 мингта саноат корхонаси муаммоларини бирма-бир ўрганиб, уларнинг фаолиятини май ойи охиригача йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз пандемия шароитида аввалги берилган имтиёزلарга қўшимча равишда тадбиркорлар ва аҳолини қўллаб-қувватлаш давом эттирилишини таъкидлади.

Биринчидан, кичик бизнес ва фермер хўжалиқларига ижтимоий солиқ ставкаси май-июль ойларига 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Бунинг натижасида

260 мингдан зиёд корхона ва фермер хўжалиқлари жами 650 миллиард сўм маблағларни тежаган ҳолда, уларни сармоя ва айланма маблағ сифатида ишлаштириш имконига эга бўлади.

Иккинчидан, кичик бизнес вакиллари, яқка тартибдаги тадбиркорлар келгуси уч ой давомида ер ва мол-мулк солиғидан озод этилади. Бунинг ҳисобига 50 мингдан ортиқ тадбиркор 300 миллиард сўмни тежайди ва уларнинг айланма маблағи кўпаяди.

Шунингдек, аввалги қарорга асосан, апрель-май ойларига 1 мингдан зиёд тадбиркорнинг ер ва мол-мулк солиқлари ва пенялари бўйича кечиктирилган 80 миллиард сўм тўловлари кечиб юборилди.

Учинчидан, тадбиркорларга божхона тўловларини 120 кунгача кечиктириб тўлашга рухсат берилди. Бу уларга жами 540 миллиард сўмни тежаш ҳамда ушбу маблағларни ўз бизнесини ривожлантиришга йўналтириш имконини беради.

Тўртинчидан, эҳтиётчанд оилаларни янада қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақа олувчи оилалар сони кўшимча 70 мингтага ёки 10 фоизга кўпайтирилиб, бюджетдан яна 200 миллиард сўм ажратилади.

Бешинчидан, илгари ставкаси 22 фоизгача бўлган инвестиция кредитлари бўйича фоизлар қисман давлат томонидан қоплаб берилган бўлса, энди ставкаси 26 фоизгача бўлган кредитларнинг фоизлари ҳам қисман қоплаб берилди.

Шунингдек, тадбиркорларга айланма маблағларини тўлдириш учун 500 миллиард сўмгача (илгари 10 миллиард сўмгача) берилган кредитлар бўйича компенсация миқдори 5 фоиздан 10 фоизга оширилди.

Олтинчидан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида жорий қилинган аҳолига яқка тартибда уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун кредит бериш ташрибаси Тошкент шаҳрида ҳам татбиқ этилади. Шу орқали пойтахтда қарийб 10 мингта масвумий иш ўринлари яратилади.

Еттинчидан, маҳаллий корхоналарнинг махсулотига нисбатан ички талабни ошириш ва шу орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ташкилотларига III-IV чорақдаги харидларини II чорақда амалга ошириш ҳуқуқи бе-

рилади.

Умуман, иқтисодий ва фуқароларни янада қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан қўшимча 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Йиғилишда юртимиздаги эпидемиологик вазият ҳамда ҳудудлар раҳбарларининг тақлифларидан келиб чиқиб, карантин талабларини янада юмшатиш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, «яшил» ва «сарик» ҳудудларда санитария-гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда хизмат кўрсатиш турларига босқичма-босқич рухсат бериш мумкинлиги белгиланди.

Республика комиссиясига пандемия қайта кучайган тақдирда вазирлик ва идоралар бажариши лозим бўлган бирламчи вазифалар белгиланган тартибни тасдиқлаш топшириғи берилди.

Олис ҳудудларнинг пойтахтимиз билан транспорт алоқасини тиклаш жуда долзарб масала бўлиб турибди. Шу боис Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларига авиакатновларни тиклаш, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига «Афросиёб» тезуор поезди ҳамда Фарғона водийсига поезд қатновини қайта йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, шаҳарлар ичида шахсий автомобиллар ҳаракати бўйича чекловларни бекор қилиш масаласи ўрганилмоқда. Транспорт, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликларига булар бўйича Республика комиссиясига тақлиф қилиш вазифаси қўйилди.

Маълумки, касаллик юқиши хавфидан келиб чиқиб, тўловлар нақдсиз шаклда ўтказилган эди. Аҳоли, айниқса, пенсионерларнинг муурожаатларини ҳисобга олиб, иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди.

Тошкент шаҳри туманларида муносиб иш жойлари ташкил этиш, уй-жойлар қурилишини кенгайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида карантин чораларини юмшатиш, иқтисодий корхоналарини қайта тиклаш борасидаги ишлар бу сафар Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари мисолида кўриб чиқилди.

Мақкур икки вилоятда мамлакатимиз аҳолисининг

қарийб 20 фоизи истиқомат қилади, саноат махсулотларининг 11 фоизи ишлаб чиқарилади.

Сўнгги икки ҳафтада карантин талаблари юмшатилиши натижасида Қашқадарё вилоятида 90 фоиз, Самарқанд вилоятида 60 фоиз корхоналар ўз фаолиятини тиклади. Лекин аҳолини даромад билан таъминлаш учун бу етарли эмас. Камбағал оилалар сони Қашқадарёда 91 мингта, Самарқандда эса 48 мингтадан ортиқ эди. Бу вилоятларнинг ҳар бирида юз мингдан ортиқ ишсизлар бор.

Давлатимиз раҳбари қийинчиликка дуч келаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ҳудуд раҳбарларининг энг устувор вазифаси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 75 фоизи республикага бўйсунадиган корхоналарга тўғри келади. Касби, Қамаш, Миришкор, Нишон ва Чирокчи туманларида саноат деярли йўқ.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига вилоят ҳокимлиги билан биргаликда мақкур туманларда саноатни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Вилоятда етиштирилмайдиган пахта толасининг атиги 42 фоизи қайта ишланиши қайд этилиб, янги тиву-трикотаж корхоналари ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, олтингурт, марганец, ферро-силиций, гипс, доломит ва бошқа қимбат захиралардан талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри аҳолиси 600 мингдан ошди. Ҳозирги уй-жой салохияти ва инфраструктура эҳтиёжини қондира олмайди. Шу боис шаҳарни Пастдарғом, Нуробод, Самарқанд туманлари томон кенгайтириш, янги мавзелар, «Йўлдош шаҳарлар» барпо этиш режалаштирилмоқда. Бу йўналишда вилоят учун яна бир ўсиш нуқтаси бўлади, минглаб иш ўринлари яратилади.

Самарқанд вилоятида 120 та норузда конлар мавжуд бўлиб, улардан 33 таси саноат йўли билан ўзлаштиришга жалб қилинмаган.



## Шавкат МИРЗИЁЕВ:

# Эпидемиологик вазият жilовини маҳкам ушлаган ҳолда карантин талабларини юмшатишни давом эттираммиз

Мисол учун, 5,1 миллион куб метр керамзит ва пардозбop тошлар, 200 минг тонна ферро-силицийни саноат усулида қайта ишлаш имконияти бор.

Мутасаддиларга мавжуд конларнинг муҳандислик инфратузилма таъминотини ўрганиб, замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Саноати орқада бўлган туманларни ривожлантириш, «Ургут» эркин иқтисодий зонасининг Нуробод туманидаги қисмини кен-

гайтириш бўйича тақлифлар билдирилди.

Вилоятдаги тўқимачилик корхоналари 37 минг тонна ип-калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Лекин ҳозирда уларнинг атиги 48 фоизидан фойдаланилмоқда, холос. Шу боис, тўқимачилик саноати қувватларининг ишлаш даражасини ошириш, вилоятдаги 2 та пахта-тўқимачилик кластерида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўтган йиғилишдаги топшириққа мувофиқ, Самарқанд вилоятида хунарманд-

чиликнинг муайян йўналишларига ихтисослашган 217 та эски қишлоқ тарихи, маҳаллий аҳолининг азалдан шакланган кўникмалари ва «усиш нуқталари» ўрганилди. Бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам бошлаб, аҳоли бандлигини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Каттакўрғон ва Нуробод туманларидаги 1 минг 200 гектар лалми ва яйлов ерларни Каттакўрғон шаҳри аҳолисига фойдаланишга бериб, 5 минг кишини иш билан таъминлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда давлатимиз

раҳбари ҳукумат таркибидаги ўзгаришлар моҳиятига ҳам тўхталиб ўтди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Бош вазирга янги вазифалар юклатилди, унинг ўринбосарлари ўртасида ҳам вазифалар қайта тақсимланди.

Ижтимоий соҳанинг аҳамияти ортиб бораётгани боис Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Бу

лавозимга шу кунгача Давлат солиқ қўмитаси раиси вазифасида ишлаб келган Бекзод Мусаев тайинланди.

Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлигига Президентнинг давлат хизмати ва ҳокимият вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси Шерзод Қудбиев тайинлангани маълум қилинди.

Йиғилишда Самарқанд ва Қашқадарё вилояти ҳокимлари, бошқа ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

# Халқаро ҳамжамият Ўзбекистондан миннатдор

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга глобал миқёсда ўт очишни тўхтатишга даъватни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик мактубини йўллади.

Маълумки, шу йилнинг 23 март куни БМТ Бош котиби дунё мамлакатларини курулли низоларни тўхтатиш ва коронавирусга қарши кураш йўлида бирлашиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Бундай даъватни тинчликни олий қадрият деб биладиган Ўзбекистон биринчиларидан бўлиб қизгин олқишлади. Зеро, қўшни Афғонистондаги 40 йилдан бери давом этиб келаётган уруш олови минтақамиз хавфсизлигига, унинг тараққиётига тушов бўлиб келаётди. Боз устига, мамлакатимиз раҳбарияти ўз ташқи сиёсатини олиб борар экан, ҳар доим халқаро майдондаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар тинч, сиёсий ва дипломатик йўллар билан ечиш тақлифини илгари суриб келади.

## Бош котиб тақлифи қўллаб-қувватланди

Халқаро ташкилот раҳбарининг чақирғи бежиз кетмади, албатта. Ҳатто диний адоватга, мазҳаблараро низога эга давлат-

лар пандемия шароитида курулли низоларга чек қўйди. Яманда «қонунийликни қўллаб-қувватлаш» деб аталадиган араб коалициясининг икки ҳафта муддатта мамлакатда ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги қарори халқаро майдонда ва араб дунёсида қизгин олқишланди. Шу кунга қадар тинчлик нималигини билмай келаётган Афғонлар қизик воқеаларнинг гувоҳига айланяпти: «Толибон»га бўйсунувчи ҳудудларда жангарилар тинч аҳолига коронавирусга қарши қандай курашиш бўйича маслаҳатлар битилган варақалар, совун ва тиббиёт ниқобларини тарқатмоқда.

БМТ Бош котибининг тинчлик даъвати бутун дунё бўйлаб қўллаб-қувватлаш ва ҳукумат раҳбарлари томонидан, шунингдек, минтақавий шериклар, фуқаролик жамияти ва дин раҳбарлари томонидан ижобий қабул қилинди.

Халқаро ташкилот Бош котиби Президентимизга йўллаган мактубида мижаролардан номутаносиб жабр кўрган ва пандемия



олдида янада заиф бўлиб қолганлар тақдирдан хавотирда экани, тинч аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, болалар ва маргинал гуруҳларни ҳимоя қилиш учун барча масъул эканини таъкидлайди. Бош котиб шу муносабат билан Ўзбекистоннинг минтақадан жабр кўрган давлатларга, шу жумладан, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун миннатдорлик билдирди.

## Ўзбекистон тажрибаси эътироф этилди

Хабаримиз бор, пандемия тарқалишига қарши курашда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўз вақтида кўрилган чоралар инфекциянинг кескин тарқалиши ва кўнгилсиз ҳолатлар кўпайишининг

олдини олишга хизмат қилмоқда.

БМТ Бош котиби ҳам ўз мактубида Ўзбекистон Республикасида вируснинг тарқалишини жиловлаш, шунингдек, пандемиянинг ижтимоий-иқтисодий, шу жумладан, аҳолининг энг эҳтиёмман қатламлари учун оқибатларини юмшатиш бўйича кўрилган қатъий чораларга юксак баҳо берди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу чораларни миллатни, унинг бутунни ва эртасини асраб қолиш даражасидаги курашга қиёслади. Хорижда турли сабабларга кўра қолиб кетган юртдошларимизни мамлакатга қайтариш борасида Ўзбекистон жиддий намуна кўрсатди. Болаларимизнинг карантин шароитида билимсиз қолиб кетмаслик чоралари кўрилди. Мамлакатимиз

телеканаллари орқали фарзандларимизга масофавий таълим берилмоқда.

БМТнинг ихтисослашган фан, таълим, маданият муассасаси — ЮНЕСКО Ўзбекистоннинг бу борадаги қадамини олқишлади ва бошқа мамлакатларни ўрнак олишга чақирди.

Шунингдек, мактубда Гутерриш Сардобадаги фалокат юзасидан Ўзбекистон ҳамда Қозғистоннинг сув тошқинидан талафот кўрган халқига ҳамдардлик билдирган. Муҳтож одамларга ёрдам кўрсатишда Ўзбекистон ва Қозғистон ҳукуматлари яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилаётганини юксак баҳолаган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсий ислохотлар халқаро ҳамжамиятнинг доимий диққат-эътиборида. Айниқса, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан сўнгги йилларда қўшни давлатлар билан муносабатларда ўз ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиш борасида жиддий қадамлар ташланди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонни кейинги йилларда дунёда энг кўп яшми тарафга ўзгарган мамлакат, деб топишяпти. Бунақаси мустақил Ўзбекистон тарихида кузатилмаган. Бу тан олишлар Ўзбекистонгача ҳали биронта Марказий Осиё давлати бу каби эътирофга лойиқ кўрилмагани билан ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.



# Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлиси нимаси билан ёдда қолди?

**В**идеоконференцалоқа шаклида ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида 20 та масала, шу жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилди. Хўш, кун тартибига қўйилган масалалар бўйича сенаторларнинг позицияси қандай бўлди? Улар томонидан билдирилган фикрлар қанчалик асосли? Янги қонунлар қайси жиҳатлари билан муҳим?



## СЕНАТ РАИСИ НИМА ДЕДИ?



**Танзила НАРБАЕВА,**  
Олий Мажлис Сенати Раиси:

► Сенат ҳукуматдан бугунги мажлисда Сардоба масаласида сўров қиладимиз, деб сўрашяпти. Бунга айтишим мумкинки, давлат раҳбари бир неча марта эълон қилдилар, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан жиноий иш кўзғатилган, ҳозир тергов ишлари олиб борилаяпти. Бу масала давлат раҳбарининг шахсий назоратида. Қерда коррупция бўлган бўлса, қаерда қонун бузилиши бўлса, ҳаммасига, албатта, чора кўрилади.

► Ҳокимларнинг ваколат доираси, қонунларга риоя қилишини қонунчиликда аниқ акс эттириш зарур. Уларнинг қонунга риоя қилишини назорат қилишда маҳаллий кенгашлар алоҳида ўрин тутади. Жойлардаги сенаторлар ҳокимият қарори ноқонуний бўлса, тўғрилаши, қайтариб юбориши, бу ҳақида ҳокимият раҳбарига айтиш керак.

► Тизимли муаммолар жуда ҳам кўп. Кўп масалалар прокуратура ишга аралашгандан кейингина ҳал бўляпти. Мисол учун, вояга етмаганлар масаласида 14,5 мингдан зиёд мансабдор шахс қонунни бузган, 77 та жиноят аниқланган, 12 мингдан зиёд боланинг ҳуқуқлари тикланган. Нега прокуратура ишга аралашгандан кейин болаларнинг ҳуқуқлари тикланиши керак? Шу йўналишда ишлаётган тизимлар — Халқ таълими, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари бор. Уларнинг фаолиятида катта муаммолар мавжуд.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

## «Бировдан қочиб ЕОИИга аъзо бўлаётганимиз йўқ»

Сенаторлар Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида «кузатувчи давлат» мақомида иштирок этиш таклифини маъқуллади. Бош вазир ўринбосари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Қўчқоровнинг сўзларига кўра, «кузатувчи давлат»



мақоми халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда муаммо келтириб чиқармайди.

— Халқаро валюта жамғармаси бўладими, Жаҳон банки бўладими, Осие тараққиёт банки бўладими, ҳеч қайси халқаро иқтисодий, молиявий ташкилотлар билан муаммо бўлмайди, — дей-

ди **Ж.Қўчқоров.** — Биз бу саволни

тўғридан-тўғри берганмиз. Яна бир гап — аввал кузатувчи бўлганимиз билан ҳозир кузатувчи бўлаётганимизнинг орасида принципиал фарк бор. Биз ҳозир бировдан қочиб ёки бировга қарши бўлиб кузатувчи сифатида иштирок этаётганимиз йўқ. Давлатимизнинг, Президентимизнинг ҳозирги ташқи сиёсати — ҳамма билан бир хил, яхши, конструктив алоқада бўлиш. Тўғридан-тўғри саволлар берганмиз, тўғри жавоблар ҳам олганмиз. Биронта ташкилотдан қандайдир шубҳа ҳам билдирилмаган.

## Прописка тизимида қандай ўзгаришлар бўлади?



Сенат томонидан прописка билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жумладан, эндиликда «прописка» тушунчаси ўрнига «рўйхатта олиш» тушунчаси киритилади.

— Пропискисиз ҳам иккиламчи бозордан уй сотиб олишга рухсат берилиб, бунда амалдаги давлат бож ставкаси бекор қилинади, — дейди **Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбидин Бурҳонов.** — Эр-хотиннинг никоҳдан кейин бир йил давомида биргаликда яшаш шarti ва бир йил ичида никоҳ бекор қилинганда прописка йўқолиши ҳақидаги қоидалар ҳам чиқариб ташланади. Иш жойидан доимий рўйхатга олинганлар ишдан кетгандан кейин ҳам пропискисини йўқотмайди. Давлат ташкилотларида 5 йил муддат мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини юритаётган мутахассислар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади. Фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларни нафақат ўзи доимий рўйхатда бўлган манзилга, балки эгаллигидаги бошқа уй-жойга ҳам доимий рўйхатга қўйиш ҳуқуқи берилади.

## Иккита қонун қайтарилди. Нега?

Сенаторлар томорқадан тўғри фойдаланмаганлик учун жарима белгилаш ҳақидаги қонунни рад этди. Ушбу қонунга кўра, томорқадан асоссиз равишда оқилона фойдаланмаганлик учун жавобгарлик белгиланиши керак эди.

Сенаторлар ушбу нормада «асоссиз равишда» ёки «оқилона» фойдаланмаслик ёхуд «самарасиз» фойдаланиш каби тушунчалар қонун ҳужжатларида очиб берилмаган деб топишди. Бу эса, ўз навбатида, коррупцияга замин яратиши мумкинлиги қайд этилди. Ҳозирда «Шахсий томорқа хўжалиги-тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётгани, унда барча масалалар очиб берилиши маълум қилинди.

Шунингдек, Сенат аъзолари «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги қонунни ҳам рад этишди.

## Ҳукуматга парламент сўрови юборилади

Ташкилотларга кўра, биргина 2019 йилнинг ўзида ҳокимларнинг 3400 дан ортиқ қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган. Улар ваколатта эга бўлмаса-да, қонунга зид равишда бино-иншоотларни балансга олиш, ер ажратиш каби масалалар юзасидан қарорлар қабул қилган.

— Шунингдек, мулкдорларга зарар етказилганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик масалалари қатъий белгиланмаган, энг муҳими, бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари томонидан ўз вақтида муносиб эътибор берилмаган, — дейди **Сенатнинг Суд-ҳуқук масалалари ва коррупцияга қарши куралиш қўмитаси раиси ўринбосари Шухрат Чўлпиев.** — Мулкчилик объекти учун компенсация маблағларини тўламай ёки қиймати бўйича тенг мол-мулкни тақдим этмай мажбуран чиқариб юбориш одатий ҳолга айланган. Шунга асосан, ҳокимлар томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмасдан қарорлар қабул қилиш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.







# ҲУДУДЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ:

## юқори ҳосилли ва экспортбоп экинлар «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида жойлаштирилади

**Д**унёдаги ҳозирги мураккаб вазият – пандемия, иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар шароитида давлатлар учун ҳақиқий хавфсизликни таъминлашда озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор захирасини яратиш муҳим ўрин тутди. Шу маънода озуқа экинлари, мева-сабзавот етиштиришни кўпайтириш, ички бозорни тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш давлатимизнинг ҳам муҳим стратегик йўналишларидан бирига айланган.



босқич юқори ҳосилли ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари «Бир маҳалла – бир маҳсулот» тамойили асосида жойлаштирилади.

селекция ва уруғчилигини йўлга қўйиш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган, денгиз сатҳидан 1-1,5 минг метр баландликда бўлган Қорамозор ҳудудидан 20 гектар ер майдони ажратилади. Бу ерда илмий тадқиқот ишларини амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича муҳим тажрибалар ўтказилади.

### Ўзгаришлар боғбону деҳқонларнинг оғирини енгил қилади

Қарорда боғбону деҳқонларнинг оғирини енгил қиладиган яна бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, 2021 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар четдан олиб кирилаётган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, иссиқхона асбоб-ускуналари божхона божидан озод этилади. Бу билан интенсиф боғни ташкил этишдаги харажатлар камайишига эришилади. Натижада фермер ва деҳқон хўжаликлариде ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи ҳам арзонлашиб, аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имконияти ортади.

Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 6 миллиард сўм маблағи эвазига 6 дона бурғулаш машинаси харид қилиниб, Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжаликларини ва томорқа эгаллари кенгашига бегараз ажратилади. Шунингдек, Зомин, Мирзачўл ҳамда Пахтакор туманларида, уларнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, транспорт ва инфратузилма объектлари ҳолати ва тутааш туманларнинг маҳсулот етиштириш ҳажмларини инобатга олиб, йирик агрологистик марказлар ташкил этилади.

Маъмур имтиёз ва субсидиялар мамлакатимиздаги барча иختисослашган ҳудудларда бирдай қўлланилади

\*\*\*

Мухтасар айтганда, қарорда белгиланган вазифалар ижроси ҳудудларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ҳажминини оширади. Янги иш ўринлари ташкил этилиб, ердан йилда бир марта эмас, балки икки-уч марта ҳосил олиш учун шароит яратилади. Жиззах вилоятининг республикамиз марказида жойлашгани ҳам бу ерда етиштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини бошқа ҳудудлар бўйлаб етказиб беришда яхши имконият, транспорт логистикаси учун эса қулай шароитларни юзага келтиради.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 11 майдаги «Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга иختисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириб, соҳанинг ҳуқуқий, ташкилий, молиявий ва бошқа қатор асосларини белгилаб берди.

### Боғбонларга субсидия ажратилади

Қишлоқ хўжалигида сувдан тўғри фойдаланиш жуда муҳим масала. Тахлилларга кўра, юртимизда экин майдонларига миллиардлаб куб метр сув йўналтирилса-да, унинг фақат 60 фоизи экинларга етиб боради, қолгани эса сўғориш тизимларида ва сўғориш жараёнида йўқотилади. Шу боис сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш долзарб масала.

Ҳужжат билан боғбонларни қийнаб келаётган энг катта муам-

### Мева-сабзавот етиштириш логистикаси ривожланади

Маълумки, ҳудудлардаги ер майдонларида, асосан, пахта ва ғалла маҳсулотлари етиштирилган. Шунга мос равишда қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳам бу ҳолатга мослашиб қолган эди. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, эндиликда рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш кўпайтирилиб, соҳага илм-фан янгиликларини кенг жорий этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Бунда республика ҳудудлари босқичма-босқич қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муайян турларини етиштиришга иختисослаштирилиши муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Қарорга кўра, ҳудудларни иختисослаштириш бўйича эксперимент Жиззах вилоятида амалга оширилади. Бунинг учун жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдони ажратилиб, вилоятнинг айрим ҳудудлари 2020-2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжаликларига иختисослаштирилади.

Бунда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари инобатга олинб, иختисослаштирилдиган ер майдонларида босқичма-

### ДАРВОҚЕ...



Қарорга кўра, Зафаробод тумани ҳудудидаги самарасиз фойдаланиб келинаётган 513 гектар сўғориладиган ер майдони салоҳиятли ташаббускорларга гўшт йўналишидаги 2 минг 400 бошли чорва комплексини ташкил этиш шартини билан ажратиб берилади.

молардан бири ҳал этилмоқда. Унга кўра, эндиликда боғдорчилик хўжаликларига ташкил қилинадиган ҳар 35 гектар интенсиф боғ ва тоқзорларга сув чиқариш учун 120 миллион сўмдан ошмайдиган микдорда субсидия маблағлари ажратилади. Ваҳоланки, шу пайтгача 35 гектар ер майдонига эга бўлмаган фермерлар субсидия олиш имконига эга бўлмади. Эндиликда бир неча хўжалик бирлашган ҳолда, 35 гектар ер майдонини ҳосил қилиб, субсидия олиши мумкин.

Соҳа истиқболини белгиловчи яна бир қадам — Зомин туманида картошканинг маҳаллий навлари



**Дилором ИМОМОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Қайд этиш керак, сўнгги уч йилда соҳада манфаатдорликни ошириш, оддий қилиб айтганда, деҳқон ва фермерни бой қилиш учун барча масалалар ҳал қилиб берилди. Энди мутасадди раҳбарлару миришкорлар ҳам ҳосил ва даромадни кўпайтириш учун янгича ишлаши зарур. Бу йил қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси вакиллари учун катта синов йили бўлаётир. Пандемия ва карантин қанча вақт давом этишидан қатъи назар, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камаймайди.

Шу боис мамлакатимизда ҳудудларни мева-сабзавотчиликка иختисослаштириш, айна йўналишда кластерлар ва кооперацияларни ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, дастлабки босқичда республика бўйича 55 та туман мева-сабзавотчиликка иختисослаштирилди. Тахлиллар бундай ёндашув ўзидан қутилган натижани беришини кўрсатди.

Бирок амалга оширилаётган ишлар, кўрилатган чора-тадбирларга қарамай, айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Жумладан, ҳали-ҳануз ҳудудларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилмаган, қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳам ҳали бундай ўзгаришларга тайёр эмас.

Тўрақўрғонда 50 та ёш оилани бирлаштирган узумчилик кооперацияси ташкил этилди.



# Коррупцияга қарши курашнинг бугунги тизими ўзини оқляптими?

## Мансабдорлар 51,3 млрд. сўм зарар етказди

Бош прокуратура маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида республика бўйича жами 87 та жиноят иши бўйича 115 нафар мансабдор шахс жавобгарликка тортилган. Улар томонидан давлат ва жамият манфаатларига 51,3 млрд. сўм миқдоридан моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида унинг 18,3 млрд. сўми ундирилди.

Афсуски, жамиятимизда илдиш отган иллатларга қарши ҳар қанча курашмайлик, натижа қутилгандек бўлмаяпти. Татбиқ этилган тажрибалар доим ҳам ўзини оқламайпти. Вазият эски ҳаммом, эски тослигича қолмоқда. Сенатнинг тўртинчи ялпи мажлисида Бош прокуратуранинг 2019 йилги фаолияти ҳисоботини берган Нигматилла Йўлдошевнинг маърузасида келтирилган далиллар ҳам буни исботлайди.

Жумладан, Инвестиция дастурига киритилган 1 минг 379 та қурилиш лойиҳаси қайта экспертизадан ўтказилиб, 1,5 триллион сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинган. Қурилишга ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланилгани устидан олиб борилган назорат тадбирларида эса 75 миллиард сўм маблағ талон-торож қилингани аниқланиб, 300 нафардан ортиқ шахс жавобгарликка тортилган.

## Янги тузилма аввалгиларидан фарқ қиладими?

Ҳўш, бугун ушбу иллатга қарши қандай курашяптимиз? Очиғини айтганда, бугун биз фақатгина кичик

ҳажмдаги маиший коррупция билан курашишга ўралашиб қолдик ва бу борада қилинаётган ишларни баралла жараёнига одаландик. Бугунги ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, коррупцияга қарши курашнинг ваколатли мансабдорлардан бошлаш керак.

Сенат мажлисида Бош прокурор коррупцияга қарши кураш ва унинг олдини олиш билан шуғулланувчи янги орган ҳақида маълумот берар экан, англадикки, эндиликда янги тузилма коррупцияга қарши курашда асосий эътиборни юқори ва юқори турувчи идоралар ҳамда маҳаллий бошқарув органларидаги шундай ҳолатларга қаратади. Тезкор қидирув ишларини олиб боришда парламент, Президент Администрацияси, ҳукумат аъзолари, республика даражасидаги ҳўжалик юритувчи идора раҳбарлари, банк раҳбарлари, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари даражасидаги мансабдор шахслар ишини ўрғанади.

— Энди маиший коррупциядан элитар коррупцияни ўрганишга чиқишимиз керак. — деди Бош прокурор. — Шунингдек, давлат харидлари, бюджет маблағларининг сарфлаши бўйича жараёни назорат қилиш, декларация тизими жорий этиш ишлари янги орган зиммасига оқлатилади. Буларнинг барчаси прокурорлик назорати асосида олиб борилади.

Таъкидланишича, агентлик бирон давлат идораси, парламент, Президент ҳузурида эмас, алоҳида бўлади.

Умид қиламизки, агентлик иш бошлагач, зиммасига оқлатилган вазифани рисоладагидек бажаради

Зеро, унинг коррупцияга қарши кураш бўйича мавжуд тузилмалардан фарқи — мустақил орган экандир. Натижани эса яна вақт кўрсатади. Йўқса, бу иллат давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлаверади.

## «Коррупцияга қарши ички аудит» самара берадими?

Бу иллатни йўқотишда ташкилотларда «коррупцияга қарши ички



«Ички аудит» тизимининг самарали ишлаши ҳам талаб

этилади. Ҳўш, бу тизим чиндан ҳам, коррупция илдизига болта ура оладими? Қайд этиш керакки, коррупцияга қарши курашнинг энг асосий йўли — давлат органлари фаолияти ва иш жараёнларини шаффоф қилишдир. Бунда энг асосий эътиборни ишга олиш, давлат харидлари, рухсатнома ва лицензиялар бериш каби жараёнларда очик-ошкораликни таъминлашга қаратиш лозим.

Шу маънода давлатимиз раҳбари раислигида жорий йилнинг 11 февралда ўтказилган йиғилишда вазирик, компания ва ҳокимликларда ички коррупцияга қарши чораларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи «комплаенс назорат» тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

— «Комплаенс назорат»нинг асосий таркибий қисми бўлган ички аудит тизими ташкилотларда коррупцияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга

**Ж**амият тараққиётига дахл қилаётган, соҳа оёғига тушов бўлаётган камчиликлар ҳақида кўп ва кўп гапирилди, гапирилмоқда. Аммо бу билан нимадир ўзгараётгани, вазият яхшиланаётганини ҳис қиляптими? Ташкил этилган порталлар, бир неча ташкилоту комиссиялар муаммоларни манзилли ҳал эта оляптими? Жавоб «ҳа», бўлса, нега ҳамон мансабдор «жиноятчилар» бор, нега шамолга томлар дош бермаяптию, нега минглаб одамларнинг уйлари сув остида қолмоқда? Хуллас, «нега»лар учун сабаблар талайгина. Бироқ изоҳига келганда «лаббай» топилмайди.

ошириш, антикоррупцион чекловларга риоя этилиши устидан назорат қилади, — дейди Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Маъруфжон Курбанов. — У нафақат иқтисодиёт, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни прогноз қилиш, уларни аниқлаш ва

ҳуқуқбузарликларни профилактика қилишга масъул бўлинма ёки мансабдор шахс мавжудлиги, ходимлар ва бошқарув персоналнинг хизмат этикаси қоидаларининг ишлаб чиқирилиши, манфаатлар тўқнашувининг олди олингани, норасмий ҳисобот юритиш ҳамда ҳужжатларнинг қалбакилаштирилишига йўл қўймаслик каби ҳолатлар ўрганилади.

Чиндан ҳам, ташкилотларда коррупцияга қарши муросасиз курашиш сиёсатининг ишлаб чиқирилиши ички аудит тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

\*\*\*

Сирасини айтганда, ҳар бир ташкилот коррупциядан холи соҳага айланиши учун, аввало, раҳбару ходим виждонан ҳаракат қилиши, ўзгаларнинг ҳаққидан кўрқини лозим. Ҳар ким тафтишнинг ўзидан бошламас экан, ўнлаб комиссия номи юракка гулгула солувчи ташкилотлар ҳам бу иллатни йўқ қила олмайди.

бартараф этиш, унга мойиллиги бор тармоқ ёки мансабдор шахслар доирасини аниқлашга хизмат қилади.

Бу тизим орқали ташкилотларда коррупцияга оид

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

## Коррупцияга қарши курашнинг 4 та таъсир воситаси

**Ҳалол ишлашни рағбатлантирувчи таъсир.** Бунда муносиб маош, коррупция ҳақида хабар берган шахсларни рағбатлантириш, ҳалол инсонни юқори лавозимларга тайинлаш принципи татбиқ этилади.

**Коррупцияга шароит омилларини тўсувчи таъсир.** Бунда давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилни қисқартириш, ҳуқуқбузарликларни қайд этишнинг электрон тизими, давлат назоратини мақбуллаштириш, давлат хизматчиларини лавозимга тайинлашнинг танлов асосида ўтказилиши кабилар муҳим роль ўйнайди.

**Коррупцияга қарши маърифий таъсир.** Бунда шахсда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, диний улаомларимиз томонидан коррупцияга қарши диний-маърифий даъват олиб бориш мақсадга мувофиқ.

**Коррупцияга қарши назорат тизими.** Бунда жамоатчилик назорати, давлат органлари фаолиятининг очиклиги, мансабдор шахсларнинг ҳалқ олдида ҳисобдорлиги, коррупция йўли билан чиқарилган қарорларнинг бекор бўлиши талаб этилади.



Ақлли синф хоналари учун компьютер ускуналари ишлаб чиқарилган бошлайди.



# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ: қишлоқдаги оддий одамлар ҳаёти ўзгаряптими?

**Д**унё иқтисодчилари камбағалликни бир шахснинг даромади унинг кундалик эҳтиёжларига етмаслиги билан изоҳлайди. Яъни шахснинг даромади еб-ичиши, уст-бош сотиб олиши, коммунал ва бошқа тўловларни тўлаш, соғлигини тиклаши каби харажатларига етмаса, у камбағал ҳисобланади. Камбағалликнинг маънавий қиёфаси эса аксар ҳолларда орзу қилишдан ҳам чўчидиган, умидсизлик ва ишончсизлик исканжасидаги инсон кўринишида намоён бўлади.

Юртимизда камбағалликни қисқартириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада муҳим чора-тадбирлар белгиланди. Ҳўш, биз қанчалик тўғри — осон ва оптимал йўлни танлаганми? Умуман, камбағалликни қисқартириш учун қандай ишларни бирламчи ўринга қўйишимиз зарур? Бугунги жараёнлар яна қандай вазифаларни олдимизга қўймоқда?

## Фақат сигир бериш билан иш битадими?

Тошкент вилояти ҳокими Рустам Холматов «Минг оилага — минг тухфа» акцияси доирасида ҳудуддаги эҳтиёжманд оилаларга соғин сигир совға қилди. Бу хайрли ташаббус воҳада ҳам ўз аксини топиб, Сурхондарё вилоятида моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган оилаларга қорамоллар улашилди. Албатта, бундай хайр-саховат ишлари учун мутасаддиларга ва жойлардаги тадбиркорларга қанча раҳмат айтсак ҳам кам. Лекин бир оилага сигир бериш билан унинг моддий аҳволини ўнглаш мумкинми?

— Ҳозиргача вилоятда турмуш шароити оғир уч юздан ортиқ оиланинг ҳар бирига бир бошдан соғин сигир тухфа қилинди, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Заҳриддин Тўраев. — Албатта, бир-икки бош қорамол билан рўзгорнинг кам-қўстини тўлиқ яшилаб бўлмайди. Аммо ана шу саховат сабаб юзлаб оилаларга ишонч кириб борапти. Улар эътибордан четда эмаслигини, турмуши яшиланиши учун мутасаддилар ёрдам қилини



чўзишга шай эканига ишонч ҳосил қияпти. Шунингдек, жорий йилнинг 7 май куни Президентимиз раҳбарлигида Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида мазкур йўналишда бажарилиши зарур бўлган юмушлар белгилаб берилди.

Хусусан, Олтинсой туманида электр таъминоти яхши эмаслиги сабабли йилига етиштирилаётган 80 минг тонна узум ва 13 минг тонна галлани қайта ишлаш имкони чекланаётгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари шу каби имкониятдан унумли фойдаланиш борасида тегишли топшириқлар берди. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилиши, аҳолининг даромад манбалари ошишига хизмат қилади.

## Ҳар бир ҳудуднинг ўз муаммоси бор

— Камбағалликни тугатиш устувор вазифамиз экан, бунинг учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш йўли билан қандай мақсадга эришмоқчи эканимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуда Ворисова. — Бунда шунчаки камбағалларга пул тарқатиш эмас, балки ижтимоий маблағлар инсон капитали сифатини оширишга йўналтирилиши керак. Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилганидек, ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам пулини ошириш билан муаммони ҳал этиб бўлмайди. Давлатимиз олдида жуда катта вазифа турибди, уни амалга ошириш учун камбағал қимлигини, муҳтожлик даражасини аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш керак ҳамда унинг асосида ягона электрон база ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Аҳолининг таъминланганлик даражаси ҳақидаги тўлиқ маълумотта эга бўлсакки биз ҳақиқатда ёрдамга муҳтож оилаларни аниқлай оламиз.

Фикримизча, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ мақсадларда қарорлар қабул қилиш жараёнида депутатларнинг таъсири ва фаоллигини ошириш лозим. Чунки, тан олиш керак, маҳаллий ҳокимликлар, туман ташкилотлари ҳар доим ҳам ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиқиб иш тутмайди. Бир ҳудудга тўғри келган чора бошқа ҳудудда самарали чикмас-

лиги мумкин. Бутун республикани бир хил чора билан ривожлантириб бўлмайди. Иқтисодийнинг турли соҳаларида ранг-баранг, энг муҳими, илмий асосланган ёндашувлар керак.

Кам таъминланган аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшагани сабабли уларга томорқадан унумли фойдаланиш имконияти яратилиши керак. Бунинг учун томорқаларга борувчи ирригация тизимларини қайта тиклаш, етиштирилган маҳсулотларни сотиш имконини яратиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ижарага берувчи корхоналар ташкил этилиши зарур.

## Хусусий сектор фаол жалб этилиши керак

— Камбағалликни қисқартириш учун, биринчи навбатда, ишсизлик даражасини пасайтириш лозим, — дейди иқтисодий фанлари доктори Шерзод Мустафоқов. — Бунинг учун ўзига мустақил ёрдам бера олмайдиган қатламни қўллаб-қувватловчи хусусий сектор ресурсларини жалб этиш керак. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда одамларимизни тадбиркорликка ўқитишнинг илғор дастурларини ишлаб чиқиш ва касбга ўқитишда ННТлар фаоллигини кучайтириш зарур.

Қолаверса, касаначиликни ривожлантириш, бунда замонавий машиналар, ускуналар, хомашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Касаначиларга буюртмачилар топишига, тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришга кўмаклашиш зарур.

Аҳоли реал даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, бунинг учун ижтимоий меҳнат тақсимоти тўғри йўлга қўйиш орқали жон бошлига тўғри келадиган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмини, яъни меҳнат унумдорлигини кескин ошириш зарур. Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қисмини қашшоқликдан чиқариш учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар ва аҳоли томорқаларидан мақсадли фойдаланишда микрокластер тузилмаларини яратиш ҳам мазкур йўналишда ютуқларга сабаб бўлади.

Ҳозиргидек пандемия даври камбағалликка қарши курашнинг аҳамиятини янада ошириб, қўзланган ишларни янада оптималлаштириб, аниқ режа билан иш кўришни тақозо этади. Бу камбағалликни қисқартириш учун жамиятда инсон тафақурини ўзгартириш, уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини кучайтириш лозим бўлади. Шў йўналишда амалга оширилаётган сиёсатда асосий мақсад — фуқароларни касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш орқали мустақам даромад топишига замин яратиш керак.

Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 мартдаги «Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофиқ, эндиликда қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва қарорлар камбағаллик даражасига таъсирини баҳолаш нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказилади.

Камбағаллик даражасини қисқартириш борасидаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан 2020 йилда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 100 млрд сўм ажратилади.



# ОМБУДСМАН

## халққа қандай хизмат қилиши керак?

Ўзбекистон пойтахтидан 1200 км. ғарбда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 2019 йилга қадар «Жаслик» номи билан аталувчи қамоқхона бўлганлигини кўпчилик яхши билади. Маҳбусларни қийноққа солиш ҳолатлари

энг кўп кузатилган ушбу жазони ижро этиш муассасаси узоқ йиллардан буён Марказий Осиёнинг энг мудҳиси қамоқхонаси сифатида кўрилар эди.

Қувонарлиси, охириги йилларда мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида дадил қадамлар ташланди. Хусусан, Президентимиз томонидан 2019 йилнинг 2 август куни «Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 19-сон ихтисослаштирилган жазони ижро этиш колониясини тугатиш тўғрисида»ги қарорнинг имзоланиши ва «Жаслик» қамоқхонасининг ёпилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида кўлга киритилган муҳим ютуқлардан бўлди. Шунингдек, охириги 3-4 йил давомида Ўзбекистон фуқароси деган мақомни олиш борасида амалга оширилган ишлар, «Меҳр», «Меҳр-2» инсонпарварлик тадбирлари доирасида аёллар ва болаларни хорижий ўлкалардан мамлакатимизга олиб келиниши ёки жазо муддатини ўтаётган инсонларга нисбатан 4 мингга яқин афв эълон қилиниши ҳам эътирофга лойиқ ишлардан бўлди.

### Вазирлик ва ҳокимликлар сўровларга нега жавоб бермайди?

11 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган тўртинчи ялпи мажлисида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улугбек Муҳаммадиев 2019 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда соҳада кўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапираркан, қилинган амалий ишлар хусусида батафсил маълумот берди.

Шунингдек, мажлисда хали тизимда қилиниши лозим бўлган ишлар, муаммолар талайгина эканлиги ҳам ойдинлашди. Жумладан, Вакил томонидан шикоят-

ларни кўриб чиқиш учун ўтган йилда вилоят ҳокимликларига 773 та сўров хати юборилган бўлса-да, уларнинг 180 дан ортиғига ўз вақтида жавоб берилмагани, 134 та сўровга эса республика вазирлик ва идоралари томонидан муносабат билдирилмагани ачинардир. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноятда гумон қилинувчилар ва маҳкумларга нисбатан ноқонуний таъсир чоралари кўрилганиги тўғрисида юздан зиёд шикоят келиб тушганлиги, бундай салбий ҳолатларнинг нафақат оқибатларига чора кўриш билан чекланиш, балки уларга олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган тизимли ишлар олиб бориш лозимлигини кўрсатмоқда.

Аммо шунинг ҳам унутмаслик керакки, Омбудсманнинг «Сўров юборилди, жавоб берилмади» тарзида ишлаш тизими ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади ва фуқаро Омбудсманга ўзини қийнаётган муаммони ижобий ҳал эта оладиган сўнгги инстанция сифатида қарайди. Шу боис юборилган сўровларнинг натижадорлигига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Энг асосийси, халққа хизмат қилиши керак бўлган Омбудсманни халқ билиши, марказ қилаётган ишлардан хабардор бўлиши лозим.

### Омбудсман фақат тадбирлардагина иштирок этмоқда

— Ўтган йил Омбудсманга келиб тушган мурожаатларнинг қанчаси ёки неча фоизи ижобий ҳал қилинган, деган саволга аниқ жавоб топа олмадим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Сенати раиси Танзила Норбоева. — Бор-йўғи, 20 фоиз мурожаат назоратга олинган, холос. Бу эса жуда ҳам паст кўрсаткич. Аслида мурожаатларнинг аксариятини назоратга олиш керак. Чунки айнан мурожаатларда одамларни қий-

наётган муаммолар ўз ифодасини топади. Шу боис Омбудсманнинг мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Қолаверса, Сенат кўмиталарининг Омбудсман билан ҳамкорлиги мутлақо сезилмапти. Нима учун Омбудсман ва кўмиталар биргаликда одамларни қийнаётган масалаларни ўрганиб, муаммоларни аниқлаб, Сенатта таклифлар киритмайди? Муаммолар ва уларнинг кўриб чиқиши орқали республикадаги тизимли камчиликларни аниқлаш мумкин ва бунинг натижасида қонунчиликка ҳам ўзгартиришлар киритиш имкони бўлади. Айниқса, Одам савдоси ва Мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссиялар билан Омбудсман фаол ҳамкорлик қилиши, бу борада аҳоли дуч келаётган муаммолар бўйича комиссияларга таклиф киритиши керак. Бироқ Омбудсман ҳозир фақат комиссиялар тадбирларида иштирок этиш билангина чекланмоқда.

### «Халқ Омбудсманни билмайди, танимайди»

Тан олиш лозим, бугун юртдошларимизнинг аксарияти уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи муҳим тузилма — Омбудсман институти борлигини билмайди. Муаммоларига ечим топа олмай юрган кўпчилик фуқаролардан марказ фаолияти ҳақида сўрасангиз, баъзилар елка қисийши, айримлар эса «билмайман» дея жавоб бериши аниқ.

— Оммавий ахборот воситаларида Омбудсманнинг роли мутлақо сезилмайди, — дейди Танзила Норбоева — 2019 йилда ОАВда атиги 74 та чиқиш қилинган, холос. Халқ бу марказни билмайди, танимайди. Ижтимоий тармоқларда

кўп муаммолар муҳокама қилинмоқда, лекин Омбудсман бирор масалага муносабат билдирмайди. Шу боис ҳамкорликни тубдан ўзгартириш керак. Сенаторлар ҳам четда кузатувчи бўлиб турмасдан, марказ фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиши зарур. Зеро, Омбудсман Парламентнинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакилидир.

### «Бугун эътироф, таҳсин ва мақтов билангина иш битмайди»

Соҳада муаммоларни юзага келишига фақат тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинггина айбдор қилиш, улар зиммасига барча хатоларни юклаш адолатдан бўлмайди. Чунки инсон ҳуқуқлари йўналишида сидқидилдан меҳнат қилаётган қанчадан-қанча фидойи инсонлар борки, уларга етарли шароит яратиб бериш, муаммоларига қулоқ тутиш зарур. Афсуски, ҳозирда жойлардаги Вакиллар учун яратилган шароитлар, уларга кўрсатилаётган эътибор қониқарли даражада эмас.

— Соҳадаги ислохотларни янада кучайтириш имкони мавжуд. Бунинг учун Омбудсманнинг ташкилий тузилмаси ҳамда Минтақавий вакилларига етарли шароитлар яратиш зарур, — дейди Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман)нинг Навоий вилояти бўйича Минтақавий вакили Муродулла Ҳакимов. — Шунинг айтиш керакки, Минтақавий вакиллар институти ташкил топгандан буён жамоатчилик асосида ишлайди. Олий Мажлис бу масалада бир неча бор чоратадбирлар режасини тасдиқлаб, вилоят ҳокимликларига тақдим этганига қарамай, Минтақавий вакиллар учун ҳануз шароитлар яратилгани йўқ. Қолаверса, бугун фақат эътироф, таҳсин ва мақтов билан иш битмаслигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, Омбудсман фаолиятини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш учун барча куч ва имкониятларни бирлаштириш ва бу йўлда биргаликда ҳаракат қилиш зарур. Ана шунда кўзланган мақсадларга эришилади.

Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»



Ўтган 2019 йилда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) га 4895 та шахсий мурожаат келиб тушган.

Амударёда 31 майгача балиқларни саноат мақсадида овлашга тақиқ ўрнатилди.



Таъкидлаш жоизки, бугунги таҳликали вазиятда энг кўп жабр кўраётганлардан бири — Ватандан олисда бўлган мамлакатимиз фуқаролари, меҳнат мигрантларидир. Шу туфайли кейинги пайтларда ишлаш ёки ўқиш мақсадида чет элга чиқиб кетган айрим фуқароларнинг кўмак сўраб қилаётган видео, аудио мурожаатлари сони ортиб кетди.

Вазиятдан келиб чиқиб, Президентимиз 7 май куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида хорижий мамлакатларда қийин вазиятда қолиб кетган яна 11 минг фуқарони қайтариш борасида топшириқ берди. Ўтган қисқа муддат ичида эса мингдан ортиқ юртдошларимиз мамлакатимизга қайтарилиб, махсус карантин зоналарига жойлаштирилди. Хўш, карантин даврида хориждаги ўзбекистонликларга қандай кўмак берилмоқда? Бу борада Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги нима ишларни амалга оширяпти? Хориждаги фуқароларимизнинг видео, аудио мурожаатлари чиққунга қадар улар асл вазиятдан беҳабарми?

### Консуллик қандай ёрдам кўрсатапти?

— Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари чет элда бўлиб турган ҳамюртларимизнинг ҳол-аҳолидан доимий равишда хабардор бўлиб турибди, — дейди Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими Шухрат Ҳакимов. — Уларнинг мурожаатлари эътибордан четда қолаётгани йўқ. Мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва Бош консулхоналари ҳузурда оператив штаблар ташкил этилган. Бундан ташқари, хориждаги ваколатхоналарининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва алоқа телефонлари узлуксиз ишлаб турибди. Бизга турли масала-



## Хориждаги юртдошларимиз аҳолидан консуллик беҳабарми?

КАРАНТИН  
ДАВРИДА ХОРИЖДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРГА  
ҚАНДАЙ КЎМАК БЕРИЛМОҚ-  
ДА? БУ БОРАДА ТЕГИШЛИ  
ТАШКИЛОТЛАР НИМА ИШЛАР-  
НИ АМАЛГА ОШИРЯПТИ? ХО-  
РИЖДАГИ ҲАМЮРТЛАРИМИЗ-  
НИНГ ВИДЕО, АУДИО МУРО-  
ЖААТЛАРИ ЧИҚҚУНГА ҚА-  
ДАР УЛАР АСЛ ВАЗИЯТДАН  
БЕҲАБАРМИДИ?

**К**оронавирус эпидемияси сайёраимиз аҳолисининг турмуш шароити оғирлашишига сабаб бўлмоқда. Албатта, бу муаммолар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти, аммо халқимизнинг сабр-тоқати, ҳукуматнинг оқилона сиёсати уларга тўғри ечим топишда қўл келаётир. Кўни-қўшни ҳам-жиҳатлиги, маҳалла ва бошқа ташкилот мутасаддиларининг фаоллиги сабаб ишсиз, турмуши оғирлашган аҳоли вакилларига керакли кўмак берилмоқда.

ларда мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу ҳақда Республика махсус комиссиясига керакли ахборотларни етказяпмиз ҳамда уларнинг қарорларига кўра, тезкор чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Яна бир янгилик — мамлакатимизнинг Москва шаҳридаги элчихонаси ва Россия ҳудудларидаги Бош консулхоналари бугундан (14 майдан) эътиборан, пандемия туфайли оғир вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга моддий

ёрдам тақдим қилишни бошлайдди. Бир марталик пул маблағлари элчихонада очилган хайрия ҳисоб-рақамига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ажратилади.

### Фуқаро қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида бўлиши керак

Албатта, бу ишларнинг барчаси бир зумда ҳал бўлиб қолмайди. Аммо айрим фуқаролар консулликка боғлана олмагани ёки улардан кўмак кутавериб, чарчаганини билдиришимоқда. Мусофирнинг нони қаттиқ, дейди халқимиз. Айниқса, ҳозирги синовли кунларда вазият янада таранглашаётгани ҳам бор гап. Боиси ишсиз, даромадсиз тўрт девор ичига қамалиб қолган, яқинларидан неча минг километрлаб узоқда бўлган кишилар кимга ҳам додини айтиди? Улар қаерда бўлмасин, давлатимиз ҳимояси остида бўлиши керак эмасми?

— Албатта, бугунги синовли кунларда энг катта жабр кўрганлар меҳнат мигрантлари ҳисобланади, — дейди Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги мутахассиси Ор-тиқхўжа Норов. — Уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор сайъ-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пандемия шароитида хорижда оғир аҳолга тушиб қолган мигрантларга ёрдам бериш мақсадида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида «#BIRGAMIZ» лойиҳаси ҳамда хайрия тадбирларини амалга ошириш учун «www.bigamiz.com» сайти ишга туширилди. Бундан ташқари, Россия

Федерациясининг кучли карантин ҳудудида ишсиз қолиб кетган фуқароларни вазият оғирлашмаган туман-шаҳарларга ўтказиш ва уларни иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Салоҳиятли иш берувчилар ва ишлаш истагидаги фуқаролар ўртасида алоқани таъминлаш учун кўп тилли колл-центр ва тегишли маълумот каналлари яратилди. Шундай бўлса-да, юртдошларимизни иш билан таъминлаш осон кечаётгани йўқ. Россия ҳукуматининг меҳнат-каш мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор тадбирларига қарамай, иш берувчилар иқтисодиётнинг пасайиши ва патентсиз ишчилар сабабли маъмурий жарима тўлашининг олдини олиш учун чет эл фуқароларини ишга олишга эҳтиёткорлик билан қарамоқда. Ўз навбатида, ишчи мигрантлар ҳам ишончсиз иш берувчилар томонидан алданиб қолиш эҳтимолидан ҳавотирда.

Бу синовли кунлар ҳам, албатта, ортида қолади. Аммо айнаи вазиятнинг нақадар нозик эканини барчамиз бирдек ҳис қилишимиз зарур. Бунда биргина шошма-шошарлик билан қабул қилинган қарор халқимиз манфаатларини ва давлатимиз иқтисодиётининг катта зарар кўришига олиб келиши мумкин. Биргина ташкилот ёки фақатгина давлат муассасаларининг сайъ-ҳаракатлари муаммони бартараф этиш учун етарли эмас. Бунинг учун барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз зарур.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

### МЕНДА САВОЛ БОР...

## Чартер рейсдан жой олиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?

**?** Мен ишлаш мақсадида Россияга келган эдим. Аммо карантин сабаб ишсиз қолдим. Чет элдаги фуқароларни Ўзбекистонга қайтариш бўйича чартер рейслар ташкил қилинаётгани ҳақида эшитдим. Чартер рейсдан жой олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Алишер МАҲМАРАИМОВ.  
Қашқадарё вилояти.

### Шухрат ҲАКИМОВ, Ташқи ишлар вазирлиги масъул ходими.

— Таъкидлаб ўтиш керак, чартер рейсларда, энг аввало, беморлар, ҳомиладор аёллар, кексалар ва ёш болалар олиб келинади. Бунинг учун фуқаролар чартер рейслар учун рўйхатдан ўтиши ва ўз навбатида кутиши керак. Чартер рейс ташкил қилинганда элчихона ходимлари навбат бўйича ҳар бир фуқаро билан боғланади. Юртдошларимиз уч хил тартибда рўйхатдан ўтиши мумкин.

Яъни бунда чартер рейсларга рўйхатдан ўтиш формасини тўлдириб, Россиядаги консуллик муассасалари томонидан ижтимоий тармоқларда ташкил қилинган Telegram манзиллари («@UzKoRusCharts1», «@UzKoRusCharts2», «@UzKoRusCharts3», «@UzKoRusCharts4», «@UzKoRusBot») маълумот юбориш ҳамда бевосита консуллик муассасаларига кўнғироқ қилиб боғланиш орқали рўйхатдан ўтилади.

24 майгача фуқароларни хориждан олиб келиш учун чартер рейслар амалга оширилади.



Биринчи факт!

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши қуралиш қўмитаси таҳлилларига кўра, 2019 йилда ҳокимларнинг 3400 дан ортиқ қарорлари ҳақиқий эмас, деб топилган. Бу олдига йилларга қараганда 3 фоизга кўп дегани. Шунингдек, мулкдорларнинг мулкни мусодара қилиниши ҳақида огоҳлантиришнинг олти ойлик муддатига риоя қилмаслик, мулкчилик объекти учун компенсация маблағларини тўламай ёки қиймати бўйича тенг мол-мулкни тақдим этмай, мажбуран чиқариб юбориш одатий ҳолга айланган.



Иккинчи факт!

Тергов департаменти берган маълумотга кўра, биргина карантин жорий этилган вақтдан 2 майга қадар 126 минг 88 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Бу бир ярим ой учун нихоятда катта кўрсаткич. Наҳотки, қонунларни менсимаслик, ҳар қанча огоҳлантиришларга қарамай, чегарадан ўтиш бизда анъанага айланмоқда?

# Қонунни четлаб ўтиш малакали юристлар етишмаслиги билан боғлиқми?

**В**азиятга турли ракурслардан баҳо бериш мумкин, яъни аҳолига қонун талаблари етарли даражада тушунтирилмаётгани ёки тушунтириш олиб бориши керак бўлган инсоннинг ўзида малака, соҳа бўйича билим етарли эмасми? Ахир, ҳокимликларда ҳам юристлар бордир? Яна бир фаразни ўртага ташлаш мумкин: балки қабул қилинаётган қонунларнинг ўзи таҳрирга муҳтождир? Ёки қонун талабларига риоя этилмаслиги юридик кадрлар етишмаслиги билан боғлиқми?

## Оғзаки муҳокама амалиёти доим ҳам тўғри келвермайди

— Ҳолатни икки хил ёндашув билан баҳолаш мумкин, — дейди Тошкент шаҳар адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи Амрулло Аҳмедов. — Биринчидан, бу қонунларни яхши тушунамаслик, унинг моҳиятини англаб етмасликда намоён бўлади. Иккинчиси эса, юристлар етишмаслиги билан боғлиқ. Чунки парламентда кўриб чиқилган қонун муҳокама учун порталга қўйилади. Таклифлар ўрганилиб, ўзгартириш киритиб, сўнгра қабул қилинади. Лекин қабул қилиниши ва унинг ишлаш жараёни ўртасида катта фарқ бор. Боиси қонун қабул қилиш оғзаки муҳокама асосида кечади, уни амалиётга татбиқ этиш жараёнида эса етарли муаммолар келиб чиқади.

Натижада биз уни бошқача талқин қилишга мажбур бўламиз.

Яъни девор қурилган, аммо уни бузишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бироқ уни амалиётга тўғридан-тўғри татбиқ этиб ҳам бўлмайди. Бир неча чиғирқдан ўтган қонунни бузасак, ўзимиз чегарадан ўтамиз. Натижада қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қиламиз. Шу боис ўз соҳасини яхши биладиган, малакали юристларнинг қонун лойиҳаларини тайёрлашдаги иштироки уни мукамал ишлаб чиқишини таъминлайди.

## Ҳамма юристлар ҳам қонунлардан бохабарми?

— Ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун устуворлигига қатъий риоя қилиниши кўп жиҳатдан юридик ходимларнинг ҳуқуқий онги даражасига ҳам боғлиқ, — дейди Юристлар малакасини ошириш маркази директори Анвар Раҳमतов. — Ривожланган ҳуқуқий давлатларда юристларнинг кейинги тайёргарлигига алоҳида

эътибор қаратилади. Зеро, бутун нафақат иқтисодий, балки юридик малакага эга ходимларга ҳам талаб катта. Ҳозир эски тизимдаги билимлар билан бирор натижага эришиш мушкул. Ривожланган давлатларда малака оширганлик тўғрисидаги маълумотнома ёки сертификат ишга киришдаги асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Юртимизда тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Аммо уларнинг баъзилари солиқ, божхона ёки бошқа масалалардаги ҳуқуқбузарликларни содир этишяпти. Бунга аксарият ҳолларда қонундаги юридик ходимларнинг малакаси етарли эмаслиги ёки бундай ходимнинг умуман йўқлиги сабаб бўлмоқда. Кўпгина янги очилган ташкилот раҳбари ҳисобчи, кадрлар иши бўйича ходим ва бошқаларни ишга олиш ҳақида қайғуради. Ҳуқуқшунос масаласини эса бир четга суриб қўяди. Бунга аслида эҳтиёжнинг йўқлиги эмас, балки малакали юридик ходимларнинг етишмаслиги асосий сабабдир.

Шунингдек, қонунларга амал қилмаслик уларни етарли даражада тушунамаслик, нормаларга нисбатан бепасанд муносабатда бўлиш, унга ишонмаслик, давлат органлари фаолияти ҳақида маълумотларнинг етарли даражада давлат бошқарувидаги иштироки паст даражада экани билан ҳам боғлиқдир.

## Юридик кадрларни тайёрлашда монополияга чек қўйиладими?

Шу пайтгача юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобат йўқ эди. Бу миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатиб, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чеклаётганди. Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Рес-

публикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ушбу соҳани ривожланишида янги саҳифа очиб бермоқда.

— Ҳужжатта мувофиқ жорий йилда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилади ва уларга тасдиқланган квота бўйича, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қўшимча талаба қабул қилиш ҳуқуқи берилади, — дейди Тошкент давлат юридик университети доценти Ихтиёр Беков. — Шунингдек, давлат, ҳуқуқ ва сиёсий-ҳуқуқий таълим соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни амалга оширадиган Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат — эндиликда юридик кадрларни тайёрлашнинг янги бурюлма шакли жорий этилади. Яъни ҳуқуқшунос кадрларга бўлган эҳтиёж ҳар бир ҳудуд, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳалар кесимида таҳлил қилинади.

\*\*\*

Тапнинг индаллосини айтганда, қонун талабларининг бузилиши ҳар икки томоннинг ўз масъулиятини қай даражада ҳис этиши билан боғлиқ. Боиси бир кишининг ўз ҳуқуқларини тўла англаб етмаслиги бошқа бировнинг манфаатларига путур етказиши мумкин. Ўз соҳасини пухта эгаллаган юрист эса мавриди келса, ҳар кимга ўз ўрнини кўрсатиб қўйишга қодир.

Шундай экан, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, малакали юристларнинг кўпайиши жамиятга ҳам, ўзимизга ҳам фойда. Шундагина биз кўп тилга оладиган ҳуқуқий давлатни тўла бунёд эта оламиз. Акс ҳолда барча саъй-ҳаракатларимиз ҳай-баракаллачилиги қоғоз исрофидан ўзгасига хизмат қилмайди.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

## МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:




Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида биноан:

**2020/2021 йилдан бошлаб**, базавий юридик таълимга эга ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимокчи бўлган шахслар учун ТДЮУ магистратурасида масофавий, сиртки ва кечки таълим дастурлари очилади.

**2021/2022 ўқув йилидан бошлаб**, ТДЮУ қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари ТДЮУга кириш тест синовларисидан, яъни тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга бўлади.

ДХМлар томонидан биринчи чоракда 2,2 миллиондан хизмат кўрсатилди.





# Электрон пуллардан фойдаланиш қанчалик қулай?

УЛАРНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР? УЛАР БИЗГА ҚАНЧАЛИК ЗАРУР? ТИЗИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ? ХАВФСИЗЛИГИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАЪМИНЛАНГАН?

«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши электрон пуллар муомаласини, жумладан, электрон пулларни чиқариш, фойдаланиш ва уларни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. Ушбу қонун асосида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудда электрон пулларни чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари» ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида 2020 йил 29 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Хўш, электрон пулларнинг қандай афзалликлари бор? Улар бизга қанчалик зарур? Тизим қандай ишлайди? Хавфсизлиги қай даражада таъминланган? Шу каби саволлар билан **Марказий банкнинг Тўлов тизимлари департаменти директори Улуғбек Маҳмудовга** юзландик.

— Электрон пулларнинг жорий этилиши инновацион тизимли жараён бўлиб, ҳисоб-китобларни замонавий технология ечимларга

томонидан ҳисоб-китоб банкида очиладиган махсус депозит ҳисобварағида юритилади.

Эмитент томонидан электрон пулларнинг чиқарилиши учун жисмоний шахс нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда пул маблағларини тақдим этиши зарур. Ушбу пул маблағлари эмитент томонидан ҳисоб-китоб банкида очилган махсус ҳисобвараққа қирим қилинади. Жисмоний шахслар электрон пулларни тўғридан-тўғри эмитентдан ёки электрон пуллар тизимининг оператори ёхуд агенти орқали олади.

Электрон пуллар билан амалга ошириладиган ҳар қандай операциялар тўлов қилингани тўғрисидаги чек ёки бошқа ҳужжатлар, SMS-хабарнома, электрон ҳамён эгасининг электрон почтасига юборилган хат орқали тасдиқлиниши керак.

Айтиш керакки, мамлакатимиз ҳудудда тўловларни амалга ошириш фақат республикаимизда чиқарилган электрон пуллар орқали амалга оширилади. Норезидент шахсларнинг электрон пулларини айирбошлаш эса шартнома асосида бажарилади. Яна бир жиҳат — юртимиз ҳудудида эмитент томонидан чиқариладиган электрон пуллар фақат миллий валютада номиналлаштирилган бўлиши шарт.

## БИЛАСИЗМИ?

**Эмитент электрон пуллар эгасидан электрон пулларни чиқарганлик ва кўрсатиладиган қўшимча хизматлар учун улар ўртасида тузилган шартнома доирасида воситачилик ҳақи ундиришга ҳақли.**

этиш орқали пул маблағларини олишлари мумкин.

Бошқа ҳолатларда эмитент электрон пулларни нақд пулга алмаштириш ёки нақд пулсиз маблағларни электрон пуллар эгасининг банк ҳисобварағига қирим қилиш орқали қоплайди.

Эмитент ва оператор электрон пулларга рухсатсиз эга бўлиш ва (ёки) улардан рухсатсиз фойдаланганлик, шунингдек, эмитентнинг дастурий таъминоти ишдаги ёхуд тизимнинг фаолият кўрсатишидаги хатолар ёки узилтишлар оқибатида электрон пуллар эгасига етказилган зарар учун унинг эгаси олдида жавобгар бўлади.

\*\*\*

Умуман олганда, электрон пуллар тўлов хизматлари бозорини кенгайтириш орқали электрон тижоратни ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиб, хизматларни интернет тармоғи орқали реализация қилишда замонавий механизм ва тартиб-таомилларни жорий қилишга хизмат қилади. Бу ўз ўрнида маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг товарлари ва хизматларини сотиш географиясини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш учун қўл келади.

Сўхбатни «Mahalla» муҳбири **Боборовшан ҲОЗИДДИНОВ** ёзиб олди.

## ДАРВОҚЕ...



Электрон пуллар — электрон ҳамён шаклида ёки олдиндан тўланган карта (prepaid card) кўринишида эмитент, оператор ёки электрон пуллар тизимининг агенти томонидан фойдаланувчига берилади.

асосланган ҳолда тезкор ва қулай усулда амалга ошириш имконини беради, — дейди **У.Маҳмудов**. — Содда қилиб айтганда, рақамли иқтисодийэтни электрон пулларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунга асосан, унинг ҳуқуқий асоси яратилгани электрон пуллар тизими фаолиятини ташкил этиш, унинг муомаласи, тизимда рискларни бошқариш ҳамда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Электрон пуллар тизимининг ишлашини таъминлайдиган банк ёки тегишли лицензияга эга бўлган тўлов ташкилоти — унинг оператори ҳисобланади. Бундай шаклдаги пулларни чиқариш (эмитацияси) билан республикадаги банклар шуғулланади. Электрон пулларнинг ҳисоби эмитент

## Электрон пуллардан қандай фойдаланиш мумкин?

Электрон пуллардан бир электрон ҳамёндан иккинчисига белгиланган тартиб-қоидалар асосида ўтказиш йўли билан фойдаланилади.

Электрон пуллардан битта банкнинг мижозлари бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналаридан товар ва хизматлар сотиб олиш йўли билан фойдаланиш мумкин.

Бунда эмитент ёки оператор томонидан яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар учун махсус электрон ҳамёнлар шакллантирилади. Унга фақат реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлар учун электрон пулларни, кейинчалик банк ҳисобварақларига уларнинг номинал қийматига тенг бўлган пул маблағлари ўтказилади. Электрон ҳамёнлардаги пуллар мазкур тизимда қайта реализация қилинишига йўл қўйилмайди.

## Тизим фирибгарлар ўлжасига айланиб қолмайдими?

Ҳужжат билан электрон пуллар тизимида хавфсизликни таъминлаш ва рискларни бошқариш борасида эмитент ва оператор томонидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Бу қузатилиши мумкин бўлган хатарларнинг



Ўзбекистонда олтига банк хусусийлаштирилади.



# Ҳар йили картошка нархи кун тартибида туради.

## Нега?



Яхши уруғдан яхши ҳосил олиш мумкин

**К**арантин даврида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби кескин ошди. Хусусан, бозорларда картошка тақчиллиги кузатилиб, нархи кўтарилди. Айрим «уддабуронлар» шундай вазиятдан фойдаланиб, мўмай даромадни кўзламоқчи ҳам бўлишди. Аслида бу муаммо ҳар йили шу даврга келиб кузатилади. Ҳўш, бунга нима сабаб бўлмоқда? Бу ҳолатга қачон барҳам берилади? Ушбу муаммони ҳал қилиш учун қандай чора-тадбирлар кўриломоқда?

### Муаммонинг оқибати эмас, сабаблари билан курашиш керак

Ҳар йили картошка нархи ошиб кетиши билан, албатта, ҳукумат томонидан керакли чора-тадбирлар кўрилади. Хусусан, деҳқон бозорларида арзон нархларда маҳсулот сотувчи «Элга хизмат» дўкон-ярмаркалари ишга туширилади. Нархлар назоратга олинади. Аммо ҳар йилги воқелик шуни кўрсатаяптики, чоралар муаммони бартараф этмайди, унинг аҳолига таъсирини камайтиради, холос.

Демак, биз муаммонинг келиб чиқиш сабаби билан эмас, унинг оқибатлари билангина курашмоқдамиз. Шу боис маълум муддатга чекинган етишмовчилик ҳар йили яна қайта бош кўтаради. Уч-тўрт йил аввал картошка билан боғлиқ шундай ҳолат юз берган эди. Харидор топилмай, чирий бошлаган тонналаб картошка чиқиндиҳоналарга чиқариб ташланганди. Кейин уни етиштириш ҳажми пасаювди. Оқибатда нима бўлди: бозорларимизни ўз картошкамиз билан таъминлай олмай қолдик.

— Республикада ҳар йили ўртача 2,7 миллион тонна картошка етиштирилиб, шундан, 1,5 миллион тонна истеъмол учун, 500 минг тонна уруғлик учун ишлатилмоқда, — дейди **Ўзбекистон картошка етиштирувчилар уюш-**

**маси раиси Элёр Тошпўлатов.** — Афсуски, шундай бўлса-да, аҳоли истеъмоли учун йилига 300 минг тонна картошка етишмайди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, экинзорларга зараркундалар ҳужуми туфайли ҳосил янада камайиши ва эҳтиёжнинг ортиб кетишига сабаб бўлади. Шунингдек, ёнилғи ва ўғит масаласи ҳам оғриқли муаммолардан ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, аҳоли истеъмолини қоплаш учун 2019 йилда четдан 291 минг тонна (уруғлик учун — 10 минг тонна), 2020 йил январь-март ойларида эса 130 минг тонна (уруғлик учун — 12 минг тонна) картошка импорт қилинди. Бу эса, албатта, ички бозордаги нархга ўз таъсирини ўтказди. Бир сўз билан айтганда, соҳадаги муаммони ҳал қилиш учун истеъмолга етарли даражада маҳсулот ишлаб чиқариш, картошкани импорт эмас, экспорт қилиш қобилиятига эга бўлишимиз зарур. Бунинг учун эса, албатта, экин майдонларини кенгайтириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш талаб этилади.

### Янги ҳужжат муаммоларни ҳал эта оладими?

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 6 майда «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш



### ДАРВОҚЕ...

Президентимизнинг «Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2020-2021 йилларнинг қиш-баҳор мавсуми учун 235 минг тонна картошка маҳсулоти захира сифатида жамғарилади.

ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Ушбу ҳужжат айни йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириб, соҳани янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

— Қарорга биноан, республика мизнинг картошка етиштириш ҳосилдорлиги нисбатан юқори бўлган 40 та тумани (жами 40,1 минг гектар) картошкачиликка ихтисослаштирилиб, улардан 23 тасида уруғлик картошка етиштириш белгиланди, — дейди **Э.Тошпўлатов.** — Шунингдек, 2020-2021 йилларда 23 туманда, 2022-2023 йилларда эса қолган 17 туманда картошкачилик кластери ва кооперациялари ташкил этилади. Кластерларнинг асосий йўналишлари — инновацион ва ресурстежамкор технологиялар асосида яхлит майдонларда истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш ҳамда соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишдир. Бу, албатта, мамлакатимизда картошкага бўлган талабнинг қондирилишини таъминлайди. Шунингдек, маҳсулотни импорт қилувчи мамлакатдан экспорт қилувчи мамлакатга айланамиз.

Қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер ҳужаликлари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун уларга 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилиши, 2023 йил 1 июлгача бўлган муддатга четдан олиб кирилаётган уруғлик картошка божхона божидан озод этилиши белгиланди. Шубҳасиз, давлат томонидан тақдим этилаётган бундай имтиёзлар картошкачиликни сердаромад соҳага айлантиради ва деҳқонларимизнинг ғайратига-ғайрат қўшади.

Санжар ЭШМУРОДОВ  
«Mahalla»

Апрель ойида озиқ-овқат маҳсулотлари нархи 3,3 фоизга ошган.



Тунов хуни болаликдан бирга ўсган дўстим қўнғироқ қилиб, фарзанди бетоб бўлиб қолгани, имкон бўлса, қарз бериб туришимни илтимос қилди. Карантин даври бўлгани учун сўралган маблағни пластик картаси орқали ўтказиб бермоқчи бўлдим. Аммо ҳар қанча уринсам ҳам пул ташлай олмадим. Кейин билсам, «Uzcard» пластик картасидан «Нито» картасига тўғридан-тўғри пул ўтказиб бўлмас экан...

# «НМО» ТЎЛОВ ТИЗИМИ фаолиятдан аҳоли нега норози бўлмоқда?

Этибор берсак, сўнгги вақтларда аҳоли ўртасида «Нито» тўлов воситаси, унинг қулайлиги юзасидан турли-туман хабарлар кўпайгандан, кўпаймоқда. Мисол учун, баъзилар мен каби ушбу тўлов тизимидан фойдаланиш қулай эмаслиги ҳақида гапирса, айримлар ўзи фаолият юритаётган муассаса ходимларини бу тизим карталарига мажбуран ўтказилаётганини гапирмоқда.

## «Нито» тўлов тизимини ташкил этишдан мақсад нима эди?

— Аввало шуни айтиш лозимки, бу тўлов тизими ички бозорда мавжуд ва фаолият юритиб келган тизимга ўхшаш яна битта хизматни ишга тушириш мақсадида ташкил этилмаган, — дейди Банкараро миллий процессинг маркази директори Шўхрат Қурбонов. — Биламизки, ҳозирда юртимиздаги аксарият маҳаллий банкларда процессинг марказлари VISA ва MasterCard тизимида эмиссия қилинган карталар учун ишлайди, холос. Олдимизда турган асосий мақсад банклар ўз процессинг марказларида «Нито»ни ҳам ишлатиш имконига эга бўлсин. Шу боис «Нито» тўлов тизимига ҳар қандай банк учун АПИ уланиш имкони берилди. Агар техник носозлик юз берса, бу локал муаммо сифатида қолади ва биз учун бегона бўлмаган ҳолат — бутун тизим ишдан чиқмайди. Шунингдек, ҳозирда чет давлатларда харидор банк картасини терминал ичига суқмасдан, контактсиз тўлов ёки умуман телефон орқали тўловларни амалга оширади. Бизда эса, аксарият терминаллар ҳалигача фақат бир хил — сўмда ишлайдиган карталар қабул қилиши мумкин. Шу боис «Нито» ёрдамида мамлакатимизда ҳам контактсиз тўловлар жорий қилиш орқали қулай ва арзон тўлов

тизимини ташкил қилишни режа қилганмиз.

## Нега «Uzcard» пластик картасидан «Нито» картасига пул ўтказиб бўлмайди?

Бугун «Нито» пластик картаси фойдаланувчилари билан гаплашсангиз, тўлов тизимининг ноқулайлигидан арзу дод қилишади. Хусусан, «Uzcard» тўлов картасидан «Нито» картасига пул ўтказиб бўлмаслиги ёки аксинча ҳолатлар одамларга муаммо келтириб чиқармоқда.

— Икки хил тизимда ишлайдиган карталардан бири-бирига пул ўтказишда муаммолар борлиги рост, бироқ бу гаплар тўла асосга эга эмас, — дейди Шўхрат Қурбонов. — Мисол учун, бугун Payme тўлов тизимидан фойдаланган ҳолда «Нито» тўлов картасидан «Uzcard»га пул ўтказиш хизмати мавжуд. Шунингдек, фуқаро қўл телефони орқали ўзи мижоз бўлган банкнинг мобил иловаси ёрдамида ҳам картадан картага пул ўтказиши мумкин. Айни кунларда «Uzcard»дан «Нито» тўлов картасига пул ўтказиш ва бу амалиётни Click хизмати орқали амалга ошириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

## Тизимдаги носозликларга нима сабаб бўлди?

Яна бир гап. Шу кунларда кексаларнинг пенсия пуллари ёппасига «Нито» пластик картасига ўтказилаётгани, баъзи ҳудудларда бунга мажбурланаётгани ҳақидаги гап-сўзлар тинмаяпти.

Банкараро Миллий процессинг маркази (БМГПМ) томонидан берилган маълумотларга кўра, марказ пластик карталарни муомалага чиқариш, банкоматлар, терминаллар ўрнатиш билан шуғулланмайди.

Қай турдаги картани чиқариш ва уни кимга беришга оид қарорлар эса банк фаолияти доирасида қабул қилинади. БМГПМ карталарни фақат банк томонидан берилган буюртмадаги микдорга асосланиб чиқаради. Бундан кўринадики, қайсидир банк тўлов тизимининг хусусиятлари ва унинг имкониятларини ҳисобга олмаган ҳолда карталар чиқаришга қарор қилса, бунинг учун ўша банк жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак.

Шунингдек, жорий йил 7 ва 8 май кунлари, соат 11:00 дан 13:00 оралиғида POS терминаллари орқали тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар кузатилди. Бунга эса пул маблағларини пенсия карталарига ўтказиш операцияларининг ўсиши, банк кассалари ва банкоматлари орқали пул маблағларини нақдлаштириш хизматларига талабнинг юқорилиги сабаб бўлган. Бу ҳолатлар кескин ва қисқа муддатли носозликларга, яъни натижа-сиз банк операциялари сонининг ўсишига олиб келди.

## Пенсия пуллари тўлиқлигича етказиб берилди

— ЖССТ маълумотларига кўра, қоғоз буюмларда коронавирус инфекцияси 4-5 кунгача сақланиб қолади, — дейди «Халқ банки» Бошқаруви Раиси Фарҳод Саломов. — Айниқса, бу инфекция кекса ёшдаги одамларга тез юқиши ва уларда касаллик оғир кечиши мутахассислар томонидан кўп бора айтилди. Шу боис республика махсус комиссияси қарорига кўра, пенсия ва нафақа пуллари вақтинчалик зарурий чора сифатида пластик карталарга ўтказилаётган эди. Қисқа муддатда 619 мингта, яъни 377 мингдан зиёд «Нито» ва 242 мингдан ортиқ «Uzcard» пластик карталари очилиб, пенсия ва нафақа олувчи фуқароларга тезкорлик билан етказилмоқда. «Нито» тўлов тизими билан боғлиқ юзага келган ноқулайликлар учун «Халқ банки» барча пенсионерлардан узр сўрайди ва пенсия пулларинингизни тўлиқлигича етказишни таъминлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида мамлакатимизда карантин талабларини хушёрликни

оширган ҳолда янада юмшатиш, иқтисодиёт тармоқларини босқич-ма-босқич ишлатиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш чора-тадбирлари юзасидан 13 май куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда аҳоли, айниқса, пенсионерларнинг мурожаатлари ҳисобга олиниб, иш ҳақи, нафақа ва пенсиялар, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда, нақд пулда тарқатилиши белгиланди.

## Пластик карталар Online тизимига ўтаётганда ҳам муаммолар бўлган

Мамлакатимизда тўловларни пластик карталар орқали амалга ошириш тизими йўлга қўйилган илк йилларда аҳоли Offline режимда ишлайдиган DUET пластик карталардан фойдаланар эди. Айтиш керакки, ушбу пластик карталарнинг имкониятлари чегараланган бўлиб, картага тушган маблағни юклас банкоматлар орқали амалга оширилди, мабодо қурилма ишламай қолса, мижоз қайта-қайта сарсон бўларди. Қолаверса, DUET пластик картадан пул ўтказиш, онлайн тўловларни амалга ошириш имкони йўқ эди. Кейинчалик тўлов карталари Online тизимга ўтказилди. Эласак, ўша кезларда ҳам ўзгаришлар аҳолига унчалик ёқмаган. Бироқ кейинчалик ушбу тўлов карталарининг аввалгисидан анчайин қулай эканлигини тушуниб етдик ва бутун бу бизга анчайин асқатмоқда.

Айтмоқчимизки, бироз вақт ўтгач, «Нито» тўлов тизимининг афзал эканлигини тушуниб етганимиз. Чунки «Нито» халқаро тўлов тизимларига хос принципларга асосланган бўлиб, хусусан, PIN кодни киритмасдан тўловларни амалга ошириш имконининг мавжудлиги, контактсиз тўлов, мижозни идентификация қилмасдан карта ҳисобини масофадан бошқариш имконининг берилмаслиги каби қулайликлар барчамиз ўрганган тажрибадан мутлақо фарқ қилади. Фақат бу тизимнинг тўлиқ ишга тулиши учун маълум муддат талаб этилади.


Саъдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

ДАРВОҚЕ...

Бугунгача Ўзбекистон бўйлаб 180000дан ортиқ «Нито» терминали, 2800дан ортиқ банкомат ўрнатилган.

Банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тасдиқланди.





# Ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилади

БУ ФАННИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ НОМИ ВА ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКАН, ДЕМАК, ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР ҲАМ ШУНГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК

**Д**авлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 майда қабул қилинган «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан соҳага доир 10 та муҳим устувор йўналиш белгилаб берилди. Бу йўналишлар таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача таълимдан бошлаб барча таълим муассасаларини жаҳондаги энг нуфузли марказларга айлантириш вазифаси қўйилди.

## Салоҳият етарли, ҳаракат ҳам шунга яраша бўлиши керак

Математика — чегараси йўқ уммон. Аниқ манتيкий мушоҳадаларга асосланадиган бу фан барча соҳаларга бевосита ёки билвосита дахлдордир. Бу фаннинг тараққий этиши Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал-Фарғоний, Мирзо Улугбек сингари буюк аждодларимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ эканини бутун дунё

Бирок йўналишда ечимини топмаган қатор масалалар ҳам борки, бу таълим сифати ва илмий-тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Математика фанининг таълим олиш босқичлари ўртасидаги узвийлиги тўлиқ таъминланмаган. Соҳадаги илмий-тадқиқотнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги заифлигича сақланиб қолаётир. Олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқаси миллий математикани жаҳон миқёсига олиб чиқиш, халқаро ҳамжамиятда нуфузини ошириш учун етарли эмас.

Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарори айна масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжатни бутунги куннинг муҳим қарорларидан бири, деб биламиз.

## Математиклар мактабдан етишиб чиқади

Қарорга мувофиқ, ҳар бир ҳудудда математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилади. Уларга ўқувчилар фақат танлов асосида саралаб олиниши эса жуда тўғри қарордир. Сабаби, танлов ҳалол, тўғри бўлса, албатта, танлаб олинган ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқиши юқори бўлади. Бу типдаги мактаб битирувчилари тегишли ОТМларнинг математика таълим йўналишларига белгиланган мақсадли параметрлар бўйича ўқишга қабул қилиниши эса, ўз

навбатиди, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишини янада оширади.

Ортимиздаги математика фанига ихтисослаштирилган мактабларнинг ҳаммасида ҳам натижа юқори даражада эмас. Эндиликда уларнинг ўқув дастурлари ва режалари, моддий-техник таъминоти, кадрлар захираси тубдан қайта кўриб чиқилади. Ушбу янги мактабларда замонавий педтехнологиялар қўлланилади. Ихтисослаштирилган мактабларнинг директори тегишли туман (шаҳар) ҳокими-нинг иқтисодий ва бошқарув жараёнларига математик усуллар ва моделларни жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиши Президентимизнинг таълимга бўлган юксак эътибори, педагогларга билдирган қатта ишончидир, албатта.

Шунингдек, математика фанидан таълим беришнинг онлайн платформаси яратилиб, масофадан ўқитиш тизими самарадорлиги оширилади, баҳолаш тизимининг шаффофлигини таъминлайдиган механизмлар жорий қилинади.

## Олимларни нима қийнамоқда?

Математикада илм-фани ривожлантириш учун, албатта, салоҳиятли кадрлар керак. Бунда Фанлар академияси Математика институти муҳим ўрин тутаяди. Айни пайтда бу ерда 7 та лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Бу манзил олимлар изланадиган, янгидан-янги ишланмалар яратадиган маскандир.

Математика шундай фанки, унга доим ижодий илҳом керак. Олимнинг фикри доим ўз тадқиқоти билан банд бўлади. Афсуски, олимларни илмий ижоддан тўсаядиган баъзи ижодлар ҳам борки, айтиб ўтиш ўринли. Очиғи, қорғозбозлик, қисқа муддатли ҳисоботлар унинг вақтини ўғирлаб,

диссертацияси чўзилишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқотчи йилнинг биринчи чорағиди бунди, кейингисиди уни, йил охиригача эса барчасини охирига етказаман, дейиши мантиқан нотўғри. Чунки исботламоқчи бўлган аргументининг тўғри-нотўғри эканини математик аввалдан билмайди. Бу фанда шу қадар мураккаб масалалар борки, юзлаб йиллар давомида олимлар охирига етолмаган.

Яна бир масала — мактаб таълими тизимида дарсликлар сифатига қанчадан-қанча эътирозлар бўлди. Бу масала ечимини топар, бироқ фақат дарслик билан чегараланиб қолиш ўқитувчи учун фожиа эмасми? Ўқитувчи дарсга ижодий ёндашиши, ҳар бир мавзунини ҳаётий мисоллар билан боғлаб ўтиши, ўқувчининг ўзлаштириш хусусиятини билган ҳолда, аудиторияга мос баён қилиш услубини танлаши зарур. Иқтидорли ўқувчилар алоҳида гуруҳга ажратилса, улар учун мукамал дарслик яратилса, таълимга умумий шаклда ёндашиш, давлат маблағини беҳудага сарфлашдек салбий ҳолатга чек қўйилар эди.

\*\*\*

Математика — жуда кенг соҳа. Ҳозирги даврда ҳар бир соҳани, ҳар бир фанни математикасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий оласизми, қишлоқ хўжалиғи, оғир ва енгил саноатми, албатта, математика билан боғлиқ. Рақамли иқтисодий, IT-технологиялар, компьютер техникаси — барчаси математикага асосланган. Айни жиҳатдан ҳам, Президентимизнинг юқоридаги қарори бугунимиз, мамлакатимиз эртаси учун тарихий аҳамиятга эга бўлди, десак муболага бўлмайди.

**Ўтқир РОЗИҚОВ,**  
ЎзФА Математика институти директори ўринбосари, физика-математика фанлари доктори, профессор.

## ДАРВОҚЕ...



Президентимизнинг Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти таъсис этилиб, у икки йилда бир марта фундаментал соҳадаги, ёшлар ўртасидаги ҳамда иқтисодийнинг реал секторидидаги муаммонинг ечимини таъминлаган тадқиқот учун берилади. Бунда ҳар бир йўналиш бўйича совриндорларга 50 минг АҚШ доллари миқдорига пул мукофоти тақдим этилади.

Бундай моддий рағбатлантириш жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида ҳам йўқ. Дунёда бу даражадаги энг кўп мукофот 10 минг АҚШ доллари этиб белгиланган.

олимлари эътироф этади. Демак, қўлга киритиладиган натижалар фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун жаҳон учун янгилик бўлиши лозим. Илмий салоҳиятимиз етарлими, ҳаракат ҳам шунга яраша бўлиши керак.


Сир эмас, математика 2020 йилдаги илм-фани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди, соҳани янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди.

Навоийда йилига 30 минг дона автомобиль ишлаб чиқарадиган корхона ишга тушади.



# ЎҚУВ ЙИЛИ

## ЯКУНИГА ОЗ ҚОЛДИ, ТАЛАБАЛАР ВА АБИТУРИЕНТЛАР НИМАДАН ХАВОТИРДА?



Коронавирус пандемияси барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам янгича ёндашув билан ишлашни тақазо этди. Шу боис таълим тизимига масофавий технологиялар жорий қилиниб, 10 мингдан зиёд таълим муассасасидаги 7 миллион ўқувчи ва 500 минг талабага онлайн дарс бериш йўлга қўйилди. Бу янги механизм карантин шароитида ҳам фанларни ўз вақтида ўзлаштиришни таъминлаб бермоқда.

Энди жорий ўқув йилини таъминлаш вақтида яқунлаш вазифаси турибди. Умумтаълим мактабларида дарс жараёнлари онлайн шаклда яқунлашилди маълум қилинди. Бироқ академик лицей, коллеж ва олий таълим муассасаларида-чи? Якуний имтиҳонлар, абитуриентларнинг ҳужжат топшириш жараёни қай тартибда амалга оширилади? Бу борада таҳририятимизга қўйлаб саволлар келмоқда. Саволларга жавоб олиш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига мурожаат қилдик. Қўйида

### Талабалikka қабул қилиш жараёнида ўзгариш борми?

– Бу йил абитуриентлар қай тарзда ҳужжат топширишади? Имтиҳонлар қандай тартибда ўтказилади?

– Маълумки, 2020 йилдан кириш имтиҳонлари жами 5 та – учта мажбурий ва иккита мутахассислик фани бўйича ўтказилиши белгиланган эди. Лекин карантин шароити ёшларнинг имтиҳонга тўла тайёргарлик кўриш имкониятини ҳам чеклади. Шу боис жорий йилнинг 30 апрель куни Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишда белгиланган топшириқлар ва тасарруфида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирилик, идора, ташкилотлар томонидан киритилган тақлифлар асосида абитуриентларга масофадан, онлайн шаклда, интернет орқали ҳужжат топшириш имкониятини яратиш, кириш тест синовларини содда шаклда ва қисқа вақт ичида ўтказиш каби энгилликлар яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Абитуриентларни қийнаб қўймаслик мақсадида фақат 2020-2021 ўқув йили учун истисно тариқаси-

да қабул тест синовлари мажбурий фанларсиз, 2 та мутахассислик фанларидан ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу 2 та мутахассислик фанлари 2019 йил декабрь ойида белгиланган тартибда тасдиқланиб, кенг жамоатчиликка эълон қилинган эди.

Кейинги ўқув йилидан бошлаб, ҳамма жараён белгиланган тартиб-қоидалар асосида бўлишини тақдоран эслатиб ўтамыз.

### Контракт пули тўламаган талабага диплом берилмайдими?


– Олий таълим муассасаси битирувчи курс талабаларига контракт пулларини тўлаш керак, демоқда. Агар тўланмаса, талаба якуний назоратларга киритилмайди ва унга битирганлик тўғрисидаги диплом берилмайди, деб эшитдим. Шу тўғрими?

– Олдин ҳам айтганимиздек, карантин даврида ўқув йили учун тўлов-контракт пулларини тўлиқ тўлашга улгурмаган талабалар ўқишдан четлатилмайди. Бу битирувчи курс талабаларига ҳам тааллуқли. Ҳар бир олий таълим муассасаси ўзининг молиявий имкониятидан келиб чиқиб, контракт тўлови муддатини мустақил узайтириш ваколатига эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб тўловларни тўлиқ амалга оширмаган битирувчи курс талабалари шартли равишда, истисно тариқасида якуний назоратларга киритилиши мумкин, лекин уларга ўқув йили учун белгиланган тўловни тўлиқ амалга оширилганларидан сўнг олий таълим муассасасини тугатганлиги тўғрисидаги тегишли диплом берилади.

### Академик лицей ва коллеж битирувчилари имтиҳонларни қандай топширишади?

– Академик лицей ва



### Коллежларда якуний давлат аттестациялари имтиҳонлари қай тарзда ўтказилади?

– Якуний давлат аттестацияларини ўқув режага мувофиқ, онлайн тест шаклида ўтказиш режалаштирилган. Академик лицей ўқувчилари учун давлат имтиҳонлари шаклида 60 та тест (Ўзбекистон тарихи фани, йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган фанлар)дан иборат тестлар тўплами блокларга ажралган ҳолда, кўп вариантлик принципи асосида ишлаб чиқилади ва ўқувчилар масофавий тарзда интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда имтиҳон топширадилар.

Коллеж ўқувчилари ҳам 2019/2020 ўқув йили учун истисно тариқасида, якуний давлат аттестациясини онлайн тарзда ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шу билан бирга, малакавий ишни бажарган битирувчилар ўз тақдирларини интернет тармоғи орқали касб-ҳунар коллежларига тақдим этишлари мумкин бўлади.

### Магистрлар диссертациясини қандай ҳимоя қилади?

– Магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг магистрлик диссертациялари ҳимоялари қандай тартибда ўтказилади?

– Магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг магистрлик диссертациялари ҳимоялари ZOOM ёки бошқа дастурлар орқали масофавий шаклда ўтказилади.

### Минг ўринли биноларда имтиҳон топшириш хавфи эмасми?

– Коронавирус пандемияси пайтида минг ўринли катта биноларда имтиҳон олиш жараёнлари инфекциянинг кенг тарқалиш хавфини келтириб чиқармайдими?

– Алоҳида таъкидлаш керакки, инфекция бутунлай бартараф этилмаган шароитда абитуриентларнинг 1000 ўринли биноларда 3-4 соат қолиб кетишига йўл қўйилмайди. Шунинг учун ҳам мажzur ўқув йилида тест синовлари ўтказила-

диган биноларда кўпи билан 700 тагача ўрин тайёрланади. Ҳар бир абитуриент учун камида 3 кв.м. жой ажратилади, санитария-гигиена талабларига биноан, уларда никоб, қўлқоп билан тестда иштирок этиши таъминланади. Абитуриентнинг тана ҳарорати ўлчангач, бинога киритилади. Бинолар камида 4 марта дезинфекция қилинади. Қайд этилган ушбу жараён ҳам карантин чекловлари бутунлай олиб ташлангандан сўнг амалга оширилади.

### Алоҳида иқтидор талаб этиладиган йўналишларда-чи?

– Алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига талабалikka қабул қилиш жараёнларида ўзгаришлар борми?

– Алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига ҳужжатлар топшириш муддатларига ўзгартиришлар киритилмаган. Ўтказиладиган имтиҳонларни соддалаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилмоқда. Абитуриентлар ижодий имтиҳонга фақат бир марта келиб кетади.

### Магистратурага ҳужжат топшириш ҳам ўзгардимми?

– Магистратурага кириш учун ҳужжатлар топшириш жараёни қандай ўтказилади ва муддатларида ўзгаришлар бўладими? Имтиҳон жараёнлари-чи?

– Магистратурага кириш учун ҳужжатлар белгиланган тартибда 1 июлдан 30 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб магистратурага кириш учун абитуриентларга электрон тарзда ҳужжатларни топшириш имкониятлари яратилади.

Магистратурага кириш имтиҳонлари карантин тадбирларидан келиб чиққан ҳолда Низомда белгиланган шаклларда ёки тест шаклида ўтказилиши мумкин. Кириш имтиҳонлари натижалари муайян олий таълим муассасаларининг расмий веб сайтларида эълон қилинади.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

Ёшларни илм-фанга йўналтирувчи янги лойиҳа ишга тушди.



# Коррупция геология соҳасига ҳам ёхуд янги давр соҳадаги



**М**амлакатимизда охириги уч йилда геология соҳасини тубдан ислох қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Тармоққа ажратилган маблағлар 3 баробарга ошди. Усуналарнинг учдан бир қисми янгиланиб 850 тадан зиёд илғор ва инновацион технологиялар жорий этилди. Шунингдек, геология ишларининг бошланғич босқичида замонавий ГИС-технологиялари асосида дунёда тан олинган Global-Mapper, Erdas, ENVI дастурлари ва юқори аниқликдаги Landsat, Aster космосуратларидан фойдаланиш жорий этилди. Бу усуллар анча чуқур қатламлар ҳақида юқори аниқликда маълумот олиш ҳамда катта ҳудудларни қисқа муддатда ўрганиш имконини бермоқда.



## ДАРВОҚЕ...



✓ Жорий йилда 200 та янги қудуқда сув сарфни, 400 та қудуқда ерости сув сатҳини онлайн мониторинг қиладиган тизим жорий этилиб, ерости сувларининг интерактив харитаси яратилади.

✓ Йил якунигача 2,5 минг квадрат километр майдонни космик тасвирлар орқали, 5 минг квадрат километр майдонни аэрогеофизика усули орқали геологик ўрганиш ишлари олиб борилади.

✓ Ерости сувларидан ноқонуний (рухсатномасиз) қудуқ бурғулаб, фойдаланётганларга маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Рухсатнома Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг «Рухсатнома бериш тартиб-таомиллари» бўлими ва «Ўзбекгидрогеология» ДУКнинг ҳудудий гидрогеология мутахассислари томонидан берилди.

Хўш, Менделеев жадвалидаги барча кимёвий элементлар мавжуд Ўзбекистонда қанча қон ва шахталар фаолият кўрсатмоқда? Истиқболда яна қанча қонлар очилиши режалаштирилган? Табиий бойликларимиз захираси қай даражада? Шу ва бошқа саволлар билан Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси ҳузуридаги Х.М.Абдуллаев номидаги **Геология ва геофизика институти директори, геология-минерология фанлари доктори Анварбек НУРХҲҲАЕВ** га мурожаат қилдик.



– Бугунги кунда мамлакатимизда 2000 дан ортиқ турли элементларга бой бўлган маъданли ва номаъдан қонлар очилган бўлиб, улар ишлаб чиқаришга кенг жалб этилган. Ўтган йилнинг ўзида 31 та қон ўзлаштиришга тайёрланиб, 17 хил фойдали қазилма қонларининг мавжуд захиралари кўпайтирилди. Буларнинг аксарият қисмини қимматбаҳо ва рангли (олтин, қумуш, мис каби моддалар) элементлар ташкил этади.

Дарвоқе, охириги йилларда геология соҳасига эътиборнинг ошиши ва иқтисодийнинг жадал ривожланиши билан янги қонларга эҳтиёж ва уларнинг очилиши кўпайиб бормоқда. Ҳар йили ўртача 100 дан ортиқ ҳар хил турдаги фойдали қазилмаларнинг янги қонлари очилмоқда. Олтин, мис, кўрғошин-руҳ, уран каби фойдали қазилма қонларининг 70-80 фоизи ўзлаштиришга жалб этилган. Уларнинг захираси ҳам анча юқори. Масалан, олтин захираси 50 йилдан, мисники 100 йилдан кўпроққа етади. Мавжуд фойдали

қазилмаларнинг минерал-ҳомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш билан бирга янги турдаги, бизда ҳали қонлари очилмаган фойдали қазилмаларга ҳам геология қидирув ишлари олиб борилмоқда. Нодир элементлар, платина гуруҳи металлари, никел-кобальт шулар жумласидан.

XX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Қизилқум, Нурота, Чотқол-Қурама ва бошқа тоғларда геологлар томонидан очилган, улкан захирага эга бўлган қонларнинг барчаси ер юзасига чиқиб турган ёки унча чуқур бўлмаганини эътиборга олсак, ҳали яқин келажакда геологлар излайдиган хазиналар, амалга ошириладиган ишлар мисли кўрилмаган миқёсда кенг. Чунки ер юзасида топишган қон унинг чуқур қатламларида бундан-да мўл, бундан-да бойроқ бўлишига ишоради.

– **Нима учун геология соҳасида катта валюталар ҳисобига чет эллик мутахассисларни жалб этилди? Бу соҳада мутахассисларимиз йўқлигиданми ёки моддий-техник базамиз, яъни технологияларимиз замонадан орқада қолганиданми?**

– Тўғриси айтиш жоиз, мустақиллик йилларида юзага келган айрим салбий ҳолатлар геология соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Яъни етук мутахассислар-

нинг етишмаслиги, молиявий-моддий таъминот, замонавий техника-технология каби танқисликлар юзага келди. Геология қидирув ишлари, қон излаш, геологларнинг дала шароитидаги меҳнатининг ижтимоий масалаларига ҳам эътибор камайди. Бу эса, айрим етук мутахассисларнинг чет элга кетишига сабаб бўлди.

Кейинги уч йилда геология қидирув ишларидаги моддий-техник таъминот ижобий томонга ўзгарди. Ҳозирги замон талабларига мос бурғулаш ускуналари ва оғир техника геология қидирув ишлари суратини ўзгартиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, олинган намуналарни таҳлил қилиш бўйича лаборатория ускуналари ҳам янгиланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси геология қидирув ишлари самарадорлиги ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлишга олиб келмоқда.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 31 январь куни Фанлар Академияси раҳбарияти, илмий-текшириш муассасалари раҳбарлари, илмий-ҳодимлар ва ёш мутахассислар билан математика, биология, кимё ва геология фанларини ривожлантиришга бағишланган учрашуви кўп йиллардан бери тўғрилиб қолган баъзи жумбоқли масалаларни ҳал қилишга



«Қутадғу билиг»нинг тўлиқ табдил қилинган наشري чоп этилди.



# Таъсир кўрсатди...(ми?) муаммоларни ҳал қилмоқда

хизмат қилди. Энг муҳими, илмий жамоатчиликда ўз фаолиятига танқидий баҳо бериш, янгича ёндашув, асосий эътиборни илмий изланишлар ва лойиҳаларнинг натижадорлигига қаратиш ва қулай ижобий илмий муҳит шаклланишига замин яратди.

Албатта, бу ишларнинг негизида ҳар бир мутахассис ўз фаолияти доирасида муносиб молиявий таъминотга эга бўлиши иш унуми сурати олиши ва оиласидаги хотиржамлик барқарор бўлишини таъминлайди.

Соҳадаги ишларни изчил давом эттириш мақсадида жорий йилда геология-қидирув ишларига 1,6 триллион сўм ажратилди. Яқинда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раислигида геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва галдаги вазифалар муҳофазатига бағишланган йиғилишда йил якунига қадар олтин ва қумуш ресурслари, мис ва 8 турдаги нурда бойликлари захираларини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун техникаларни янгилашни давом эттириш керак. Масалан, замонавий ускуналарни қўллаш ҳисобига бургулаш чуқурлигини 800 метрдан 1200 метрга етказиш, иш самарадорлигини эса 1,7 бараварга кўпайтириш мумкин. Шу боис жорий йилда геофизика, бургулаш, тоғ-кон ва лабораторияда қўлланиладиган 385 та ускуна модернизация қилиш бўйича топшириқ берилди. Йил якунига қадар 16 та истиқболли майдонни аниқлаш, 23 та янги кон захираларини тасдиқлаш вазифаси қўйилди.

**– Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Геология фанлари университети соҳадаги кадрлар масаласи ҳамда илмий-тадқиқот йўналишидаги муаммоларни қай даражада ҳал этади? Шу кунга қадар ҳам бу борада мутахассислар тайёрланаётган эди-ку?**

– Шу вақтгача геология соҳаси бўйича кадрларни тайёрлаш Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети тегишли факультетлари зиммасида эди. Бугун ҳар икки таълим масканини битирган кўпгина мутахассислар дунёнинг

турли давлатларида самарали меҳнат қилаётганини инкор этмаган ҳолда олий таълим тизимида илдиш отган коррупция геология соҳасини ҳам четлаб ўтмаганини таъкидлаш лозим. Натижада билими саёз, қизиқиши йўқ талабалар бу соҳага келиб қолди.

Ҳўш, республикада кўп йиллик тажриба ва нуфузга эга бўлган икки гигант таълим муассасаси бўлсаю, яна қўшимча таълим маскани очиб зарурати бормиди? Бор. Биринчидан, бу университет тармоқ таълим масканидир. Яъни мутахассисга буортма Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси томонидан берилган



Иккинчидан, университет тизимида соҳанинг 4 та илмий таълим институти киритилади. Бу таълим билан илмий изланишлар интеграциясини таъминлайди. Учинчидан, университетдаги таълим тизими Россиянинг Санкт-Петербург кончилиги университетидаги илгор таълим стандартлари ва ўқув дастурлари асосида ташкил этилади. Туртинчидан, ушбу таълим муассасаси орқали нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё минтақасида мулақо янги таълим кластери компус шаклида жорий этилади. Ўйлайманки, мазкур ҳолатлар жаҳон андозасига мос келувчи, рақобатбардор мутахассисларни тайёрлашга замин яратади. Натижада иқтисодиёт ривожланишига муносиб ҳисса қўшади.

**– Геология соҳаси қишлоқ хўжалиги ерларини сув билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Яқинда Президентимиз геология соҳаси бўйича ўтказган йиғилишда 3 минг гектарга сув чиқариш учун 70 та кудуқ бургулаш бўйича вазифа қўйди. Нима**

**учун шу вақтга қадар фойдаланилмай ётган минглаб гектар майдонлар ва сувсиз аҳолини сув билан таъминлашда ушбу тажриба қўлланилмаган? Бунга қандай омиллар сабаб бўлган?**

– Мустақиллик даврида асосий эътибор гидрологик тизимга, яъни ерусти сувларидан фойдаланишга қаратилди. Шу сувлар ҳисобига қишлоқ хўжалик тизимини ривожлантириш асосий мезон ҳисобланган. Гидрогеологик тизим эса, яъни ерусти сувларидан сўғориш ишлари сифатида фойдаланиш эътибордан четда қолди. Кийинги уч йилда интенсив боғларни яратиш, тоғолди ҳудудларда боғдорчилик ёки ўрмонларни ташкил этиш жадал ривожланиб бормоқда.

Натижада сўғориш тизими янги сифат кўрсаткичига, сувдан тежаб фойдаланиш тизимига ўтилди. Бунинг учун эса ерусти сувларидан ичимлик суви сифатида (яроққиллари) ва сўғорма ерларни ўзлаштириш учун янги кудуқ конлари топилмоқда.

Бугунги кунда ерусти сувларини мониторинг қилиш ва кадастрини юритиш ҳам такомиллаштирилди. 250 та кузатув кудуғида ерусти суви параметрларини масофадан автоматик ўлчаш қурилмалари ўрнатилди.

**– Геология соҳасида қандай муаммолар бор? Уларни ҳал этишда яна нималарга эътибор қаратиш лозим?**

– Геология соҳасини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, геология соҳаси таълими, илм-фан ва саннат интеграциясини таъминлаш орқали илм-фанни ривожлантириш, фундаментал ва амалий лойиҳалар натижадорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришга жалб этиш зарур. Иккинчидан, геология тизимини замонавий техника ва технология, шу жумладан, лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш лозим. Учинчидан, геология-қидирув ишларига аэрогеофизика ва аэрокосмик суратлардан фойдаланишни кенг жалб этган ҳолда конлар таркибидаги фойдали элементларни максимум даражада бойитиш учун илгор технологияларни татбиқ этиш керак.

Энг муҳими, геолог мутахассисларнинг молиявий таъминот тизимини жорий этиш лозим.

**Рустам ЮСУПОВ**  
суҳбатлашди.

## БИЛАСИЗМИ?

**Ўзбекистонда нечта геопарк экотуризм манзиллари бор?**

Геотуризм экологик туризмнинг турдоши сифатида шаклланишлари миллион йиллар ҳисобланган геологик объектлар назарда тутилади. Геотуризмнинг асосий объекти бўлиб геопарклар ҳисобланади. Геопарк – бу табиий бўлган паркиннг бир тури бўлиб, табиатнинг геологик ёдгорлиги ҳисобланади ҳамда мамлакатнинг миллий, маданий ва



тарихий бўлган бойликларининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқилади.

Геопаркларни ташкил қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида, биринчи навбатдаги манзиллар аниқланди:

– Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган «**ОРОЛ**» потенциал геопарки. У ерусти сувлари, гравитация ва атмосфера жараёнларининг (муҳим даражада шамолнинг) биргаликдаги ўзаро таъсирлашишлари натижасида ҳосил бўлган рельефининг ўзига хос морфологик тузилиш шакллари билан қизиқарли. Табиий жараёнлар ва салбий антропоген таъсирларнинг оқибатлари натижасида, катталиги бўйича дунёда иккинчи бўлган окмас шўрсувли ҳавзанинг деградациясига мисол сифатида халқаро аҳамият касб этиши мумкин.

– «**СУЛТАН УВАЙС**» потенциал геопарки, кечки бўр-палеогенга хос (70 млн. – 55 млн. йил) ўсимликларнинг тошқоттан поя ва бандлари; кечки бўр ёшидаги умуртқасизларнинг (аммонитлар, гастропода, денгиз қирпилари ва б.) ва умуртқалиларнинг (балиқлар, турли динозаврларнинг тарқок қисмлари ва б.) қолдиқлари билан қизиқарли.

– Фарбий Ўзбекистоннинг Нуфота ҳудудида жойлашган «**БОГАМБИР**» потенциал геопарки. Бу ерда эрта палеозой ёшидаги (470-460 млн. йил) юмшоқ баданли организмларнинг қолдиқлари, (800-460 млн. йил) ёшга хос умуртқасиз организмларнинг кўп сонли қолдиқлари, анча навқирон ёшлардаги (440-300 млн. йил) турлича беҳисоб қолдиқлар мавжуд.

– «**ҲИСОР**» потенциал геопарки Жанубий Ўзбекистонда жойлашган. Бу ерда юра давридаги (200-160 млн. йил) қадимий денгизга хос коралл рифлари учрайди. Шунингдек, бу ерда палеолит эпохасидаги петроглифлар ва қадимги қабрлар бўлган ғорлар қизиқарлидир.





2019 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида газетамизда Самарқанд вилоятининг айрим маҳаллаларида юзга келган ва ечимини кутаётган турли-туман муаммолар хусусида бир қатор танқидий-таҳлилий мақолалар эълон қилинди. Мазкур чиқишларда жойлардаги мутасадди раҳбарларнинг шу масалалар юзасидан жавоблари, уларни бартараф этиш бўйича берган ваъдалари ҳам қайд этиб ўтилганди. Хўш, газетадаги танқидлардан сўнг вазият қайси томонга ўзгарди?

## Олис маҳаллалар раҳбарлар қадами етсагина обод бўладими?

### «Айтавериб чарчадик, барибир бефойда...»

Жумладан, газетамизнинг 2019 йил декабрь ойидаги сонларидан бирида Пайариқ тумани «Эрназарқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини қийнаб келаётган қатор ижтимоий муаммолар ҳақида танқидий материал эълон қилинди. Мана, орадан 6 ойга яқин вақт ўтди. Бу давр мобайнида мақолада тилга олинган масалалар ўз ечимини топдимиди? Йиғиндаги бугунги вазият, одамларнинг кайфияти қандай?

Юқорида қайд этилган танқидий мақолада бундан ярим аср илгари асфальт қилинган Эрназарқўрғон, Қўриқбўйрак ва Сарияқ кишлоқларини боғлаб турувчи асосий кўчанинг бугунги аянчли аҳоли ҳудудда яшовчи 5 мингга яқин аҳолининг ҳақли эътирозла-

ларга айтавериб, очиги, чарчадик, ҳаммаси бефойда экан, — дейди «Эрназарқўрғон» маҳалласи раиси Салоҳиддин Носиров. — Бошқасини қўя туринг, масъуллар ҳаттоки қисқа туташувлар туфайли қуйиб кетган айрим симёғочларни ҳам ҳалигача алмаштиришмади. Бу симёғочлар ўрнатилганида мен 10 яшар бола эдим. Ҳозир 70 ёшдаман. Қарийб 60 йилдан буён шамолу ёмғирларга дош бериб келаётган бу устунлар деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган, уларни фақатгина тортилган симлар ушлаб турибди. Шу боис сал кучлироқ шамол турса, қулаб тушиши аниқ.

Вазиятта ойдинчи киритиш мақсадида «Пайариқ электр тармоқлари» корхонаси Челақ бўлими раҳбари Бахтиёр Усмонов билан боғланди.

— Мен бу лавозимга тайинланганимга ҳали икки ой ҳам бўлгани йўқ, шунинг учун мазкур муаммодан мутлақо беҳабарман, — деди у. — Мендан олдин ишлаган раҳбар нима деган, қандай ваъда берган, менга қоронғи. Ўзингизга яхши маълум, ҳозир ҳамма жойда карантин. Карантин тугаши биланок, биринчи навбатда, ана шу масала билан шуғулланаман. 5-10 та симёғочни алмаштириш жуда катта муаммо эмас. Карантин қоидалари бироз енгиллаштирилиши билан ходимларимиз сиз юқорида қайд этган симёғочларни қисқа фурсатларда алмаштириб беришади.

### «Ер беришса, ўзим бино қураман»

Навбатдаги манзилимиз яна шу туманнинг «Оққўрғон» ва «Сорисув» маҳаллалари бўлди. Иккита йиғин, 323-ички ишлар таянч пункти ва «Кўштепа» алоқа бўлими жойлашган, эскириб, деворлари тўкила бошлаган бино ҳақида ҳам газетанинг 2019 йилги сонларидан бирида танқидий мақола берилган эди.

Танқиддан сўнг орадан шунча вақт ўтса-да, афсуски, бу ерда ҳам яна ўша манзара. Йиғинга борадиган ягона йўлак ёмғир сувлари билан тўлиб-тошганидан бу ерда кўча борлигини билиш ҳам қийин. Бинонинг орқа томони эса зах тортиб кетганидан сувоқлари кўчиб ётибди. Бинога кириш қисмида гарчи тўртта ташкилотнинг номи ёзилган тахтачалар турган бўлса-да, эшиклар қулфланган, атрофда ҳеч кимса йўқ.

Ҳолат бўйича Пайариқ тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Дилфуза Мамасолиева билан боғланди.

— Бу йиғинларнинг-ку яроқсиз бўлса ҳам ўз биноси бор, туманимизда бошпанасиз йиғинлар ҳам кам эмас, — дейди Д.Мамасолиева. — Ҳаммасига бир-икки йилда янги бино қуриб беришнинг иложи йўқ. Шу боис энг эҳтиёжманд аҳоли ўта ночор ҳудудларга биринчи навбатда босқичма-босқич янги бино қуришни дастурга киритиб бораёلمиз. «Оққўрғон» ва «Сорисув» маҳаллалари ҳам шулар жумласига киради.

— Мен бу борада туман раҳбарларига ўз таклифимни айтганман, — дея суҳбатга қўшилди «Оққўрғон» йиғини раиси Ширинбой Тўлаганов. — Агарда улар менга жой ажратиб беришса, ўз маблагим ҳисобидан йиғинимизга янги бино қуриб бермоқчиман. Менимча, бу масала жорий йил охиригача, албатта, ўз ечимини топади.

### Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ... (ми?)

«Оққўрғон» ва «Сорисув» маҳаллаларидан икки чақиримча масофада Жомбой туманига қарашли «Ногаҳон» маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Маҳалла биноси сиртдан қараганда бинойидек туюлса-да, ичкарига киришингиз билан димоғингизга урилган бадбўй хиддан таъбин-

гиз хира тортади. Негаки, бир вақтлар собиқ хўжалик идораси бўлган бинонинг фақатгина сирти таъмирланган, холос. Ичкаридаги мавжуд 4 та хонанинг иккитаси қаровсиз ҳолда ётибди. Қолган иккитасининг эшигида қўшалок қулф осилди.

Бино атрофидаги пала-партишликдан бу ерга яқин орада одам зоти қадам босганига ишониш қийин. Бу ҳолатнинг сабабини аниқлаш мақсадида қилган ури-нишларимиз, афсуски, бесамак кетди. Масъуллардан биронтаси билан боғланишнинг, уларни топ-пишнинг иложи бўлмади...

Афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар вилоятда санокли эмас. Мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган йиғин бинolari, ўйдим-чучурдан иборат кўчалар, эскирган симёғочлар Жомбой туманидаги «Халвойи», «Оқ олтин», «Наймантипа», Самарқанд туманидаги «Юқори қайнама», «Куйи қайнама» каби ўнлаб маҳаллалар ҳудудларида ҳам мавжуд.

Хуллас, вилоятнинг Пайариқ ва Жомбой туманларидаги айрим маҳаллаларда кўрган-кечирганларимиз хозирча шулар. Тўғри, ҳозир вилоят ҳудуди карантинда. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий муаммолар ечимини орқага суриши тайин. Аммо айни пайтда бу деган, одамлар олдидаги масъулиятни нутиши керак дегани эмас. Баъзан қайсидир вазир ёки раҳбарнинг олис кишлоққа таширидан олдин кўчалар асфальтлашиши, шағал тўшалиши, электр энергияси узлуксиз узатилиши ҳақида эшитиб қоламиз. Хўш, олис маҳаллалар фақат раҳбарлар қадами етсагина обод бўладими?

Ўйлаймизки, масъуллар юқоридаги масалаларга эътибор қаратади ва биз бу мавзуга яна қайтамыз.

Ёрмамат РУСТАМОВ  
«Mahalla»

### Масъуллар нима дейди?

— Пайариқ туманидаги «Эрназарқўрғон», «Оққўрғон» ва «Сорисув» маҳаллаларидаги ички йўлларнинг аҳолидан хабаримиз бор, — дейди «Самарқанд минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК корхонаси директори ўринбосари Хусан Шерматов. — Бу йўлларни таъмирлаш жорий йилда маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади. Жумладан, туман бўйича юқоридагига ўхшаш ҳудудлардаги 19,8 километр йўлни капитал таъмирлаш учун жорий йилда жами бўлиб 2 миллиард 225 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган ва бу юмушлар йил охиригача амалга оширилади. Карантин чекловлари юмшатилиши билан бу ишлар бошланади.

рига сабаб бўлаётгани, шунингдек, аҳолини суюлтирилган газ, электр энергияси билан таъминлашда юз бераётган жузъий камчиликлар ҳақида айтилган эди.

— Бу масалалар ечими борасида маҳалламизда деярли ҳеч нарса ўзгаргани йўқ, ҳамон «Эски тос, эски ҳаммом», бу ҳақда масъул-

Самарқандда саёҳат журналистикаси факультети очилади.



# Муаммолар кўп, ечими эса мутасаддиларга боғлиқ



маҳаллада майдонча барпо этилади. Йиғиннинг янги биноси эса расман фойдаланишга топширилмаган, чунки ҳали қурилиш ишлари охиригача етказилмаган.

Ўтган йили тумандаги «Оқ олтин» маҳалласида ҳам дастур асосида бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, умумтаълим мактаби, болалар боғчаси бинолари мукамал таъмирланди. 90 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бироқ мазкур ҳудудда ҳам айрим юмушлар чала қолиб кетди. Йиғин ахлини қоражонликлар каби битмаган маҳалла биноси, режада бор, амалда йўқ футбол майдончаси ташвишга солмоқда.

даланиши, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун, асосан, полиз маҳсулотлари ва сабзавотлар етиштириш тавсия этилмоқда. Қишлоқ жойда ҳомирқа майдонлари мўл-кўл ва экин-тикиндан ташқари, чорвачилик ортидан рўзғор тебратувчи оилалар мол-ҳоли учун ҳам экин экишни истайди.

Айрим ҳудудларда эса томорқани суғориш борасида муайян муаммолар мавжуд. Ана шундай вазиятда туман ҳокимлиги вакиллари «аҳоли томорқа маданиятига амал қилмаяпти, демак, оқсоқол фуқароларга сўзини ўтказолмаяпти» деган хулоса билан йиғин раисларини айблаши «ўз хоҳиши билан ариза ёзиш»га сабаб бўлмақда. Ҳатто ҳокимликдан «аризангизни ёзинг!» деган талаб ҳам кўйилмапти. Аслида маҳалла раисларини халқ сайлайди, қайсидир муаммолар сабаб уларни ишдан бўшатишга ҳокимлик ҳақлимикан?

**АДОЛАТ БЎЛМАГАН ЖОЙДА АDOVAT БЎЛАДИ, ГАП-СЎЗ КЎПЯДИ. БУНИ ҲОКИМЛИК ВАКИЛЛАРИ ҲАМ, САЙЛОВЛАРДА «ХАЛҚ ХИЗМАТИНИ ҚИЛАМАН» ДЕБ НОМЗОДИНИ КЎЙИБ, ОДАМЛАР ИШОНЧНИ ҚOЗОНГАН РАИСЛАР ҲАМ ТЎҒРИ ТУШУНИШИ ЛOЗИМ**

## «Обод қишлоқ» дастури нега охиригача бажарилмади?

Маълумки, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари асосида йиллар давомида ривожланишдан ортда қолган, қаровсиз ҳудудлар янгича қиёфа касб этмоқда. Бироқ айрим жойларда мазкур дастурлар доирасида белгиланган вазифалар тўлақонли бажарилмай, чала қолмоқдаки, бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўляпти.

Жумладан, Навоий вилояти Навбахор туманидаги «Қоражон» маҳалласи 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастурига киритилган эди. Афсуски, маҳаллада дастур доирасидаги ишлар охиригача бажарилмади.

— Дастур асосида маҳалламиз учун янги бино қурилди, — дейди йиғин раиси Дониёр Уринов. — Аммо бионинг охириги пардозлаш ишлари чала қолиб кетди. Шунингдек, бошқа қишлоқларда бўлгани каби амфитеатр, футбол майдончаси ва кутубхона қурилади, дейишганди. Аммо бундай бўлмади. Қишлоқ врачлик пункти масаласи ҳам ечилмаяпти. Маҳалламиз туман марказидан 15 километр узоқда жойлашган. Тиббий хизматга эҳтиёж туғилганда йўл узоқлик қилади. ҚВПда эса олий маълумотли шифокор йўқ, 8 километр узоқликдаги Кескантерак қишлоқ оилавий поликлиникасига қатнаш ҳам ортиқча вақт ва харажат талаб қилаётир.

## Тендер эълон қилинди, бироқ талабгор йўқ

Айни ҳолат бўйича Навбахор тумани ҳокимлиги қурилиш бўлими бош мутахассиси Азиз Хўжаевнинг айтишича, собиқ Қоражон ҚВП айни пайтда туман тиббиёт бир-

лашмаси «Тез ёрдам» бўлимининг филиалига айлантирилган. Қоражонликлар Кескантерак қишлоқ оилавий поликлиникаси тиббий хизматидан фойдаланиши лозим ва мазкур шифо маскани Дониёр Уринов айтганидек, 8 километр эмас, 2-3 километр узоқликда жойлашган.

— Ҳудудда «Обод қишлоқ» дастури асосида амфитеатр ва кутубхона қуриш режада белгиланмаган, сунъий қопламали майдончага келсак, бунинг учун ҳам бюджетдан маблағ ажратилмаган, — дейди Азиз Хўжаев. — Майдонча тадбиркорлар томонидан қурилиш лозим эди. Тендер эълон қилинди, аммо ҳеч ким сунъий қопламали майдонча қуришга талабгор бўлмади. Тендер танлови ҳозир ҳам тўхтатилгани йўқ, талабгор тадбиркор чиқса,

## Раислар нега ишдан кетмоқда?

Маълумотларга кўра, айни пайтда тумандаги 6 та маҳалла раиси ўз лавозимидан озод этишни сўраб ариза ёзган. Уч йил мuddатга сайланган оқсоқоллар нима учун бир йилга етмай ишдан кетишни истаб қолишди? Бу ҳақда туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бош мутахассиси Азамат Примовдан сўраганимизда, у: «Навкар», «Қоражон», Мирзо Улугбек, «Янгийўл», «Қушқочди» ва «Қоражон» маҳаллаларининг раислари ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзганини айтди.

Сўраб-суриштирганимизда эса раислар бу хоҳишни билдиришга мажбур бўлаётгани аён бўлди. Маълумки, бугун аҳолининг томорқа ерларидан самарали фой-

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Маҳаллани моддий-техник база билан ким таъминлаши керак?



Маҳалла фуқаролар йиғинларини моддий-техника база билан таъминлаш, йиғинларни интернет тармоғига улаш масалаларини ҳал этиш қайси ташкилот зиммасига юклатилган?

**Барногул ЭСАНОВА.**  
Навоий вилояти.

**Насиба СОДИҚОВА,**  
Навоий вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари:

— Президентимизнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармонида ушбу масалага оидинлик киритилган. Ҳужжатга мувофиқ, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосий вазифаларидан бири эканлиги белгиланган.

— Аҳолининг томорқадан самарали фойдаланишини таъминлаш борасида ҳамиша маҳалла раислари билан суҳбатлашади, ердан фойдаланмаётган фуқароларга нисбатан таъсир чора кўриш лозимлиги уқтирилади, лекин шахсан туман ҳокими ҳеч кимга «фуқароларга сўзингни ўзказолмасанг, аризангни ёз» деган талабни қўймаган, — дейди ҳокимлик матбуот хизмати раҳбари Элёр Бобоназаров. — Айрим раислар томорқадан самарали фойдаланмаётган маҳалладошига нисбатан таъсир чора кўрилишини, жарима жазоси қўлланилишини истамай, норози бўлгани рост. Лекин, такрор айтаман, ҳоким томонидан раисларга ҳеч қандай тазйиқ ўтказилгани йўқ.

Туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Дилшод Очилов ҳам Элёр Бобоназаровнинг гапини тасдиқлади. ...Биз мазкур чиқишимиз билан кимнидир «оқ», кимнидир «қора» демоқчи эмасмиз. Аслида бугунги шароитнинг ўзи бир-биримиздан айб изламай, ҳар бир ишга виждонан, адолатли ёндашиш лозимлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, адолат бўлмаган жойда адоват бўлади, гап-сўз кўпаяди. Бунинг ҳокимлик вакиллари ҳам, сайловларда «халқ хизматини қиламан» деб номзодини қўйиб, одамлар ишончини қозонган раислар ҳам тўғри тушуниши лозим. Бундан ташқари, амалдаги раисни лавозимдан озод этиб, янгидан сайланадиган раис мавжуд муаммонинг ҳал қилишига кафолат бормикан?

**Холбиби САФАРОВА**  
«Mahalla»

Ўзбекистонда тезкор мобил интернет қамрови йил якунигача 90 фоизга етказилади.





# Қ

ўштепа туманидаги «Хумдон» маҳалла фуқаролар йиғинида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қад ростлаган бу янги уйлар оилаларга фаровонлик, тотувлик олиб кирмоқда.

## Ижтимоий ҳимояга муҳтож ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ уй-жой билан таъминлаш қандай ҳал этилмоқда?

— Ҳа, беш йилдан буён ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қад ростлаган бу янги уйлар оилаларга фаровонлик, тотувлик олиб кирмоқда.

— Ҳа, беш йилдан буён ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қад ростлаган бу янги уйлар оилаларга фаровонлик, тотувлик олиб кирмоқда.

### «Кимга ишонишни ҳам билмай қолдим»

Аммо бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қад ростлаган бу янги уйлар оилаларга фаровонлик, тотувлик олиб кирмоқда.

Бувайда туманидаги «Жалаер» маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Муқаддас Ҳамдамова мана 8 йилдирки, уй-жой масаласида турли идораларга мурожаат қилади. Турмушдан ажрашган, 2 нафар вояга етмаган фарзанди билан бир ҳўжаликда онаси, укасининг оила аъзолари билан яшашга мажбур. Каталакдек ҳовлида 3 та оила 12 жон бирга турибди.

Бу оила ҳаётидаги муаммолар ҳақида «Маҳалла» газетасининг 2019 йил 37-сонида «Яхшилар кўмагига муҳтожман» сарлавҳаси остида мақола чоп этилган эди. Ҳа, беш йилдан буён ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун замонавий уй-жой қуриб берилди. Ёрдамга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қад ростлаган бу янги уйлар оилаларга фаровонлик, тотувлик олиб кирмоқда.

— Умидларим саробга айланмоқда, қаерга бориш, кимга мурожаат қилишни билмайман,

— дейди Муқаддас Ҳамдамова фигони фалак бўлиб. — 2017 йилдан буён туман ҳокимлиги, Халқ қабулхонасига бир неча бор мурожаат қилганман. Ҳар йили ваъда қилишиб, уй-жой учун бошланғич бадал пули тўлаш зарурлигини таъкидлашади. Бу маблағларни тўлаш учун менда имконият йўқ. Топганим рўзгоримдан ортмайди. Яқинда Бувайда тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига уй-жой масаласида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Улар уй-жой учун 22 миллион сўм бошланғич маблағ тўлаш кераклигини айтишди. Агар имконим бўлганида бу пулга 1 хонали уй сотиб олган бўлардим. Энди келаси йили бу масала кўриб чиқилишини айтишяпти. Кимга ишонишни билмай қолдим.

### Масъуллар йўлини пойлаб ўтирган аёл кимга, қаерга ариза ёзиши керак?

Муқаддас опанинг куюнганча бор. Масъулларнинг масъулиятсизлиги боис қайта-қайта қилган мурожаатига ечим тополмай сарсон бўлаётган она яхшилардан кўмак кутиб, кунларни тунга уламоқда.

— Ҳар йили 1 январдан 1 февралга қадар уй-жойга муҳтож оилалардан аризалар қабул қилинади. — дейди Бувайда тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Олия Асқарова. — Бу мурожаатлар туман Ишчи гуруҳлари томонидан ҳолис, шаффофлик асосида ўрганиб чиқилади. Жорий йил 198 нафар уй-жойга муҳтож оила мурожаати ўрганилди. Ишчи гуруҳ аъзоларининг ҳулосасига кўра, бу йил фақат 10 нафар ижтимоий ёрдамга ўта муҳтож оилани имтиёзли уй-жой билан таъминлаш юзасидан вилоят комиссиясига ҳулоса берилди. «Жалаер» маҳалласида яшовчи Муқаддасхон Ҳамдамова эса уйга муҳтожлиги юзасидан бизга ариза билан мурожаат қилгани йўқ.

Қизиқ, йиллар давомида уй-жой сўраб, масъуллар йўлини пойлаб ўтирган аёл яна кимга, қаерга ариза ёзиши керак? Қолаверса, қайта-қайта иддао қилинаётган масала хусусида ҳар йили ариза ёзиш амалдаги қонун нормаларига қанчалик мос келади?

### Фуқарога уй таклиф қилинган, аммо...

«Жалаер» маҳалласида умргузаронлик қилаётган Ўлмасхон Ҳамидова ҳам турмуш ўртоғи вафот этган, икки нафар фарзанди билан ота уйига қайтиб келганига 15 йил бўлди. Ҳўжаликда кекса онаси, 2 келин, 10 нафар фарзанди, жами 15 жон бирга яшайди. Шунча вақтдан буён уй-жой масаласида ёрдам сўраб турли идоралар эшигини қоқди. Афсуски, амалий ишдан дарак йўқ.

— Ўлмасхон Ҳамидованинг уй-жойга муҳтожлиги юзасидан мурожаати ўрганилиб, зарур тавсиялар берилган. — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий, маънавий масала-лар бўйича ўринбосари Феруза Алёрова. — Оилада кўпчилик яшайди, уларнинг аксарияти меҳнатга яроқли. Шу боис уларга бир неча бор ишга жойлаштириш таклифи билан чиқдик. Бироқ оила аъзолари бунга кўнишмади. Уй-жой билан таъминлаш мақсадида тумандаги «Бўстонбува» массивида қурилаётган намунали уйлардан бошланғич бадал пулини тўлаб, имтиёзли уй-жой олиш юзасидан таклифлар берилган. Аммо улар туман марказидан уй-жой ажратиш беришни талаб қилишмоқда.

### 154 нафар хотин-қиз имтиёзли уй-жой билан таъминланади

— Хотин-қизлар фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида 23 минг 850 нафар ногиронлиги бор хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, улар-

нинг ногиронлик тури, меҳнатга лаёқатлилик даражаси, оилавий шароитлари, қарамоғидаги шахслар ёки кимнинг қарамоғида эканлиги таҳлил қилинди. — дейди Фарғона вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Комила Кавлонова. — Ўрганишлар давомида аниқланган асосий ва энг долзарб масала бу иш ўринлари яратиш билан боғлиқ. Айни кунгача оғир шароитдаги хотин-қизларнинг 956 нафари доимий ишга, 1037 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, 388 нафари эса ҳўнармандчилик, оилавий тадбиркорлик, томорқачилик йўналишларига жалб этилди. Бу йил 154 нафар эҳтиёжманд аёлларга имтиёзли уй ажратилади. Аммо бир нарсани эътиборга олиш лозимки, имтиёзли уй-жой ажратишни сўраган барча хотин-қизларнинг мурожаатини қаноатлантиришга имкон етмайди. Шу боис ҳар бир мурожаат атрофлича таҳлил этилиб, ўта зарур хотин-қизлар энг биринчи навбатда уй билан таъминланади.

Бир сўз билан айтганда, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар билан бирга ечимини кутаётган кўплаб муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шундай экан маҳалла фуқаролар йиғинлари масъулларидан аниқ манзил ва мақсад йўлида иш олиб бориш талаб этилади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Мақола тайёрлаш жараёнида Муқаддас опа биз билан телефон орқали яна боғланди. Айтишича, уни Бувайда тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими масъуллари йўқлашган. Улар ҳам уй-жой билан боғлиқ масаланинг амалий ечимини топишга ҳаракат қилишларини таъкидлашди. Бу бир жиҳатдан яхши, аммо ваъда қоғозда эмас, амалда бажарилса, мақсадга мувофиқ бўлади.


Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

2020 йилнинг 1 июль санасидан уй-жойлар нархи 15 фоизга ошади.



Азалдан ота-боболаримиз ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга, боғ-роғ яратишга алоҳида эътибор қаратишган. Бу эл дастурхони ва бозорларимиз тўкинлигини таъминлайди. Қашқадарё вилоятида ҳам бундай бободехқонлар кўпчиликини ташкил этади.

Афсуски, суғориладиган, бебаҳо ерларимизни қаровсиз қолдириб, унга хиёнат қилаётганлар ҳам борлиги дилни хуфтон қилади. Айниқса, коронавирус пандемияси туфайли юзага келиши кутилаётган инқироз даврида Шаҳрисабз туманидаги ер майдонларидан самарали фойдаланилмаётгани ачинарли. Ерларни ташландиқ ҳолга келтириб, мол боқадиган ўтлоқзорларга айлантириб қўйилганини нима деб айтиш мумкин?



### МАНЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 26 минг 937 гектар ер майдонида боғ ва тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан 19 минг 330 гектар боғлар, 7 минг 607 гектар ер тоқзорларни ташкил этади. Ўтган йилда 53,3 миллион долларлик мева-сабзавот экспорти амалга оширилиб, 2018 йилнинг мос даврига нисбатан экспорт ҳажми 3,2 баробарга кўпайди.

# ЭНДИ УНУМДОР ЕРЛАР - ЕРНИ ВА МЕҲНАТНИ СЕВАДИГАН ФУҚАРОЛАРГА ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛАДИ

## Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир

Тумандаги «Янгибоғ» маҳалласи ҳудудидagi «Номоз оқ олтин» фермер хўжалигига қарашли боғнинг ҳолига қулишни ҳам, куйишни ҳам билмайди киши. Маҳаллада томорқадан унумли фойдаланиш кўникмаси ҳам қониқарсиз. Аҳоли томорқаларига эътибор талабга жавоб бермайди. Авваллари томорқасидан фойдаланмаганлар ҳозир ҳам уни ўз ҳолига ташлаб қўйган. Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари экиб, рўзгорни ҳам, бозорни ҳам обод қилиш ҳақида ўйлаб кўрмаганлар кўп. Хўш, бундай ҳолатни маҳалла раиси, сектор раҳбари кўрмаганми? Аҳолини томорқа ерларидан самарасиз фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишидан огоҳлантирмаганми?

— Маҳалламиз аҳолисининг асосий қисми Деҳқонобод туманидан кўчиб келган, — дейди Шавкат Боймуродов. — Улар, асосан, чорвачилик билан шуғулланади. Шу сабабли томорқаларининг асосий қисмига беда экилган. Бугунги вазиятда томорқадан унумли фойдаланиш бўйича етарли тушунтириш ишларини олиб бормадим, эътиборсизлик қилдим. Оқибатда қилмишимга яраша жазоимни олдим, маҳалла раислигидан бўшатиладим. «Номоз оқ олтин» фермер хўжалигига қарашли 7 гектардан ортиқ боғ қатор ораларини ёввойи ўт босиб ётибди.

Қизиқ томони, ер фермер хўжалигига қарашли бўлса-да, амалда бошқалар эгаллик қиларкан. Эртага 100 тонналаб маҳсулот етиштириш мумкин бўлган шунча ернинг увол-савоби учун ким жавоб беради? Ҳуқуқини билмайдиган фермерми ёки ўроқда йўқ, машоқ-

да йўқ, хирмонда ҳозир бўладиганларми?

— Оптималлаштириш жараёнида бу ер фермер хўжалигимизга қўшиб берилганди. — дейди хўжалик раҳбари Номоз Боймуродов. — Даладаги дарахтларни аввал бошқалар эккани учун ер шу пайтгача уларнинг ихтиёрида қолаётган эди. Қатор ораларига экин экинлар, деб айтдим, лекин айтганимни қилишмади.

## Ким ҳақ...

Тумандаги «Оқдарё» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган боғда ҳам аҳвол ачинарли.

— Халқ депутатлари туман Кенгашининг қарори билан ер қайтариб олинди, — дейди туман ҳокими Исроил Аманов. — Икки-уч кун ичида маҳаллий аҳоли вакилларига бўлиб берилди.

Шу ўринда савол туғилади, ер ҳақиқатан қайтариб олинганми-кан? Олинган бўлса, нега бу ерлар деҳқончилик илмидан бохабар, «экин экиб, даромад қиламан» дейдиган кишиларга ҳозиргача бўлиб берилмади? Экин учун баҳорнинг ҳар бир дақиқаси ғанимат-ку!

— «Турсунпўлат мевалари» боғдорчилик фермер хўжалиги ерига маҳаллий аҳоли томонидан харидор чиқмагани сабабли хўжалик раиси Зиёдулла Турсунпўлатовнинг ўзига ерни ҳайдатиб, картошка эктиряпмиз, — дейди «Оқдарё» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тошкан Раҳмонов. — Энди кооперация асосида маҳалла аҳолисига тақсимлаб берамиз.

## «Эккандим, бўлмади...»

Тумандаги «Ўроқов Акбар Акрамович» фермер хўжалигига қарашли олмасор 38,6 гектар майдонни эгаллайди. Бироқ бир мавсумда 750 тоннадан ортиқ картошка

ёки 650 тоннадан зиёд помидор ёхуд 160 тоннага яқин ловия олиш мумкин бўлган бу ернинг баъзи жойларига ҳали кетмон урилмаган. Ёввойи ўт босиб ётибди. Боз устига, дарахтларнинг экилиши ҳам мутлақо агротехник талабларга мувофиқ эмас.

Маълум бўлдики, фермернинг боғни обод қилишга, қатор ораларидан мўл ҳосил етиштиришга, бу йўлда ижарачиларга бош-қош бўлишга вақти ҳам, ҳафсаласи ҳам йўқ. Унинг айтишича, айрим ижарачилар бир килограмм маҳсулот ҳам, бир сўм пул ҳам топширмаган. Ижарачиларнинг баъзилари эса «эккандим, бўлмади, харидор тополмадим» қабилдаги баҳоналар билан овора. Ачинарлиси, боғнинг аҳволи билан шу пайтгача туман раҳбарлари ва депутатлар ҳам қизиқиб кўришмаган.

Вилоят ҳокими тавсияси билан ер шу маҳалла аҳолиси орасидан ерни севадиган, меҳнатидан қочмайдиган кишиларга тақсимланди.

— Оилада 15 жонмиз, — дейди ерли бўлганлардан бири Ихтиёр Муртозаев. — Акам, укам, уларнинг фарзандлари бекор. Бугун бизга бир гектар ер ажратилди. Хурсанд бўлдим. Энди бу ерда бозорбоп маҳсулотлар етиштиришимиз. Дала бошида супа қуриб, ерга боримизни берамиз.

Яна бир ачинарли ҳолат. Тумандаги Қўрғонтепа қишлоғида жойлашган «Тўхтаев Комил Тўхтаевич» фермер хўжалигига қарашли боғ ишлов кўрмаган, озиклантирилмаган. Ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида дарахтлар касалланган. Қатор ораларига бирор нарса экилмаган. Агротехник қоидаларга кўра, энди бу дарахтлар ўрнига янгиларини экиб ҳам бўлмайди. Чунки ердан ўша касаллик кетиши

учун камида 5 йил керак экан.

Президентимиз «Бугунги синовли кунларда бизни фақат ер боқадди, ер бой қилади», дея барчани меҳнат қилишга, бу орқали ҳам даромад олишга, ҳам соғлом ҳаёт тарзига ундаётган бир пайтда, бу каби ҳолатлар кўнгилни хира қилиши тайин.


— Шаҳрисабз туманида қанчадан-қанча унумдор ерлар қаровсиз ётибди, — дейди вилоят ҳокими Зойир Мирзаев. — Бу синовли кунларда ўзимизни ўзимиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаслигимиз дангасалик эмасми? Ахир, тупроқ-иқлим шароитимиз тўрт фаслда ҳам сабзавот экинлари етиштириш учун гоё қулай ҳисобланади. Энди мулкдорлар, томорқа ер эгалари томонидан самарасиз фойдаланилган ерларга нисбатан қонуний чоралар кўрилади. Унумдор ерлар меҳнатни севадиган фуқароларга тенг тақсимлаб берилди. Бир қисми туман захира ер фондига қайтарилиб, истиқболли лойиҳалар учун ажратилади. Яъни туман аҳолиси учун фойдали, даромадли ишга йўналтирилади.

Шоҳиста БОЗОРОВА  
«Mahalla»

Ерни ноқонуний олиб қўйиш учун жавобгарлик кучайтирилди.



**Т**обора глобаллашиб бораётган жамиятда омманинг ахборотга бўлган эҳтиёжидан-да устун турувчи масала йўқ. Ҳар тонг уйғонишимиз билан телефонни «титилаймиз» ёки компьютер қаршига ўтириб, сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш тараддудига тушамиз. Бугунги электрон оммавий ахборот воситалари орқали шов-шув уйғотувчи, тафсилоти ўзига хос услубда кўрсатилган, ҳажми каттагина ёки чоғроққина воқеа-ҳодисалар билан танишиш мумкин. Шунингдек, журналистикада янги йўналиш – блогерлар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар ҳам кўпчиликнинг диққат марказида.



муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир, Бош директор ўринбосарлари ва Бош директор томонидан кўриб чиқилиб, таҳрир қилинганга сайтга қўйилади. Хатолари тузатилиб, фойдаланувчиларга тақдим этилади.

**SMS чаласаводликни ифодалайди...(ми?)**

«Қаердасан?». Бу – фарзандидан хавотирланаётган онанинг хабарномаси. Зум ўтмай, унинг мобиль телефонида хабар келгани билдирувчи мусиқа таралади: «**Xoz kiraman**». Она узук-юлук, хато ёзилган хабарни ўқиб тинчланади.

Қишлоқ ҳўжалиги вазириликнинг телеграм каналида «**Ўзбекистонда озик овқат бошқа давлатларга Караганда арзон Ман уйлайманки дехкон билан харидорга манфатли 1та нарх булиши кере орзон ҳам эмас киммат ҳам**» мазмунидаги хабарга кўзимиз тушди. Бундай хабарномаларни ўқиганда, аввало, матн муаллифининг саводхонлиги ҳаминқадар эканидан ажаблансангиз, бошқа томондан, унинг ўз она тилига нисбатан бўлган беписандлигидан куюнасиш.

**ТЕЗКОРЛИК САВОДХОНЛИКНИ МАХВ ЭТГАНДА:**

**блогерлар таҳрир санъатидан беҳабарми?**

Айни жараёнда қатор мулоҳазалар туғилади: хўш, уларнинг сўзга нисбатан масъулияти қандай? Она тилимизга бўлган муносабат талаб даражасидами? Ахборотни узатишда ўзбек адабий тили меъёрларига риоя қилиняптими? Стилистика қай даражада?

**Тўғри ёзишга жиддий эътибор қаратилмаяптими?**

Исботсиз назария ҳам, воқелик ҳам йўқ. Фикр исботи билан таъсирли, агар уни далилламадан айтсангиз, у ҳавога учиб, қадрини йўқотади. «**kin.uz**» сайтида жорий йил 10 май соат 08.46да узатилган хабар сарлавҳасига эътибор беринг: «**Ўзбекистонда коронавирусдан тузалганлар сони 1900дан ошди**». Бир қарашдаёқ «1900»нинг ёнига нафар ёки киши сўзи қўшилмагани учун сарлавҳа унчалик «ўхшамай» қолганини сезади киши. Давом этамиз: «**Соғлиқни сақлаш вазирлиги Наманган ва Бухорода жами 39 нафар (?) тузалгани тўғрисида хабар берди**». Гапнинг тўлдирувчиси йўқ. Аслида у қавс ичига қўйилган сўроқ ўрнида бўлиши керак.

– Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг

давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга, афсуски, айрим сайтлар томонидан жиддий эътибор қаратилмаяпти, – дейди филология фанлари номзоди, профессор **Равшан Жомонов**. – «Она тилим – жону дилим», деган нақл нақадар ҳаққоний. Нима учун айримлар бунинглаб етмайди?

«**Qalampir.uz**» сайтига кирсам, «...**видеоёзув олган ҳолда ўтказилиши имконияти яратилди**», деган жумлага кўзим тушди. Аслида «ўтказилиши» эмас, «ўтказиш» деб қўллаш тўғри вариант эмасми? Ушбу сайтдаги материаллар лотин имлосида ҳам берилади, бироқ уларда айрим имло хатолари ҳам мавжуд: «**sub'ekt**» сўзи «**subyekt**» шаклида ёзилиши лозим, акс ҳолда «**sub'ekt**» лотинча имломизда [субэкт] деб ўқилади.

– Тилимиздаги қайси сўз, қаерда, ким томонидан қўлланилмасин, имло лўғатидаги тўғри шакли берилиши шарт, – дейди **Р.Жомонов**. – Ижтимоий тармоқларда «тишга тегадиган» имловий, услубий, пунктуацион хатолар учраши блогернинг мактабда она тилини қай даражада ўқигани ва ўзлаштирганидан далолат беради.


Қолаверса, она тилимизга нисбатан совуққонларча муносабатни «**Telegram**», «**Facebook**», «**Twitter**» каби ўзаро мулоқотта хизмат қилувчи ижтимоий тармоқларда ҳам кузатяптимиз.

Хўш, бу тўғри, беҳато гап тузишга ҳафсаласизликми ёки шошмашошарликми? Демак, сайт ходимлари, блогерларнинг таҳрир санъатини пухта ўзлаштириши учун мутасадди ташкилотлар томонидан қисқа муддатли ўқув курсларини йўлга қўйиш лозимлиги англашилади. Қолаверса, ҳар бир ахборотни тайёрлашни билан сайтга қўймай туриб, икки-уч сидра кўздан кечириш тажрибаси матнга нисбатан турли эътирозларни уйғотмас эди.

**Таҳрир қилинмаган матн сайтга узатилмайди**

Сўз эркинлиги, демократик тамойиллар масаласида ҳеч бир фуқарога тўсқинлик йўқ. Ҳозир ахборотни биринчи бўлиб, «тортадиган» сарлавҳа билан узатиш учун рақобат майдони кенг. Аммо унинг савияси, сифати, услубий жиҳатдан силлиқлиги босма нашрлар қаторида ижтимоий тармоқларга ҳам тўла маънода тааллуқлидир.

– **Халқимизда «ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган нақл борки, бу сўзга нисбатан ҳурмат-эътиборни ифодалайди, – дейди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА) Бош директори маслаҳатчиси Фаррух Бўтаев**. – Агентлигимиз республикадаги етакчи расмий манба бўлиб, унинг сайтига бир кеча-кундузда 150-200 та турли ҳажмдаги ахборотлар қўйилади. Барча ижодий ходимларнинг мақоласи, аввало, бўлим мудири, бош



Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, ўзаро ёзишмаларда «**ch**», «**o**» ёки «**sh**» харфлари ўрнига «**4**», «**6**» ёки «**w**» каби белгиларини ёзадиган фойдаланувчилар ўзлари учун белгиларни қулайлаштириб олган гўё. Бир томондан қарасак, балки бунинглаб унинг фикрларини тезроқ ифода этиш учун қулай усул, дея ҳисоблаши мумкин. Афсуски, бу борган сари кўпчилик томонидан нормал ҳолатга айланиб бораётти. Ҳатто шахсий маълумотномаларни ҳам шунақа ёзувдан фойдаланишяпти.

\*\*\*

Ахборотнинг макони чексиз, у ҳар сонияда янгиланади ва тарқалади. Она қабул қилувчи омма эса тезкорликка, шов-шувга ўч. Аммо истемолчига силлиқ, изчиллиги таъминланган, манتيқий жиҳатдан бир-бирига боғланган матнни эмас, балки таҳрирталаб ижодий маҳсулотни тортиқ этиш давр талаби эмас. Бундай ёндашув нафақат муаллиф, балки электрон нашрнинг обрў-эътиборига ҳам пугур етказишини унутмайлик.

**Хулқар КУЗМЕТОВА**  
«Mahalla»

**МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:**

**Тил нормаларини бузганга жавобгарлик борми?**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 42-моддасида «Давлат тили ҳақида»ги қонун меъёрларини бузишга нисбатан жавобгарлик чоралари белгиланган.

Унга кўра, фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллат ва элатларни менсимаслик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитиш йўлга қўйилади.



# ОНА ТИЛИ дарсими ёки тилшунослик?

“

Ижтимоий тармоқ деганларининг фойдаси ҳам кўп экан. 15 йил илгари олий ўқув юртини битирган, анчайин узилишиб қолган курсдошларимизни дарров яқинлаштиради. Энди телеграм тармоғидаги гуруҳимизда хабарлашиб турамыз.

Ақсарият курсдошлар мактабда она тили ва адабиёт фанидан сабоқ беришаётгани боис кўп ҳолларда фанга оид саволлар, мунозаралар ҳам учраб туради.

Ана шундай саволлардан биридаги жумла диққатимни тортди: «Отнинг ўрин белгиси...». Кейин билсам, бу «-даги» қўшимчаси билан ҳосил бўларкан. Масалан «идиш» буюм номи. «Идишдаги» сўз эса энди буюм эмас, балки ўринни аниқларкан.

Тўғри, назарий қўшимча билан боғлиқ вазият бирмунча қизиқарли. Аммо ўқувчи «ўрин белгиси» атамасини билмагани билан нима бўлади. Айнан шу атамани билмагани, назариясини ўрганмагани учун нутқда «идишдаги овқат» бирикмаси ўрнида «идишнинг овқат» бирикмасини қўллайдими?

Болалгимизда мактаб дарсларида эргашган қўшма гапнинг ўнга яқин турини ўтгандик. Қарийб бир чорак ўқув соатлари шу мавзуга бағишланганди. «Аниқловчи гагли эргашган қўшма гап», «ҳол гагли эргашган қўшма гап» ва ҳокazo. Шу фанга муҳаббатим боис кейинчалик ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим. Аммо ўша-ўша «эргашган қўшма гап»лар билан келиша олмадим...

Ёки орфографияда товушларнинг тил олди, тил орқа, тил ўрта, лабланган, лабланмаган(аслида булар орфоэпия экан)лиги буйича таҳлил қилардик. Нима биз «б» товушини лаб ундоши эканлигини билганимиз учун ҳам «т» ёки «ш» тарзида эмас, «б» тарзида талаффуз қиламизми? Ўзи бу дарсларнинг мактаб ўқувчисининг кейинги ҳаёт фаолиятида қандай аҳамияти бор? Ушбу сабоқларни олиш бизнинг келгуси катта ҳаётда тилдан фойдаланиш малакамизни қай даражада таъминлай олади?

Тўғри, она тилимизни лингвистик жиҳатдан ўрганиш зарур. Аммо илмий-тадқиқот институтлари предмети бўлган ушбу соҳаларни мактаб дарслигида ўргатиш ўқувчининг келажаги учун қай даражада фойда беради?

## Адабиёт дарси бадий дидни ошириши керакми ёки куруқ матни ёдлатиш?

Адабиёт дарсида қўлланилган бир саволга эътибор беринг: «Қайси асарда ўзбек отасининг бўртма, умумий ва яхлит сиймоси яратилган?»

Қизиқ, отанинг ҳам яхлит образи бўларканми? Ҳар кимнинг отаси, ҳар бир ижодкор асариде таъсирланган ота образи унинг ўзи учун идеалдир. Адабиётимизда идеаллаштирилган оталар образлари кўп. Юсуфбек хожи («Ўткан кунлар»), Икромжон («Уфқ»), Асрор бобо, Сулаймон ота («Қиёмат қарз»).... Ҳўш, улардан қайси бирини яхлит, умумий тип деб танлайсиз?

Дарвоқе, жавоб Ғафур Ғулومнинг «Соғиниш» шеъри экан. Дарсликда мазкур асар таҳлилида ота образида айнан шу жумлалар келтирилгани сабабли ҳам энди фақат шу асарни отанинг мутлақ «бўртма, умумий ва яхлит сиймо» сифатида қабул қилишимиз керак экан.

Ёки яна бир савол: Бехбудиининг «Падаркуш» драмаси таъсирида асар ёзган ижодкор ижодиға баҳо берган шахс туғилган оилада туғилган ёзувчи вафотидан 200 йил олдин эгаланган шаҳарда туғилган ижодкор қатл этилган жойда туғилган ижодкорнинг исми қатнашган асарларни топинг?»

Бирор нима тушундингизми? Умуман, бадийлик талаби туғул, оддий матн тузиш қоидаларидан йироқ бу саволга эҳтимол ўқувчи китобларни варақлаб, хронологик саналарни умумлаштириб жавоб топар. Балки савол тузувчи ҳам бир гап ичида беш-олтита саволни жамлаганидан мамнундир. Аммо биз идеал деб билган китобдаги бу каби саволлар ўқувчининг гап тузиш, фикрини равон тушунтиришдаги кўникмаларини фалажлаб қўймайдими? Ахир, фикр ифодаси, гап тузишда эргашадиган манбамиз китоб эмасми? Айнан ана шу

жиҳатлар бўлса керак, ички ишлар, суд ҳужжатларидаги чувалаштирилган гаплар ифодасида калаванинг учини тополмай қийналамиз.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Ёшлар билан суҳбат» мақолалар тўпламида «Сирка кислотасининг бўри тишига таъсири» мавзусида диссертация ёклаш мумкин. Эҳтимол анчайин қизиқарли иш чиқар. Аммо жамиятга амалий наф келтирмайдиган ҳар қандай иш ҳеч қандай қиймат касб этмайди» қабилдаги фикр келтирилади. Шу нуқтаи назардан, бугун она тили дарслари ёшларимизнинг она тилимизни (тилшуносликни эмас) ўзлаштиришда қай даражада наф бермокда?

## Дарс дарсда қолиб кетмасин

Мактабда астрономияни «беш» баҳога ўқиганман. Аммо ҳанузгача юлдузларга қараб вақтни аниқлашни билмайман. Чунки дарсда Куёш, Меркурий, Юпитерларнинг қанча вазнга эгаллиги-ю, Ер тилан ораси қанча масофа эканлиги ўргатилган. Биологияни ҳам яхши ўзлаштирганим билан оддийгина нокни олмага пайванд қилишни билмайман. Бор-йўғи еттинчи синф маълумотига эга отам буларни мендан кўра минг қарра яхши удралайдилар.

Худди шундай, болаларимиз ҳам она тили дарсларида қилни қирқ ёриб, гапни синтактик таҳлил қилдилару аммо оддий иншо ёзишда қийналадилар. Болаликдаги ана шу нуқсон бора-бора катта ҳаётда ҳам ўз аксини топиб бораверади. Урта махсус туғул, олий маълумотли мутахассислар ҳам гоҳида битта ариза ичида ўнта имловий хатоликка йўл қўйишади. Оддий ҳисобот ичидаги сўзларни бир-бирига эглаб қовуштиролмади. Оғзаки нутқда мажлисларни «демак», «ҳалиги», «ўша» сингари «боглама»лар билан бир амаллаб жаргон ва шевада ўтказишар, аммо фаолият юзасидан икки оғизгина интервью сўралганда ўзларини четта олиб қочишади. Чунки адабий нутқ кўникмаси жуда кам.

Шу боис ҳам фанларни, жумладан, она тили дарсларини ҳам ҳаётга боғлаб ўтиш вақти келди. Дарсларда фақатгина тилшунослик атамалари ва курслари билан тўлдириб ташламасдан, болалари-

мизга ёзма ва оғзаки нутқ маданиятини ҳам шакллантириш керак.

Чоракда бир-икки ёзиладиган баён иншолар билан етарли даражада самарадорликка эришиб бўлмайди. Аслида мактаб дарсларида иншо ёзиш қоидалари, технологияси ҳам талаб даражасида эмас. Қўлланма учун фойдаланиладиган намунали иншо матни ҳам йўқ. Ўқитувчи иншо мавзусини беради. Ҳафсала қилса, режа тузишга кўмаклашади. Тамом. Чунки ўқитувчининг ўзида ҳам шу йўналишга оид кўникма йўқ. На мактабда, на олий ўқув юртида бу ҳақда чуқурроқ дарс ўтилмаган. Натигада бола нимаики ёзса ҳам иншо ўрнида ўтаверади. Ўз иштиёқи билан бир-икки бадий асар ўқиган болалар ёзувчининг услубига тақлид қилиб бирор нима ёзса. Бошқалар эса ундан кўчиради...

Оғзаки нутқ таълими эса бундан-да қашшоқ. Фақатгина адабиёт дарсларида уйга вазиға сифатида топширилган бадий асар мазмунини айтиб бериш билан болаларимизнинг нутқини равон қила олмаимиз. Бу борада ифодали ўқиш, ўқиган маттни ижодий ёндошган ҳолда айтиб бериш, бадихагўйлик(импровизация)га асосланган диалоглар уюштириш сингари йўналишларга кўпроқ дарс соатлари ажратилса, мақсадга мувофиқ.

## Тилимиз бой. Нутқимиз-чи?

Ёзма ва оғзаки нутқларимиздаги нуқсонларнинг яна бири сўз бойлигимизнинг камлигидир. Тўғри-да, дарсларда фақат атамалар ёдлатилиб, луғат билан ишлаш, янги сўзларни ўзлаштиришга эътибор қаратилмаса боладан яна нима талаб қилиш мумкин?

Шу боис ҳам она тили дарсларида параллел равишда адабиёт дарсида ўтилган бадий асардаги янги сўзлар рўйхатини шакллантириш, маъносини тушунтириш, ушбу сўзлар иштирокида янги жумлалар тузиш топшириқларини бериш керак. Шунда ушбу икки фан ўртасида узвий боғлиқлик таъминлангани ҳолда болаларнинг ушбу мавзунинг ўзлаштириш сифати ҳам ортади.

Ақбар РУСТАМОВ  
«Mahalla»

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Сардобадаги оилаларга китоб тарқатди.



# ЎЗБЕК РАЗВЕДКАЧИЛАРИНИНГ

Фашистларни лаънатлаймиз, қахрамонлар жасоратини тиллардан туширмаймиз, уларни унутишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Ўзбек халқининг урушорти ва фронтда кўрсатган жасоратлари тўғрисида кўп ва ҳўб ёзилган, бундан кейин ҳам мадҳ давом этаверади.

Шу пайтгача тилга олинмаган «махфийлик» тамғаси билан архивларда қолиб кетган ўзбек разведкачилари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг фахрийлар кенгаши аъзоси, Хизмат тарихи билимдони Худойберди Сохибов билан суҳбатлашдик.

— Иккинчи жаҳон уруши, мамлакатимизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси, ўзбек разведкачиларининг кўрсатган алоҳида намуналари тўғрисида тўлақонли фикр билдиришга ваъда бермайман, ваколатим доирасида, изн олинган айрим факт-рақамлар ва қахрамонларимиз ҳақида сўзлашга ҳаракат қиламан. — дейди Худойберди Сохибов. — Фашистлар Германияси раҳбари Гитлер билан келишувга биноан немислар собиқ иттифоққа ҳужум қилмаслигига Сталин қатъий ишонар эди. Афсуски, тахминлар ўзини оқламади.

Натижада кўп қатори ўзбеклар ҳам босқинчиларга қарши курашда оғир синов ва машаққатларни бошидан кечирди. Уруш йиллари халқимиз ватанпарварлик, миллий менталитетнинг энг яхши жиҳатларини намойиш этди. Маълумки, ўзбекистонликларнинг ватанпарварлик қарашларининг асосида совет тизимини ҳимоя қилиш учун ғоявий сабаблар бўлмаган, халқимиз урушнинг моҳиятини тўла тушуинган, фашизм билан курашда ўзининг ўрни бор эканини идрок этган.

Урушни кўрган фахрийларимизнинг хотираларига кўра, одамлар ўша пайтда совет тизимини ҳимоя қилиш зарурияти тўғрисида кам ўйлашган. Кўплаб халқлар мавжуд режимни қаттиқ қоралар, хусусан, Туркистон мухториятини буткул тутатиш билан боғлиқ қонли воқеаларни халқимиз ҳали унутмаган. 1937-38 йиллардаги қатагон яралари битмаган замонлар эди. Аммо халқ хусуматларни вақтинча «ортга» ташлади. Урушни ўзбекистонликлар ўз мамлақати, қадрдон ватанига босқин, деб билди. Зеро, душман ғалаба қозонган тақдирда Ўрта Осиё ҳудудиди «Катта Туркистон» («Гростуркестан») рейхскомиссариятининг тузилиши, маҳаллий аҳоли батамом йўқ қилиниши мўжлазланган. Бўшаб қолган Фарғона водийсига Европа аҳолисини кўчириб келтириш режаланганди...

— Уруш бошланди, Ўзбекистон эвакуация марказига айлиниб улгурганди...

— Тўғри, халқимиз зиммасига мисли кўрилмаган мажбуриятлар юклатилди. 1941-42 йилларда

Белоруссия, Украина ва Россиядан аксарияти мудофаа саноятининг 195 та йирик корхоналари келтириб, жойлаштирилди.

Кенг микёсдаги бу оммавий сафарбарлик ишларини бажаришда республика давлат хавфсизлиги хизматининг алоҳида ҳиссаси бор. Хизмат ходимлари мудофаа иншоотлари курилишида бевосита иштирок этиб, душманнинг жосуслик-қўпоровчилик ёки вайронагарчилик фаолиятларига йўл бермадилар. Шунингдек, ҳарбий саноят корхоналари маҳсулотларини тўғривсиз ишлаб чиқариш ва уларни тезкор равишда фронтга жўнатишни бевосита назорат қилди.

— Худойберди Сохибович, назаримда, асосий мавзуга яқинлашмоқдамиз. Аввалдан келишганимиздек, ошқора этиш мумкин бўлган мисоллар билан ҳам ўртоқлашсангиз.

— Қадим тарихдан бошлаб то шу кунгача дунё махсус хизматларининг қатъий вазифалари бор, булар уруш йиллари ҳам истисносиз бажарилган. Хусусан, давлат ва ҳарбий сирларнинг махфийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Корхона ва муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда махфий маълумотлар сизиб кетишининг эҳтимолий жойлари аниқлаб чиқилган, алоқа ва транспорт хавфсизлиги кучайтирилган. Хавфсизлик хизматининг кам сонли ходимлари зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклатилди. Давлат хавфсизлигини таъминлашда ҳарбий цензура ходимларининг ҳам катта хизмати бор. Давлат мудофаа кўмитасининг 1941 йилнинг 6 июлдаги махсус қарори билан Қизил армия Бош штаби ва Бош денгиз штаби директиваси билан ташкил этилган ҳарбий почта ва станцияларга келиб тушадиган мактуб ёзишмаларининг ошқорасиёсий назоратини амалга оширишга рухсат берилган эди. Фронтдан республикамизга келаётган ва фронтга жўнатилаётган хатлар тўлиқ назоратга олинди. Бундан совет режимига қарши фикрлар, махфий маълумотларнинг ошқор этилиши ва турли шов-шувларнинг олди олиниши мақсад қилинганди.

— Махсус хизмат вакиллари фронторти меҳнатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлдик. Бевосита жанг майдонларида ҳам жасорат намуналари кўрсатишган, деб эшитган эдим...

— Албатта, хизмат ходимлари нафақат мамлакат ичкарисиди



хавфсизликни таъминладилар, балки фронтнинг олди қаторларида туриб, фашистларга қарши кураш олиб борди. 1941-45 йилларда республикамизнинг икки мингдан зиёд хавфсизлик ходимлари ҳарбий контрразведкачи бўлиб армияга юборилган эди. Улар Иккинчи жаҳон урушининг барча фронтларида қатнашди. Белгилаб берилган вазифалардан ташқари гитлерчиларга қарши бевосита курашдилар, кези келганда рота ва батальонларга кўмондонлик қилдилар. Хизматлари учун бир ярим мингдан зиёд хизматчи орден ва медаллар билан тақдирланган. Афсуски, барча қахрамонларимизнинг номларини санаб ўтишга имкон йўқ!..

— Сиз Иккинчи жаҳон урушида қатнашган Хизмат фахрийлари билан учрашган бўлишингиз керак. Улардан эшитганларингизни газет-хонларга ҳам айтиб берсангиз.

— Уруш қатнашчиларининг айримлари билан хавфсизлик идораларида бирга ишлаганман, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Ўша суҳбатлар ва архив ҳужжатлари асосида айрим воқеаларни сўзлаб берман. Фарғоналик Борис Митрофанов Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасоратлари учун «Қизил юлдуз» ва «Ватан уруши» орденларининг укала даражалари, 20 та, шундан икkitаси чет элнинг медаллари соҳиби. Тошкентдаги махсус хизматлар мактаби талабаси Беларуссияга Хизмат ишига юборилади. Тўрт йил жанглардан чиқмади: Москва мудофаасида қатнашади, Курск ботиғида кўрсатган қахрамонлиги учун биринчи «Қизил юлдуз» ордени билан тақдирланади. Днепрни кечиб ўтиш ва Сандомир майдонидаги жанглардаги хизматлари учун Ватан урушининг иккинчи даражали ордени билан мукофотланади. Бу орденнинг биринчи даражасини Прага шаҳрини озод қилиш учун олади. Урушни эса 1945 йилда Берлинда тугатади.

Борис Михайловичнинг айтиб беришича, олти нафар тезкор сафдош ходимларидан иккисигина соғ-омон қайтиб келган. Чекистларнинг саъй-ҳаракатлари билан

бир неча марта армия ичидаги катта-кичик низолар бартараф этилган, жамоани жанговар руҳда тарбиялашга ҳисса қўшганлар.

«Қахрамон олтин юлдузи» соҳиби Боис Ҳамидович Эргашев ёшлигидан республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш идораларида ишлаб, уруш бошланган дастлабки кундан армия сафига қўшилади. 1943 йилда Днепр дарёси учун жангларда бевосита иштирок этди. Аввалига отишмалар, ўқ-дори тугагач, қўл жанги бошланиб кетади. Ҳолдан тойган жангчи ўзини ўлик ҳолга солади. Оғир кирза — чарм этиги билан тепиб кўрган фашист унинг вафот этганига ишонди. Қўлига пулемётини олиб, бизнинг жангчиларга қарата ўқ узоқчи бўлган пайтда Боис Ҳамидович унинг ўзини ер тишлаптиб, жангчиларимизни ўлимдан сақлаб қолади. 1944 йилнинг февраль ойидаги жангда кўрсатган мардлиги учун «Қахрамон олтин юлдузи»га сазовор бўлди.

Юқорида санаб ўтган қахрамонларимиз урушдан кейин яна узоқ йиллар давлат хавфсизлиги идораларида ишлаб, ёшларни отабоболарининг жанговар анъаналарига содиқлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшдилар.

— Хавфсизлик хизмати вакиллари Иккинчи жаҳон уруши йилларида бошқа «фронт»ларда ҳам жасорат намуналарини кўрсатганлар, деб эшитганимиз, шу тўғрими?

—Тўғри, бу хусусда унча-мунча маълумотларни матбуотда ошқор этишга рухсат олинган. Уруш йиллари ўзбек разведкачилари Афғонистон ва Эронда Берлин-Рим-Токио учлиги томонидан олиб борилган қўпоровчилик ишларига қарши турганлар. Немис фашистларининг агентурасини фож этишда қатор муваффақиятли амалиётларни бажарганлар. Шариф Ширинбоев, Айнулла Мансуров ва Баҳром Иброҳимов чет элларда Абверга (Немисларнинг ҳарбий разведка ва аксилразведкаси) қарши фаолият юритишган.

Собиқ иттифокнинг разведка бошқармаси захирасида бўлган Ш. Ширинбоев афсонавий разведкачи

Москва метросида ўзбек, қирғиз ва тожик тилларида эълонлар пайдо бўлди.



# ОЧИЛМАГАН ҚИРРАЛАРИ

генерал-лейтенант Павел Судоплатов суҳбатидан муваффақиятли ўтади. 1942 йилда махсус топшириқ билан Эронга хизматга юборилади. «Шариф Қаюмий» тахаллуси билан фаолият олиб борган разведкачиси олти йилдан сўнг ватанига қайтиб келади. Қахрамонимиз собиқ иттифоққа қарши кўпуровчилик фаолияти олиб бораётган немис агентурасини фош этиш ишида фаолиқ кўрсатади.

Тахминларга кўра, фашистлар разведкаси Техронда бўлиб ўтаётган «катта учлик»нинг (СССР-АҚШ-Буюк Британия) 1943 йилдаги конференцияси давомида давлат раҳбарларига суиқасд уюштиришни режалайди. Тарихдан маълумки, бу уч иттифоқчи мамлакатлари лидерлари — Иосиф Сталин, Франклин Рузвельт ва Уинстон Черчилл учрашувида урушда иккинчи фронт очилиши ва урушдан кейинги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилади.

Дунёнинг йирик уч давлати лидерларини ўлимдан сақлаб қолиш ва фашистлар Германиясига қарши иккинчи фронтни очилга халақит қилиш тadbирларида ўзбек разведкачиси Шариф Ширинбоевнинг ҳам хизматлари бор. Конференция иши хавфсизлигини таъминлашда бизнинг қахрамонга ҳам махсус топшириқ берилди.

Фашистлар разведкаси гарбий фронтда ўртаосиёлик жангчиларни асирга тушириб, уларни Эроннинг Гургон вилоятига олиб келиб, «катта учлик»га қарши жангга тайёрлайди. Марказнинг топшириғига кўра, «Қаюмий» Эроннинг туркман даштларига чиқиб, душманнинг жанговар отряди тўғрисида тўлиқ маълумотлар тўплаб келиши лозим эди. Самарқандлик бой Худойбердиннинг ўғли Абдуқодир деган тўқима ном билан эронлик савдогарларнинг карвонига кўшилиб, улар билан бирга душманлар кўним топган жойгача бориб, уч кун савдо билан банд бўлади. Бу орада «Қаюмий» душман гуруҳининг 67 аъзоси билан яқиндан танишиб олишга эришади. Гуруҳнинг асл режаси, умумий сони, қуроллари ва бошқа маълумотларни батафсил билиб олади. Техронга қайтишдан олдин жанговар тўда аъзоларининг айримлари билан эсдалик учун суратга ҳам тушади. Алал-оқибат кўплаб душман жангчилари қўлга олиниб, фашистларнинг режаси фош этилади. «Катта учлик»нинг конференцияси эса белгиланган вақтда безарар-безиён ўтказилади.

Айнулла Мансуров разведка фаолиятини Югославия ҳудудида олиб борган. Гуёки октябрь инқилобидан кейин қатағонга учраган таниқли рус савдогарининг ўғли бўлиб, 1945 йилда немислар томонидан босиб олинган Белград шаҳрига махсус топшириқ билан юборилади. Унинг хизмат характеристикасида шундай қайдлар

бор: «Уруш пайтида уч марта жиддий яраланишига қарамай, у фронтни тарқ этмайди, жасурлик, мардлик намуналарини кўрсатиб, шахсий таркибни жасоратларга ундаб турган». Бу хизматлари учун А.Мансуров «Қизил байроқ» ва «Қизил юлдуз» орденлари, бир қатор медаллар, шунингдек, Югославиянинг жанговар орденлари билан мукофотланган.

Ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ иттифоққа қарши разведка фаолиятлари, асосан, Англия махсус хизматлари томонидан муҳожиқлар кўп яшайдиган Эрон, Афғонистон ва Хитойнинг Шинжон вилоятида амалга оширилган. Ўша пайтда Марказнинг топшириғи билан разведкачиларимизга муҳожиқлар ташкилотига кириб бориб, уларнинг Ўрта Осиё республикаларига оид режаларини аниқлаш вазифаси юклатилади. Махсус тайёргарликдан ўтган 24 ёшли Баҳром Иброҳимов Эронга хизматга юборилади. Бу пайтда у Ўзбекистонда журналист, шоир ва ёзувчи сифатида танилиб улгурган эди. Чет элда эса у совет ҳукуматининг таъқибидан қочган «Маҳмуд Ойқорли» ва «Язучи» тўқима номлар ҳамда таржима ҳоллар билан ишга киришади.

Табиатан киришимли бўлган «Ойқорли» 1917 йилнинг ноябрь ойида ташкил этилган Туркистон мухторияти халқ мажлиси депутати бўлган, муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжаевнинг ишончига қиради. Аксилсовет ташвиқоти олиб боргани учун қамоққа ташланган муфтий 20-йилларнинг охирида Тошкентдан қочиншга муваффақ бўлган-ди. Эроннинг Машҳад шаҳрида Буюк Британиянинг Марказий разведка хизмати резиденти Хамбер Лянсело Георг билан муносабатлар ўрнатади... Резидентнинг бевосита ёрдами билан «Ойқорли» ва муфтий Афғонистонга кўчиб ўтади. Марказнинг розилиғи ва муфтийнинг маслаҳати билан Қобулдаги Туркиянинг Афғонистондаги элчиси Эседал билан ҳамкорликка киришади ва унинг айрим топшириқларини бажаради. Бу ҳамкорлик оқибатида «Ойқорли»нинг 1935 йилда Қобулдаги Германия ва Япониянинг элчихоналари ходимлари билан ишончли алоқалар ўрнатишига ёрдам беради.

1934-1936 йилларда собиқ иттифоқнинг Қобулдаги резидентурасини Михаил Аллахвердиев бошқаради. Ёшлиги Андижонда ўтган, гимназияни шу ерда тугаллаган, ўзбек тилида эркин муомала қилган. Айнан унинг раҳбарлиги ва бевосита иштироки билан ўша пайтларда Афғонистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган немис разведкаси томонидан бошқарилаётган йирик бир гуруҳ фош этилади.

Мен куйида ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган лавҳалар 2014 йилда

Москвада «Халқаро муносабатлар» нашриётида чоп этилган «Россиянинг ташқи разведка тарихи» («История Российской внешней разведки») китобининг тўртинчи тоmidан олинди. Алоҳида бир бўлимда «Маҳмуд Ойқорли» ёки «Язучи»нинг кўрсатган мислсиз қахрамонликлари ҳақида сўз боради.

Қобулдаги Германиянинг ҳарбий разведка ва аксилразведкаси резиденти Расмус «Маҳмуд Ойқорли»га мурожаат этиб, Абвер манфаатлари йўлида собиқ иттифоқнинг Ўрта Осиёдан чиққан муҳожиқлари орасида махсус ишларни олиб бориш вазифасини топширади. Бундан ташқари, Афғонистондаги немис махсус хизмат вакиллари билан бирга аксилсовет кайфиятидаги шахсларни аниқлаб, улар орқали «яқин орада немислар Кавказни босиб оладилар, ундан кейин Ўзбекистон ва Тожикистонга ҳамла қилдилар» деган маънодаги сиёсий овозаларни тарқатиши лозим эди.

Шунингдек, Туркистон ҳарбий округи ҳудудида жойлашган совет қўшинлари тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳам унинг зиммасига юклатилган эди.

— Сизнинг гапингиздан маълум бўлдики, «Ойқорли» — «Язучи» немис тилини билган?!

— Нафақат немис, балки форс ва араб тилларида бемалол гаплаша олган. Шунча тил билиши ҳам разведка ишида анча қўл келган. Бекорга «тил билган дунё танир», дейилмаган. Айнан немис тилида эркин мулоқот қила олгани учун ҳам «Ойқорли» Расмуснинг бевосита назорати остида немис разведкачиси, майор Шенк билан алоқага киришади. Шу сабабли фашистнинг режалари, алоқалари тўғрисида хабардор эди. Бундан ташқари, афғон-совет чегарасидан Ўрта Осиё республикаларига юборилаётган жосуслар ва кўпуровчилар тўғрисида маълумотни қўлга киритар эди. Натижанда улар тезда қўлга олиниб, қамоққа ташланарди.

«Ойқорли»нинг Расмусдан олган маълумотлари бизнинг резидентуранинг диққатидан қочмасди. Архив ҳужжатларидан бир мисол келтираман. 1942 йилнинг 13 октябрь куни Термиз шаҳридан 50 километр шарқдаги чегара йўлагидан 8-10 минг нафар қилч ва милтиқлар билан қуролланган муҳожиқлар қўшини Амударёдан кечиб ўтиши тўғрисида Марказга хабар берилди.

Бошқа мисол. Афғонистондаги вазият дипломатик чоралар кўришни тақозо қилар эди. Совет ҳукуматининг топшириғига биноан элчи К.Михайлов подшоҳ Муҳаммад Зоҳиршоҳ билан учрашади. Бу учрашув натижасида 1942 йилнинг 13 октябрь куни Карл Расмус Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиғига



Ўзбек разведкачиси Баҳром Иброҳимов

чақиртирилиб, унга фашистлар Германиясининг махсус хизматлари Афғонистон ҳудудида кўпуровчилик фаолияти олиб бораётгани тўғрисида нота тақдим қилинади.

Кейинги йилнинг март ойида Афғонистон хавфсизлик идоралари махсус амалиёт ўтказиб, 50 жиноятчини асирга олади. Улар орасида туркистонлик муҳожиқларнинг кўзга кўринган таниқли вакили, Германиянинг Қобулдаги миссияси билан алоқада бўлган Маҳмуд «Ойқорли» — Баҳром Иброҳимовнинг ўзи ҳам бор эди. Қўлга олинганлар орасида ватан хоинларидан ўша пайтда Абвер томонидан «Ханза» номи берилган бошқа ўзбекистонлик ҳам бор эди. У, ўз навбатида, немис махсус хизматларига кўмаклашиб келган ва унинг бу ёрдами муносиб тақдирлаб турилган. У «Унион» ташкилотига раҳбарлик қилган. Келажақда Германия қўшини Афғонистонни қўлга киритгач, Туркистонни эгаллаш тadbирларида фашистларга хавфсизлик йўлагини очиб бериши керак эди.

Сўзимнинг охирида разведка тарихи китобидан бевосита иқтибос келтирмоқчи лозим топдим: «Германиянинг Афғонистондаги элчиси Пильгернинг баёнотида кўра, «Унион»нинг таназзулга учраши Абвернинг собиқ иттифоққа қарши Афғонистоннинг шимолида олиб бораётган кўпуровчилик ишларининг барбод бўлишига олиб келди».

Хулоса ўрнида дунё махсус хизматлари бир овоздан тан олган, маълум ва машҳур разведкачи Рихард Зоргенинг «Бизнинг шарқий чегараларда «пўлат қўл» ишлаяпти. Токи у бор экан, омад биздан юз ўтгирмайди!», деб берган баёнотини келтириб ўтиш кифоя қилади, менимча! 20 йилдан ошди Баҳром Иброҳимов Афғонистон, Эрон ва Покистонда бўлиб, разведка хизматининг масъулиятли вазифаларини бажариб келган. Жонажон ватанига қайтиб келгач, Жанговар «Қизил Байроқ» ордени билан тақдирланди.

— Худойберди Соҳибович, сезиб турибман, бу мавзуда айтиладиган гаплар жуда кўп. Разведкачиларимизнинг ҳали очилмаган қирралари анча эканига ишондим. Мазмуни суҳбат учун миннатдорлик билдираман. Саломат бўлинг!

Аброр ХОН суҳбатлашди.

Юртимизда фанга номаълум бўлган XIV асрга оид қўлёзма топилди.





Мусулмон дунёси айни пайтларда Рамазон ойи рўзасини тутмоқда. Бу йилги Рамазон ойи дунё бўйлаб COVID-19 вируси тарқалган, одамлар изоляцияланган, карантинга олинган хавф-хатарли кунларга тўғри келди. Шу боис коронавирусга чалинмаслик учун иммунитетни мустаҳкамлаш зарурлиги, бундай пайтда рўза тутушнинг фойдаси ёки зарари тўғрисида турли фикрлар илгари суриди. Гарчи Рамазоннинг ярмидан кўпи ортда қолган бўлса-да, коронавирус хавфи тўлиқ барҳам топганича йўқ. Рўза қудрати етган мусулмон учун фарздир. Шундай экан, рўза тутуш саломатликка, инсон иммун тизимига қандай таъсир кўрсатади? Иммунитетни пасайтирмаслик учун ифтор ва сахарликда қандай овқатланиш керак?

## Рўза

# ИНСОННИ ҲАМ РУҲАН, ҲАМ ЖИСМОНАН ТОБЛАЙДИ

### Рўза ва илмий кашфиётлар

Ҳар қандай касалликни енгиш учун иммунитетнинг мустаҳкамлиги бош омилдир. Рўздор киши оч юради, шу боис унинг иммунитетни тушади, деган фикрлар бор. Аммо таъкидлаш жоизки, дунё олимлари узоқ йиллик тажрибалар асосида Рамазон рўзаси одам иммун тизимига ҳеч қандай жиддий салбий таъсир кўрсатмайди, деган хулосага келишган. Тиббиёт йўналишидаги машҳур илмий журналлардан бири — «Frontiers in Neuroscience»да 2019 йилда австриялик олимларнинг рўза тутушнинг саломатликка таъсири ҳақидаги мақоласи эълон қилинди. Унда австралиялик олимлар: «Бизнинг натижаларимиз узлуксиз рўза тутуш организмда вирусли касаллик юзага келган вақтда иммун тизими ва касалликка реакция бериш хусусиятини сусайтирмаслигини, аксинча оширишини кўрсатиб берди», дея эътироф этишгани бежизга эмас.

Кизиғи, рўзанинг афзалликларини мусулмон бўлмаган олимлар кўпроқ тадқиқ этишган. 2016 йилда Нобель мукофотида сазовор бўлган япониялик олим Есинори Осумининг аутофагия ҳақидаги кашфиёти ҳам бевоқифа рўза тутуш билан боғлиқ. Яъни табиатнинг шундай қондаси бор: хужайралар мунтазам янгилашиб туради. Айни ҳолатнинг рўза тутушга қандай алоқаси бор, дерсиз. Гап шундаки, Осумининг узоқ йиллик тажрибаларига кўра аутофагия — организмнинг энг фаол ишлайдиган даври бўлиб, бу унинг очлик пайтига тўғри келади. Ажабланарлиси, очлик орқали одам организмни биринчи ўринда ўзидаги турли даражада зарарланган, касалланган, кераксиз хужайралардан қутулиб, уларни энергияга айлантириб юборади. Аутофагия сўзи юнонча «ауто» — ўзини ва «фагин» — ёмоқ сўзларидан келиб чиққан. Демак, организм оч қолса, «яроқсиз» хужайраларни истеъмол қилиб юборади. Осумининг илмий кашфиётини синондан



ўтказган бошқа мустақил тадқиқотчиларнинг таъкидлашча, аутофагия организмни хиллардан, чиқитлардан тозалаш орқали эрта қаришнинг олдини олади. Энг ҳайратланарлиси, аутофагия жараёнида йўқ қилинган зарарли хужайралар ўрни янги, ёш хужайралар билан қопланади. Бу орқали тана ёшаради, инсон ҳам руҳан, ҳам жисмонан енгилликка эришади. Олимнинг кашфиёти тиббиётда катта умидлар уйғотди.

Рўзада аллергиянинг чекиниши ҳам ғарб олимларини ҳайратга солган. Қолаверса, одам ўзи хоҳлаган ҳолда очликни танласа, унинг нерв тўқималари ўсиши ҳам кузатилган.

### Рўзада нималар тановул қилган тўғрироқ?

Бундай мўъжизавий натижаларга эришишда рўздор овқатланишнинг муайян қондаларига риоя этиши даркор. Айниқса, сахарлик дастурхони оқсилларга бой бўлиши, гўштли ва сабзавотлардан тайёрланган таомлардан иборат бўлиши лозим. Гўшт инсон организмда 16 соат давомида парчланади, кишини тўқ туттади. Аммо гўштли таомларни иложи борича гуруч ва нон маҳсулотларига қўшиб истеъмол қилмаган

маъқул. Чунки крахмал ва углеводларга бой ушбу маҳсулотлар ошқозонда ишқорий муҳит ярадади. Гўшт таркибидаги оқсилларни парчалошни пепсин ферменти эса ишқорий муҳитда ўз кучини йўқотади. Натижада қорин дам бўлиб, жиғилдон қайнаши вужудга келади.

Рўздорнинг таомномасида сабзавотли таомлар, салатлар бўлгани мақсадга мувофиқ. Сахарлик ва ифторлик таомномасини тўғри ташкил этиш саломатлик учун муҳим. Чунки айрим рўздорлар кун бўйи оч қолмаслик учун сахарликда кўп овқат ейишади. Ифтор маҳали хилма-хил сергўшт, серёғ таомларни истеъмол қилишади. Бу нотўғри. Кучли таом кун бўйи оч юрган кишининг меъдасига оғирлик қилади, ҳазм бўлиши кечикади. Натижада ичакларда захарли моддалар камайиш ўрнига янада кўпайиб, кишининг аҳолига салбий таъсир қилади. Биз, гастроэнтерологлар рўздор кишиларга сахарликда енгил, тўйимли таомлар тановул қилишни тавсия этамиз. Булар қатиқли ва суггли овқатлар, қайнатма шўрвалар, буғда пиширилган таомлардир. Иложи борича қовурилган овқатлардан тийилган, тузни камроқ ишлатган маъқул. Янги узилган сабзавотлардан тайёрланган



Мирзо Улуғбек тумани  
марказий тиббиёт бирлаш-  
маси гастроэнтерологи  
Анора НУРИДДИНОВА

салатлар нафақат рўздор, балки бутун оила аъзолари учун бирдек фойдалидир.

### Қанча сув ичган маъқул?

Рўза тутган инсон кун давомида чанқоғини енггани боис танада сувсизланиш кузатилади. Демак, рўздор истеъмол қилаётган сув миқдорини назорат қилиши ва доимийлигини таъминлаш зарур. Тиббиётчи олимларнинг хулосасига кўра, ифтордан сахарликкача бўлган вақтда энг камида икки литр сувни бўлиб-бўлиб ичиш тавсия этилади. Масалан, ифторликда ярим литр сув ичилса, кейин ҳар соатда 0,3 литр сув истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Дарвоқе, ифторлик сувига бир қошиқ асал қўшилса, у нафақат озиқлантирувчи, балки шифобахш, антибактериал ичимликка айланади.

Рўзада таркибида кофеин моддаси бўлган ичимликлар, яъни аччиқ чай, қаҳвадан тийилган маъқул. Улар ташна организмга фойда бермайди, аксинча, танадаги муҳим минерал — магний ва бошқа витаминларни чиқариб юборади, намликни қуритади.

### Рўзада ҳаракатдан тўхтаб қолмаслик керак

Яна бир муҳим жиҳатни эсдан чиқармаслик жоиз: ҳаракат — саломатлик гарови. Бу ҳолида рўздорларга ҳам бирдек тааллуқли. Айримлар (айниқса ёши катталар): «мен рўздорман, ҳаракат қилсам қорним очади, ҳолсизланиб қоламан», деб кун бўйи ётиб олишади. Бу нотўғри. Аслида рўза тутган одам ҳаракатда бўлиши керак. Кескин эмас, оҳиста ҳаракатланиш тўғри бўлади. Мен рўздорларга ҳар кун ифторликдан сўнг камида 2 километр пиёда сайр қилишни тавсия қиламан. Ҳаракат қилмасдан фақат ётиб яшаш эса секин-аста одам организмни издан чиқаради. Унутмаслик кераки, ҳаракат ва очлик уйғунлиги юқорида айтганимиз мўъжизакор аутофагияни таъминлайди ва соғлигимизни тиклашимиз, мустаҳкамлашимизга ҳисса қўшади.



Кўзини тез-тез пирпиратган кишини кўриб, «асабдан шундай бўлиб қолган-да», дея ўзимизча ташхислаймиз. Ёки юз қисмида тез-тез такрорланадиган ҳаракатлар, қўл-оёқлар титрашини ҳам шунга йўямиз. Аслида-чи? Бундай ҳолатларга тиббиётда қандай ечим бор? Улар қайсидир касалликнинг белгиси эмасмикан?

Шоира ҚОСИМОВА,  
олий тоифали шифокор,  
невропатолог.

### Қўллар нега титрайди?


Инсон хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй берадиган ихтиёрсиз ҳаракатлар тиббиётда гиперкинезлар деб айтилади. Гиперкинезлар турли хил касалликларда учрайди. Яъни бу ҳолатлар касаллик белгилари ҳисобланади. Қўл-оёқлар, бош ва тананда кузатиладиган ритмик титроқлар тиббиётда тремор дейилади.

Тремор иккала қўлда кўп кузатилади. Ҳар ким ўзида тремор бор-йўқлигини аниқлаб олиш учун иккала қўлини олдинга чўзиб туриши керак. Бармоқларни ёзиб иккала қўлни олдинга чўзганда кузатиладиган титрашлар, калитни эшик тешигига тикаётганда, имзо чекаётганда, нина тешигидан ип ўтказаятганда юз берадиган титрашлар ҳам тремордан дарак.

Тремор неврозда, яъни кўп асабийлашадиган ва тез ҳаяжонланадиган одамларда учрайди. Бундай одамларда ортикча ҳаяжонланиш титрашни кучайтириб юборади. Бироқ тремор энг кўп учрайдиган ва йиллаб давом этадиган касаллик борки, унинг номи «эссенциал тремор»дир. Бу касаллик кўпинча наслдан-наслга ўтади. Неврозларда тремор доимий эмас, яъни бемор тинчланганда, унинг фикрини чалғитганда, психотерапия ўтказилса, физиотерапевтик муолажалар ва тинчлантирувчи дорилар қўллаганда титроқлар камайди ёки йўқолади. Тремор бўқоқ касаллигида, паркинсонизм, мияча касалликлари, сурункали алкоголизм, мис,

### ДАРВОҚЕ...

Ер юзида йилига **16 млн.** киши инсульт билан касалланади. Шундан Россияда **600 минг** нафар, Украинада **120 минг** нафар, Ўзбекистонда **60 минг** нафар киши инсульт ташхиси билан рўйхатга олинади.



қўрғош, симоб ва марганец каби металллар билан сурункали захарланишларда кузатилади.

### Кўзни тез-тез юмиб-очиш ниманинг белгиси?

Орамизда шундай одамлар борки, кўзларини тез-тез пирпиратишини ёки қош қоқиши, бурун тортиб қўйиши, оғиз билан боғлиқ ҳаракатларни мунтазам такрорлашини ўзлари сезишмайди. Билишса ҳам бундай ҳолатга бепарво қарашади. Аммо бу «одатлар» қайсидир касалликлардан дарак берувчи ҳисобланади. Булар тиббиётда тиклар деб юритилади.

Юз-кўзларда учрайдиган тикларни тремор билан чалкаштирмастик керак. Тик дегани маълум бир мускулларда кузатилувчи ва такрорланиб турувчи кичик титроқлардир. Тиклар тез частотали бўлади, қисқа муддат давом этади ва шу тарзда такрорланиб тураверади. Қайси мускулларда жойлашганига қараб, тиклар турли-туман кўринишлар, яъни қош қоқиш, кўзни юмиб-очиш, бужмайтириш, бурунни тортиб қўйиш, лаб бурчакларини қимирлатиш, бошнинг силкиниб кетиши каби ихтиёрсиз ҳаракатлар билан намоён бўлади.

Тиклар тананинг бошқа қисмида ҳам кузатилади. Елкани сиқиш, қўлларни қимирлатиш, нафас олиш ҳаракатларини қилиш ва қоринни ичкарига тортиш каби ҳолатларда. Тил ва ҳалқум мускулларида кузатиладиган тиклар вокал ҳаракатлар билан намоён бўлади. Вокал тикларда бемор ўз-ўзидан

овоз чиқариб бақриб юборади, унинг товуши худди опера театрида куйлаётган қўлиқчилар овозига ўхшаб кетади. Бу ҳолат Туретт синдроми учун жуда хос. Тиклар такрорланиб турувчи йўталлар, овоз қиришлар, хуштак чалиб юбориш кўринишида ҳам намоён бўлади. Болаларда ва катталарда ҳам тиклар бўлади. Тиклар томоғи кўп «шамоллайдиган» болаларда ҳам кузатилиб туради. Бундай болаларнинг диққати тарқоқ бўлади, бир жойда тинч ўтира олмайди, ота-онаси койиса йиғлаб юборади, қўлидан нарсаларни тушириб юборади, овқатни тўкиб ейди, эслаб қолиш қобилияти суст бўлади. Тиклар кўпчанга стресслардан кейин пайдо бўлади. Масалан, боғча, мактабга мослаша олмаганида, кўркув пайдо бўлганида, уят, эриша олмаслик, ўзига ишончсизлик, ёмон кўриш тўғулари пайдо бўлганида мушак титроғи сифатида тиклар пайдо бўлади. Оиладаги низоли вазиятлар, виртуал ҳаёт, оғир йўқотишлар, сурункали стресслар тикларнинг бошланғич нуқтаси бўлади.

Тиклар кўп ҳолларда гиператив ва невротик синдромлар (хулқ-атвор бузилишлари) билан биргаликда намоён бўлади. Тиклар лор аъзолари касалликлари, ис гази билан захарланиш, гижжа касалликлари, турли дориларнинг ноҳўя таъсирлари сабабли ривожланади. Боши шикастланиб ёки бош мияси ҳамда пардаси яллиғланиб тузалган одамларда ҳам учрайди. Бироқ тик қаттиқ изтироб чекиш, болаларда ёки катталарда

кучли қўрқиш, узоқ вақт толиқиш ва дармонсизланиш ёки сурункали касаллик, невроз оқибатида келиб чиқиши ҳам мумкин.

### Ташхис қўйиш ва даволаш

Юқоридаги ҳолатлар, яъни тремор ва тиклар кузатилса, албатта, биринчи галда невропатологга мурожаат қилиш керак. Ҳар қандай тремор ёки тикни бартараф этишдан олдин авваламбор унинг сабабини аниқлаш керак. Бунда гиперкинезларни бартараф этиш, биринчи навбатда, унинг этиологиясини аниқлашдан бошланади.

Ташхис қўйиш учун чуқур генетик ва неврологик текширувлар талаб этилади. Қон таҳлили ҳам муҳим. Тикларни даволашда бир неча мутахассислар бирга ишлашлари керак. Психолог билан тикнинг нима таъсирида бошланганлигини аниқлаш давонинг асосидир. Психотерапевт боланинг ва катталарнинг миясидаги қўзғалиш ҳолатининг тинчланиш ҳолатига ўтиши учун асосий машқларни, ўзини ўзи бошқаришни ҳам ўргатади.

Аксарият ҳолларда дорилар билан даволаш талаб қилинмайди ёки организмдаги инфекция ўчоқларини бартараф этишнинг ўзи ҳам гиперкинезларни (масалан, тикларни) барҳам топтиради. Шунинг учун ҳам беморга руҳий ва жисмоний тинчлик муҳити яратилиш ўта муҳим. Илоҳи борича инъекцияда бериладиган дорилар сонини камайтириш лозим. Беморни даволашда психотерапиянинг ўрни жуда катта.

Ўзбекистонлик профессор тиббиёт телеканали очишни тақлиф қилмоқда.



Муқаддас Рамазон покланиш, гуноҳ ва маъсиятлардан халос бўлиш оёи ҳисобланади. Мазкур ойда мусулмонлар учун рўза тутиш билан бирга Рамазон билан боғлиқ баъзи шаръий амалларни бажариш ҳам буюрилган. Бу — фитр садақа ва фидяни беришдир. Шу боис кўпчиликда айни шу амалларни адо этиш билан боғлиқ саволлар кўпаяди: **Фитр садақаси ва фидя бериш қандай амал ҳисобланади? Уларни қимлар бериши керак? Миқдори қанча? Қайси тоифадаги одамлар фитр садақа ва фидяни олса бўлади?**

## Нисобга етарли мол-мулкка эга ҳар бир мусулмонга вожиб

Рамазон оёи тугаб, ҳайит кунининг тонги ёришиши билан фитр садақасини бериш вожиб бўлади ва ҳайит намози ўқиб бўлингунга қадар бериб улгурилиши керак. Имом Абу Довуд ва Ҳокимлар Ибн Умар розияллоху анҳудан шундай ривоят қилган: «Бизга Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ҳайит намозидан аввал, одамлар намозга чиқишларидан бурун фитр закотини адо қилишни буюргандилар». Фитр садақасининг вожиб бўлиши Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг хутбада айтган сўзлари ила собит бўлган: «Ҳар бир балоғатга етган-етмаган ҳур ва қулнинг тарафидан буғдойдан ярим соъ ёки хурмо ва арпадан бир соъ фитр садақасини адо қилинганлар». Бир соъ — 3800 гр., ярим соъ — 1900 гр.ни ташкил этади. Фитр садақаси миқдори буғдой ёки майиздан икки килограмм, хурмо ёки арпадан тўрт килограммдир.

Фитр садақасини бериш яшаб турган уйи, қиш-ёзда қиядиган кийими, уй-рўзғор буюмлари каби эҳтиёжга керакли нарсалардан ортиқча бўлган, нисобга етарли мол-мулкка эга ҳар бир мусулмоннинг зиммасига оқлатилган. Мусулмон эрқагу аёл,

# ФИТР садақаси

## ва ФИДЯНИ қимлар бериши керак?



Жасурбек домла РАУПОВ,  
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари ва «Носирхон» жоме масжиди имом-хатиби.

## Улуғ ажру савоблар билан мукофотланади

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати 2020 йил (1441 ҳижрий йил) Рамазон оёи учун фитр садақаси ва фидя миқдорига доир қарориди, мезон қилиб олинган нархлари Тошкент шаҳрига оид бўлиб, ҳар бир вилоят вакилликлари ўз ҳудудидаги бозорлардаги ўртача нархлардан келиб чиққан ҳолда фитр садақаси ва фидя миқдорини белгилаш кўрсатилди.

Бугунги кунда мазкур маҳсулотларнинг Тошкент шаҳар бозорларидаги нархлари ўрганилганда 1 кг. буғдой ўртача тўрт минг сўм, 1 кг. арпа ўртача уч минг сўм, 1 кг. майиз ўртача ўттиз беш минг сўм ва 1 кг. хурмо ўртача ўттиз минг сўм экани маълум бўлди. Шунга кўра, 2020 йил (1441 х.) учун фитр садақасининг миқдори: ≈ 2 килограмм буғдой 8 000 (саккиз минг) сўм; ≈ 4 килограмм арпа 12 000 (ўн икки минг) сўм; ≈ 2 килограмм майиз 70 000 (етмиш минг) сўм; ≈ 4 килограмм хурмо 120 000 (бир юз йигирма минг) сўм деб белгиланди. Ҳар қим ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда, қокоридаги тўрт маҳсулотнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса қифоя.

Бу йилги фидя миқдори эса бир мискиннинг бир кунлик озиқ-овқати ўртача қийматидан келиб чиқиб 20 000 (йигирма минг) сўм этиб белгиланди.

Муҳтасар айтганда, садақа ва эҳсонлар молиявий ибодат бўлиб, уни адо этган киши улуғ ажру савобларга эга бўлади. Айниқса, муборак Рамазон ойда қилинган эзгу амаллар Аллоҳ даргоҳида улкан даражада мукофотланади.

балоғатга етган-етмаган, хоҳ оқил, хоҳ мажнун бўлсин, нисоб эгаси бўлсалар, фитр садақасини бериш мажбуриятга эга ҳисобланади. Шунингдек, мусулмон, нисобга моли етган эркак ўзи ва балоғатга етмаган, нисоб эгаси бўлмаган фарзандлари учун фитр садақасини бериши лозим. Аёл киши, балоғатга етган болалар нисоб эгаси бўлсалар зиммаларига фитр садақаси вожиб, нисоб эгаси бўлмасалар вожиб эмас.

## Узрли сабабларга кўра рўза тута олмайдиганларга руҳсат этилади

Ислом шариятида маълум бир амал ўрнига мол сарфлаш «фидя» дейилади. Масалан, Рамазон оёи рўзасини узрли сабаблар тугайли тута олмай қолганлар бунинг учун фидя берадилар. Кундан-кунга қувватдан кетиб борадиган, қайта кучга тўлмайдиган қариялар, тузалишига умид бўлмаган беморлар рўза тутмаслигига шариятимиз руҳсат беради. Улар Рамазоннинг ҳар бир куни учун фитр садақаси миқдорида мискинларга фидя беришади. Улар мустасалар, фидяларининг ҳаммасини бир қилиб, Рамазон оёининг бошида ёки охирида беришлари мумкин.

Исломда инсонни унинг тоқатидан ташқари ишга тақлиф қилиш йўқ. Аллоҳ таоло рўзани фарз қилиш билан бирга «Уни қийналиб тутадиганлар зиммасида фидя — бир мискин таоми бордир» деб марҳамат қилади («Бақара» сураси, 184-оят). Ҳадиси шарифда: «Бу оят насх бўл-

маган, балки қари чол ва кампир учундир. Улар рўза тутишга қодир эмаслар, шунинг учун ҳар бир кун ўрнига камбағални таомлантиришади», дейилган. Бошқа ҳадиси шарифда: «Бу руҳсат фақат рўзани кўтара олмайдиган ва тузалмас касалларгагина берилади», дейилган.

Фидя бир камбағалнинг бир кунлик ўртача тирикчилигини таъминлайдиган овқат миқдори бўлиб, унинг ҳажми таом ёки унга тўғри келадиган пул бирлигида белгиланади. Бунда ҳар бир жойнинг иқтисодий-маиший шарт-шароитидан келиб чиқилади.

Рўза тутишда вақтинчалик қийинчиликка учраб, кейин яна рўза тутиш имконига эга бўладиган касаллар, қуввати тикланган кексалар қазо рўзасини янаги Рамазон келгунча тутиб беришлари лозим.

## Камбағал, мискин, қарздор, толиби илм... ларга бериш лозим

Фитр садақаси ва фидя закот олиши мумкин бўлган кишиларга берилади. Акс ҳолда қилинган садақалар қабул бўлмай қолади. Булар — моли нисобга етмайдиган камбағал, ҳеч нарсаси йўқ мискин, давлат томонидан белгиланган садақаларни йиғувчи киши, молу дунёси нисобга етмайдиган қарздор, толиби илмлар ва пули тугаган ёки пулини йўқотган йўловчи (мусофир)лар ва ҳоказо. Шунингдек, фитр садақасини зиммийларга, яъни бизнинг ўлкаларда яшаётган ғайридинларга ҳам берса бўлади.

Зоминда тиббий қўлқоп ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.





*«Деразамнинг остида тонгда,  
Сайраган кўш сизмасми, ота?  
Ё тўйинига кўклам мазорда,  
Ёнишган гул сизмасми, ота?..»*

**Азим  
МУЛЛАХОНОВ:**

# «САНЪАТКОР

## фақат яхши кун учун эмас

*оғир кунларда ҳам хизматда туриши,  
халққа далда бўлиши керак»*

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Азим Муллахонов ижросидаги «Ота» номли ушбу кўшиқни эшитганда ким ҳам отасини кўмсамайди?! Суянган тоғи — отасини йўқотганлар ёки ундан олисда юрганлар қалбига бу кўшиқ қанчалик яқин ва малҳам бўлса, падари бузруквори ҳаёт бўлган бахтли инсонлар учун ҳам бу кўшиқнинг қадри шунча юқори. Аслида яхши кўшиқнинг вазифаси ҳам шу: барчани бирдек жунбушга келтирсин, баробар йиғлатсин, баробар ўйга чорласин, хулосага ундасин...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, халқимизнинг сеvimли ижодкори, устазода санъаткор Азим Муллахоновнинг ижодида эса бадий қиммати безавол, қайси замон ё қай даврада эшитманг, қалб торларини чертувчи, ички тугёнларга туртки берувчи сара кўшиқлар бисёр. Ижодкор билан санъат оламидаги муаммолар, санъаткорнинг хулқ-атвори, синовли кунларда санъатнинг вазифаси қандай бўлиши кераклиги хусусида суҳбатлашдик.

— Санъаткор маънавияти, одоби ва ахлоқи, хулқи ҳақида айни пайтда яхши фикрлардан кўра, ёмон муносабатлар кўпроқ билдирилмоқда. Ҳатто «энг порлаган юлдуз»лар ҳам бутун муҳокамалар марказида. Сизнингча, санъаткор учун фақат яхши ижоднинг, қобилятнинг ўзи кифоя қиладими?

— Санъаткорни халқ ардоқлайди, эъзозлайди. Ўз навбатида, санъаткор ҳам эл орасида доимо ўзи ҳақида яхши фикрлар юришини хоҳлайди. Аммо бу осон эмас. Ўйлашимча, бунинг учун 3 та жиҳат муҳим: аввало, санъаткор халқни ўйлаши, хизматлари учун жуда катта эмас, балки одамларнинг чўнтаги кўтарадиган нарх қўйиб тўйга бориши керак. Яна бир омил — санъат одами манманликни йиғиштириб қўйиши керак. Мен буюк санъаткорлар Комилжон

Отаниёзов, Фаҳриддин Умаровларнинг тўйларда ўзларини қандай тутишганини кўрганман. Ўшанда тўйхонага киргунча 50 метрли йўлак бўлса ҳам, ўша санъаткорнинг хурмати учун узун гиламлар ёзиб, қаршилашарди. Ваҳоланки, ушбу буюк санъаткорлар асло хурматталаб бўлишмаган. Одамлар уларни астойдил яхши кўрганидан шундай кутиб олишган. Қолаверса, устоз санъаткорларнинг одамлилиги, доно фикрлари, саховати ҳам халқни доимо тўлкинлантирган, севгисини оширган.

Санъаткорга зарур бўлган яна бир жиҳат — мол-дунёсини кўз-кўз қилавермаслик ва бўлар-бўлмас фикрлар билдириб, «донолик» қилавермаслик, деб ўйлайман. Чунки ҳозир интернет ривожланиб кетган, одамларнинг онги юқорилаб бормоқда. Яхши кўрган санъаткорини кузатади, агар озгина сохталикни сезиб қолдими (масалан, бир артист иккинчисини ёмонласа, бошқа бирови уйини мақтаб видео жойласа, яна бошқа артист ақли етмаган мавзуда ваъз-хонлик қилса), дарров ундан ихлоси қайтади. Тўғри, демократик давлатда яшайтмиз, ҳамма ўз фикрини билдиришга ҳақли. Аммо санъаткордан халқ нимани кутади? Яхши ижодни, халқнинг кўнглини олишни. Сохталик қилса, ўзини билагон кўрсатса, халқнинг хурмати сўнади.

— Аслида санъаткорлар яхши кунларда хизмат қилишади. Аммо бутун элимиз бошига синов тушган дамлар. Айтинг-чи, айни вазиятда санъат аҳлининг вазифаси қандай бўлиши керак?

— Менимча, санъаткор санъати билан халққа дармон бўлиши жоиз. Ҳиммати бўлса, ҳаммага ошкор қилмасдан ёрдамини кўрсатсин. Бойлигини кўз-кўз қилиш эса айни кунларда умуман ортиқча. Аслини олганда ҳамма санъаткорлар ҳам бой эмас. Аммо ўзини реклама қилиш, давлатманд кўрсатиш шоу-бизнесда рейтинг ошириш қуролга айлангандек. Қанча даромади

бўлмасин, санъаткор халқ бошига оғир кун тушганда қўлдан келган яхшилигини аямаслиги керак.

— Сирдарёга офат юз берган жойга борган санъаткорларнинг жабрдийдалар билан расмга тушгани ҳам кескин норозиликларга сабаб бўлди...

— Ахир, бутун умр меҳнат қилиб тиклаган уй-жойи, кўпайтирган мол-ҳоли бир кунда сувга оқиб кетсаю, айрим «санъаткорлар» улардан ҳол сўрагани бориб, тиржайиб ўзини селфи қилса, ижтимоий тармоқларга жойласа, бу қайси мезонларга тўғри келади? Саховатни ҳам аслида кўрсатмай, билинтиймай қилиш керак-ку?!

Фикримча, қурилишлар бошланса, фалокат бўлган ҳудудларга бориб бепул концерт уюштириш ёки концертдан тушган маблагни талафот кўрганларга хайрия қилиш — энг мақбул кўмақдир. Ана шунда аҳоли билан учрашувлар қувончли ўтади, концертлар кўнглига сиғади.

— Эстрадага жуда кўп ёшлар кириб келишяпти, аммо санъатимиз бир жойда депсиниб тургандек. Ёш ва навқирон кадрларнинг кўплиги, сизнингча, нима учун ривожланишга туртки бермаяпти?

— Ҳозир санъатдаги мезонлар йўқолган. Демократия эпкинлари санъатта ҳам кириб келди. Илгари бадий кенгаш қаттиқ назорат қиларди. Унча-бунча одам санъаткорликни эглай олмасди. Масалан, ҳаваскорлик деган мезон бўларди. Радиоода мен 10 йил ҳаваскор бўлиб чиқиб, кейин профессионал санъатта ўтказилганман. Мана шу мезонлар олиб ташлангандан кейин ривожланиш ўрнига пасайиш кузатилди. Ҳозир телевидение пулли бўлган, радио ҳам пул берсангиз ашулангизни кўяди. Хусусий каналлар кўпайган. Улар ўзининг муайян қоидаларига бўйсунди. Бадий назоратнинг йўқлиги боис ҳаваскорлик даражасидан ҳам паст савиядаги ашулалар кўпайди.

Тингловчининг қулоғи саёз куй-қўшиққа ўрганди. Менинг фикримча, санъатда, албатта, назорат бўлиши керак. Қолаверса, санъаткор халқнинг олдида ҳар бир гапига, бачкана қилиғига масъул эканини, айтадиган ашуласининг матнгаю мусиқасига жавобгар эканини унутмаслиги лозим.

— Юқорида тўйлар ҳақида гап очдингиз. Халқ бир умр ишлаб пул йиғса ҳам севган санъаткорини тўйига олиб келолмайди — юлдузларнинг нархи осмонда. Ваҳоланки, уни юлдуз қилиб кўтарган ҳам шу халқ. Тўйлар учун нарх белгилашда нега адолат йўқ?

— Аслида мен тўйларда муайян нарх белгилаш тарафдориман. Айтайлик, турли мезонлар асосида бир миллиондан ўн миллион сўмгача белгиланса ва бу нарх ўзгармас бўлиб, ўша суммадан фоиз чиқарилиб, солиққа тортилса, муаллифлик ҳуқуқи учун (бастанга ёки шоирга) пул чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Нарх белгилашда ҳар бир санъаткорнинг концерт чипталари баҳосидан келиб чиқилса, эътирозига ўрин қолмасди. Масалан, тўйга борган санъаткор фонограмма орқали кўшиқ ижро этса, 500 минг сўм, жонли ижрода ёнида мусиқачилари билан келса, беш миллион сўм қабилда тарифлар ишланса, адолатдан бўларди. Ана ўшанда шоирларнинг ҳам муаллифлик ҳуқуқи поймол бўлмасди. Аммо бу таклифларнинг аксарият санъаткорларга ёқмайди. Шу боис ушбу мавзуда ҳали изланиш керак.

— Маҳалла ҳаётига аралашиб турасизми?

— Албатта, маҳалла ҳаётиимиз билан чамбарчас боғлиқ. Идорагами ёки маҳалла билан боғлиқ бирор тадбиргами чақирилса доим бораман. Маҳалламга, халқимизга санъатимиз билан холис хизматта ҳамisha шайман.

Юлдуз ҲОЖИЕВА суҳбатлашди.



«Илҳақ»ни ноқонуний тарқатганлар жавобгарликка тортилиши мумкин.





# Ўдгорой МИРЗАЕВА: «БОКС ЖАРОҲАТСИЗ БЎЛМАЙДИ»

Хозирда Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Наманган вилоятлари ва Тошкент шаҳрида аёллар бўлими фаол ишламоқда. Терма жамоа тузилаётган вақти унга таэквондо, қўл жанги, тайбокс каби спорт турлари билан шуғулланган қизлар келиб қўшилган. Улар орасида ҳаттоки оғир атлетикадан спорт устаси ҳам бор эди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устозлари Ринат Юсупов, Раҳматжон Рўзиохунов, Дилмурод Ҳасанов, Камолитдин Муталов каби мураббийлар машғулотлар олиб боришди. Натижада қисқа вақт ичида Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилган Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасида боксчиларимиз 5 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Бокс нозик хилқат вакиллари — хотин-қизларга оғирлик қилмасмикан, деган савол қўпчилиқда пайдо бўлиши табиий. Бокс бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, ўзбек бокс тарихида илк бор Олимпиадада иштирок этган Ўдгорой Мирзаева бу ҳақда шундай дейди:

— Ноқулайлик томони, биринчи навбатда, боксда юз жароҳатлари кўп бўлади. Илк марта кўзим кўрганганини кўрган онам «аёлнинг ҳусни юзи билан», дея эътироз билдирганди. Аммо аҳдимдан қайтмаслигимни биллиб қўлаб-қувватлаган. Бундан ташқари, боксда бурун синиши, қош йиртилиши, бош ёрилиши, елка ва қўллар лат ейиши мумкин. Бусиз рингда фаолият олиб бориб бўлмайди. Спортчи ҳар қандай

вазиятда ғалаба сари интилиши керак. Бугунги кунда эришган натижаларимда илк мураббийим Ойбек Тожиевнинг ўрни бекиёс. Чунки юзимдан жароҳат олган пайтимида вазиятдан қандай руҳий ҳолатда чиқиб кетишим кераклиги ҳақида ҳам сабоқ берган. Биз ҳар қандай ҳолатда нозик хилқат вакиллари бўлиб қолаверамиз. Барибир ойнага қарамасдан туролмаймиз. Лекин бу спорт.

Яна шунини қўшимча қилишим мумкинки, йигитларга қараганда қизлар характери мураккаб. Уларнинг ўзига хос характери, нозик табиати бор. Шу сабабдан ҳам барчага индивидуал ёндашув керак бўлади.

**— Мамлакатимизда спортчилар, жумладан, боксчиларни рағбатлантириш йўлга қўйилган. Бу борада аёлларга қандай имтиёзлар бор?**

ДАРВОҚЕ...

Аёллар боксида ўзбекистонлик боксчи қизлар 2017 йилда Вьетнамда ўтказилган Осиё чемпионатида битта олтин ва иккита бронза медални қўлга киритган. Ушанда боксимиз тарихида илк маротаба Гўзал Исмамова аёллар ўртасида Осиё чемпиони бўлган. Ўдгорой Мирзаева ва Ўззода Мелиева бронза медалга сазовор бўлишган. Ўдгорой Мирзаева Осиё чемпионатида уч маротаба бронза медали соҳибаси бўлган.

Шунингдек, боксчи қизларимиз 2019 йилги Осиё чемпионатидан ҳам учта медал билан қайтишган.

— Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунга келиб рағбатлантириш масалаларида биз аёл спортчиларга ҳам эркаклар терма жамоаси билан бир хил эътибор кўрсатилади. Яъни жаҳон ва Осиё чемпионатларида совриндор бўлган қизлар натижасига қараб, йигитлар билан бир хил мукофот пули олади. Биздан фақат натижа кўрсатиш талаб қилинади, холос.

**— Спорт соҳасини ривожлантириш йўлида бир талай ишлар олиб борилмоқда. Сизнингча, соҳанинг энг долзарб муаммолари қайсылар?**

— Осиёлик боксчи қизлар жаҳон миқёсида кучли ҳисобланишди. Хитой, Таиланд, Филиппин каби мамлакатларнинг боксчи қизлари жаҳон чемпионатларида ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Бу давлатларда узоқ йил-

Аёллар бокси юртимиз спорти таркибидан жой олганига кўп бўлгани йўқ. Боксчи чемпион қизлар сафи эса йил сайин кенгаймоқда. Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош мураббийи Лочин Қўчқоровнинг таъкидлашича, Бокс федерацияси қошида аёллар бўлими ташкил этилган, бир ярим мингга яқин қиз уч вазн тоифасида мунтазам шуғуллана бошлади. Уларга олтимшдан ортиқ мутахассс бириктирилди.

лардан буён аёллар бокс мактаби фаолият олиб боради. Ҳаттоки қўшни Қозоғистонда ҳам аёллар бокси терма жамоаси ташкил этилганига 15 йил бўлган. Бизда эса эндигина тўрт йил бўлди, қисқа вақт ичида кўплаб чемпион қизлар етишиб чиқди. Юртимизда соҳага доир кўплаб ишлар қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон бокс федерацияси томонидан спорт базаси яратилиш бўйича саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Янгиободдаги базамизда иккита спорт залимиз бор. Лекин у ерда ўзимизнинг ётоқхона йўқ. Ҳозирги базамиз Миллий олимпия кўмитаси ёрдамида қайта таъмирдан чиқарилди. Лекин буни етарли даражада дея олмайман. Шу сабабдан замонавий спорт зали, ётоқхона, ошхона, реабилитация марказига эга бўлган катта база барпо этилади. Ишонаманки, янги куриладиган спорт базаси узоқ йиллар давомида юртимиз бокси ривожини учун хизмат қилди. Ўзбекистон эркаклар терма жамоасининг қандай кучга эга эканини барча билади. Энди қизларимизни ҳам шу савияга олиб чиқиш бўйича мураббийлар мунтазам шуғулланишмоқда. Агар терма жамоамиз учун алоҳида база бўлса, яқин йиллар ичида биздан ҳам жаҳон миқёсидаги бокс юлдузлари етишиб чиқиши тайин. Яқин вақт ичида шундай имкониятга эга бўламиз дея умид қиламиз. Ўйлайманки, ўзбек боксини дунёга янада машҳур қилишда қизлар жамоаси ҳам мустақкам ўрин эгаллайди.

Нилуфар ЮНУСОВА  
«Mahalla»





# АҚШ ВА ХИТТОЙ: КИМНИНГ ҚАДДИ БУКИЛАДИ?

Дунёнинг ҳозирги қурилмаси Иккинчи жаҳон уруши натижасида шаклланди. Урушдан кейин АҚШ ҳарбий супердавлатга айланди, атом қуролини яратишда Москвани ортда қолдирди. Глобал стратегик қудрат масаласида ядро қуроли бош масалага айланди. Бироқ тез орада СССР ўзининг атом бомбасига эга бўлди. Унинг Шарқий Европанинг сезиларли қисми устидан назоратни сақлаб қолиш қарори можоралар кам бўлиши кўзда тутилган янги дунё тартиботи тўғрисидаги орзуларни чиппақка чиқарди.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,  
сиёсий шарҳловчи.

Натижада Шимолӣ Атлантика ҳарбий блоки дунёга келди, АҚШ билан Ғарбий Европа ўртасидаги доимий дипломатик алоқа йўлга қўйилди. Энди кадриятларга асосланган иттифоқчиларнинг тизими ёки Ғарб ғояси қалқиб чиқди. БМТ, Бреттон-Вуд валюта тизими, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасининг тузилиши энг катта ютуқлардан бири бўлди. Британия бунда муҳим роль ўйнади, аммо ҳал қилувчи сўзни АҚШ айтди. Ҳар бир халқро тузилма АҚШнинг манфаатдорлигига боғлиқ равишда ташкил этилди. 1950-1960 йилларда жаҳон иқтисодийётини кўтарган, Ғарб устунлик қилган бу ташкилотлар занжири асосида қонунларга асосланган халқаро тартиб юзага келди.

## Иқтисодий қудрат қай томонда?

Аммо ҳозир бу тартиб сўроқ остида қолди, чунки унинг сиёсий моҳияти жиддий ўзгараёттир. Бунинг асосий сабабчиси тобора мустаҳкамланиб бораётган Хиттой, иқтисодий қудратнинг Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларига кўчаётгани, кўлаб ғарб демократияларида популистик омилларнинг кучайиб бораётганидир. Шу билан бирга НАТО ичкарасидаги тортишувлар, айниқса, президент Дональд Трамп туртки берган қарам-қаршиликларни ҳам эслаб ўтиш жоиз. У альянсининг Вашингтон учун аҳамиятини шубҳа остига қўйди. АҚШда халқаро сиёсатда изоляциячилик мавзуси Республикачилар партияси учун устувор масалага айланди. Хуллас, ғарб кадриятлар тизимида ёриқ пайдо бўлди, аммо яна бошқа бир муаммо уларнинг замонавий тарихдаги эврилишлар, яъни Хиттойнинг қудратини тан олмаслигидир. Аслида Хиттой жаҳон сахнига кеча чиққани йўқ. Масалан, у БМТ Хавфсизлик Кенгашининг илк доимий аъзоларидан. Урушдан олдин ҳам, кейин ҳам Хиттой АҚШнинг асосий хавотир манбаи бўлган. Хиттой коммунистик йўлга киришидан олдин АҚШ Чинни янги дунёдаги йирик куч деб ҳисоблаб, эски империялар – Британия ва Франция таъсирига йўққа чиқарадиган державага айланишини

башорат қилган.

Шу боис 1949 йили Хиттой коммунистик йўлни танлаганида АҚШ кучли шокка тушган. Хафатгарчилик 1972 йили, Хиттой Совет Иттифоқидан юз ўтганидан кейин ариди, аммо замонавий Хиттой иқтисодийёти тобора АҚШ қудратига яқинлашиб келаётгани, Пекиннинг Вашингтон таъсир доирасидаги мамлакатларга дадил кириб бораётгани АҚШ хавотирларини яна тиклади.

## Вашингтон тақдир Пекин қўлидами?

Афтидан, коронавирус пандемиясидан кейин ҳам иқтисодий тараққиётнинг Осиё томон юз бериш жараёни тўхтамайди, балки шунинг учундир Ғарб Хитойни пандемияни тарқатишда, инсон ҳуқуқларини қўпол бузаётганида, қўш-иларига босим кўрсатаётганликда айблашгача бориб етди. Барча ҳаракатлар Пекинни тўхтатишга қаратилди. Парчи эпидемиология ҳолати мутахассислари, ҳатто Марказий разведка бошқармаси янги вируснинг пайдо бўлишида инсон омиллини рад этганига қарамай, АҚШ маъмуллари, айниқса, давлат котиби Майк Помпео Пекинни барча муаммоларнинг бош айбодори сифатида айбламоқда. Унга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўрилиши ва тақдир Совет Иттифоқиники каби туташти мумкинлиги ҳақидаги башоратларни илгари сурди. Аммо Вашингтон тақдир Пекин қўлида эканини ҳам унутмаслик керак. Чин АҚШнинг 11 триллион долларлик давлат облигацияларига эга ва коронавирус сабабли икки мамлакат ўртасида пайдо бўлган келишмовчилик ортидан АҚШ қимматли қоғозларини сотиш имкониятини қўриб чиқмоқда. Хиттой АҚШнинг қимматли қоғозларини сотишни бошлаши, доллар курси тушиб кетиши мумкин, деб ёзмада «South China Morning Post» газетаси. Бу, ўз навбатида, АҚШ давлат облигациялари бозори учун муаммолар келтиради, чунки Вашингтон пандемияга ва у билан боғлиқ иқтисодий зарарга қарши кураш бўйича қатор дастурларни молиялаштириш учун янги қимматли қоғозлар чиқаришни сезиларли оширмоқда. Таҳлилчилар

нинг фикрича, бу АҚШнинг обрўсига путур етказиб, унинг бутун дунёдаги инвесторларга тўлай олиш лаёқатини савол остига қўяди.

## Пандемия АҚШга қандай таъсир қилди?

АҚШда коронавирус пандемияси сабабли ишсизлик рекорд даражадаги 14,7 фоизга ўсди. Бу охириги 80 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич эканини ҳисобга олсак, Вашингтон Пекинга у қадар катта босим кўрсатолмайди. АҚШ меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, жорий апрелда мамлакат меҳнат биржаларида 29 млн. киши рўйхатдан ўтган. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатда бундай вазият охириги март 1940 йилда кузатилган. Апрельда ишсизлик даражаси март ойидаги 4,4 фоиздан 14,7 фоизгача ўсиб кетган. АҚШ меҳнат вазирлиги 1948 йилдан бери ишсизлик даражаси бўйича ҳар ойлик статистикани эълон қилиб келади. Бунгача вазирлик фақат йиллик маълумотларни эълон қилган. Ўша маълумотларга кўра, АҚШда 1933 йил, Булок тушқунлик даврида ишсизлик мутлақ максимум даража – 24,9 фоизни ташкил қилган. Агар 1948 йилдан кейинги маълумотларга қаралса, унда АҚШда ишсизликнинг максимал даражаси 1982 йил ноябрь-декабрида 10,8 фоиз қийматда қайд қилинган. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, ўрта муддатли реал даражаси Булок тушқунлик давридаги даражага яқинлашиб қолиши мумкин. Балки шундандир, яқинда Чин мамлакатини АҚШ иқтисодийётини йиқитишда айблаган президент Трамп Хиттой коронавирусни қасддан тарқатганига ишонмаслигини айтди. Демак, оҳанг юмшади.

Ҳозир Ғарб давлатлари Хитойни пандемия тарқатишининг бош айбодори сифатида фож этиб, бу орқали унинг жаҳон лидерлигига бўлган интилишини заифлаштиришмоқчи.

Коронавирус инқирози бошланганда АҚШ ва Хитой муносабатлари шундоқ ҳам ёмон ва тижорий алоқалар таранг эди. Хитой ҳам, АҚШ ҳам қайта қуролланмоқда ва Осиё-Тинч Уммон хавзасида янги

эқтимолӣ низога очик тайёргарлик кўришмоқда. Хитой – ҳеч бўлмаганда минтақавий доирада – ҳарбий суперқудрат сифатида бўй кўрсатди. Пекин энди дунё микросида ҳам ўзига муносива, баландроқ ўрин истамоқда. Коронавирус эса АҚШ–Хитой муносабатларини янада мураккаб ҳолатга солади.

## Пандемия кимнинг қаддини букади?

Пандемия бўҳронида қандай йўл тутиш ва инқироздан кейин дунё қандай ўзгариши икковлон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Савол туғилади, кимнинг қадди букилади? Коронавирус инқирози оқибатида дунё иқтисоди абгор ҳолатга тушади. Айнан Хитой иқтисоди қанчалик оёққа туриб кетиши – хароб аҳволдаги дунё иқтисоди ҳам ўз қаддини тутиши учун ўта муҳим. Президент Трампнинг танқидчиларига кўра, АҚШ раҳбарияти коронавирус таҳдиди олдида хато йўл тутди. Трамп маъмурияти бошида бу вирус хавфи жиддийлигини менсимеди. «Авалло, Америка» деган шиорини қайтариб, ўз сиёсий тизими ҳамманикидан зўрлигини ургулаш билан банд бўлди. Халқаро инқирозга қарши кураш бошида тура олмади. АҚШ коронавирус қаршисида хато қиларкан, Хитой ундан жуда тез сабоқ чиқаряпти. Коронавирус инқирози пайти дунёда АҚШ яратган бўшлиқни Хитой тўлдиради. Пандемияга қарши курашда Хитой ўзини халқаро етакчи сифатида намоён қилаёттир. Уханда вирус чиққан илк пайтлари Хитой жуда махфий иш кўрди. Аммо тезда катта миқдорда куч, билим ва маблағини вирусга қарши курашга йўналтирди.

Кўлаб ғарблик таҳлилчиларга кўра, пандемия натижасида Хитой янада каттиққўл давлатга айланиши ва иқтисодий ривожланиш секинлашиши мумкин. Лекин бу – АҚШнинг дунёдаги маъкейга етадиган зарар олдида ҳеч нарса эмас.

Хитой эса коронавирусга қарши биргаликда кураш ва ёрдам баҳонасида Япония ҳамда Жанубий Корея каби қўш-илари билан ҳам, Европа Иттифоқи давлатлари билан ҳам янги муносабатлар қурмоқда.



Бразилия Амазонка ўрмонларини асраш учун  
Қуролли кучларни жалб этди.



**СОЛИҚ** Картошка етиштирадиган деҳқонлар солиқдан озод қилиндими?

— Эшитишимча, юртимизда картошка етиштирувчи деҳқонлар солиқлардан озод қилинибди. Шу тўғрими?

**Акмалжон ПЎЛАТОВ.**  
Олтириқ тумани.



**Нигора ХЎЖАЕВА,**  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:  
— 6 май куни Президентимиз «Республикада картошка

етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Эндиликда юртимизда картошкачилик кластерлари ва кооперациялари ташкил этилади. Қарорга кўра, картошка етиштиришга ихтисослаштирилаётган туманлар ҳамда ҳудудлар рўйхати тасдиқланди. 2020 йил 1 майдан бошлаб уруғлик картошка харид қилиш харажатлари учун фермер ва кластерларга 12 ой муддатга кредитлари ажратилади. 2023 йил 1 июлгача четдан олиб қилинган уруғлик картошка божхона божидан озод этилади.

Аммо қарорда солиқлар юзасидан имтиёзлар кўзда тутилмаган.

**ҚУЛАЙЛИК** Тошкентда Британия университети ташкил этилади

— Пойтахтимизда яна бир хорижий университет ташкил этилди деб эшитдим. Шу тўғрими?

**Нодира МАҲКАМОВА.**  
Бахмал тумани.



**Фарҳод БАБАШЕВ,**  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, жорий йил 8 май куни Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Британия менежмент университетини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Университет иқтисодий секторлари учун олий маълумотли мутахассисларни тайёрлайди. Ўқиш юртимизда амал қилаётган таълим шакллари ҳамда инглиз тилида тўлов-контракт асосида амалга оширилади. Янги таълим муассасаси бакалаврият йўналишлари бўйича «Лойиҳаларни бошқариш», «Логистика ва етказиб бериш занжирларини бошқариш», «Тадбиркорлик ва инновациялар», «Халқаро электрон тижорат», «Рақамли иқтисодиёт» йўналишларида мутахассислар тайёрлайди. Университетда таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади. Битирувчиларга Ўзбекистонда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида эътироф этиладиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

**ИҚТИСОДИЁТ** Давлат бюджети қайта кўриб чиқиладими?



— Шу кунларда мамлакатимизда 2020 йил учун белгиланган давлат бюджети қайта кўриб чиқиши тўғрисида гап-сўзлар юрибди. Шу тўғрими?

**Нозим ҚАРИМОВ.**  
Бўз тумани.



**Ўткир НЕЪМАТОВ,**  
Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— 11 май куни Олий Мажлис Сенати қатор қонун ҳужжатларини кўриб чиқди. Сенаторлар «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунга қўйиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади. Қонун коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида мамлакатимиз бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, харажатларни оптималлаштиришга йўналтирилган.

Аммо бу ҳали давлат бюджети ўзгартирилди дегани эмас. Зеро, маъқуланган қонун Президент томонидан имзоланиб, белгиланган тартибда эълон қилинган, кучга қиради.

**ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ** Бензин учун «товон пули» қанча?

— Иккинчи гуруҳ ногирониман, билишимча, биз кабиларга бензин учун компенсация тўлиниши керак. Тўлов тайинлашни учун кимга мурожаат қилай?

**Азизбек ЙЎЛДОШЕВ.**  
Олмалиқ тумани.



**Отабек ЖЎРАЕВ,**  
Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Ўзнефгаз» инспекцияси ахборот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, бир қатор шахсларга бензин сотиб олишга харажатларнинг бир қисми учун ойлик пул қўшимча тўлов тўланади. 2019 йил 15 августдан унинг миқдори 75 000 сўмни ташкил этди. Уруш қатнашчилари, фахрийлари ва уларга тенглаштирилган шахслар, меҳнатда майиб бўлиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлари, I ва II гуруҳ болаликдан ногиронлар тўлов олиш ҳуқуқига эга. Уни тайинлаш учун пенсиялар ва нафақаларни тайинлайдиган органларга мурожаат қилиш керак.

**ТАЪЛИМ** Энди математика фани янада мукаммал ўргатилади

— Янги ўқув йилидан мактабларда математика фани янада мукаммал ўргатилиши тўғрисида эшитдим. Мавзу юзасидан маълумот берсангиз.

**Ақромжон ҚОДИРОВ.**  
Қарши шаҳри.



**Анвар УМАРОВ,**  
Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари:

— Дарҳақиқат, яқинда Президентимизнинг «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш кўзда тутилган. Қарорга кўра, ҳар бир туманда (шаҳарда) математика фанини мукаммал ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилади. Математика мукаммал ўқитилмайдиган синфлар шакллантирилади. Ихтисослаштирилган мактабларга ўқувчилар танлов асосида саралаб олинади. Математика фани мукаммал ўқитилмайдиган синф битирувчилари тегишли ОТМларнинг математика таълим йўналишларига улар учун белгиланган мақсадли параметрлар бўйича ўқишга қабул қилинади.

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

**Mahalla**

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

**МУАССИС:**  
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» масъулияти чекланган жамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрдан 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи **Санжар ИСМАТОВ**

Нашр навбатчиси: С. Эшмуродов  
Мусаҳҳилхлар: Н. Азимова, М. Назарова  
Навбатчи: Б. Ғозиддинов  
Саҳифаловчилар: И. Болтаев, Ш. Бароқов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳқўчаси, 59-уй. Индекс: 100192

Телефонлар: Қабулхона: 71 233-39-89, Котибият: 71 237-56-80, Факс: 71 233-10-73.

Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

ISSN 2010-7013

123456

**Нашр кўрсаткичи: 148**